ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(I қисм)
(2022 йил 10-11 ноябрь)

САМАРҚАНД – 2022

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(I қисм)
(2022 йил 10-11 ноябрь)

САМАРҚАНД – 2022

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКА И СЕРВИСА

КАФЕДРА “ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА”

«РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ»

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ
республиканской научно-практической конференции

(часть I)

(10-11 ноябрь 2022 г.)

САМАРКАНД – 2022

UDC: 338.2:004(575.1)
М 90
КВК: 65.9(5Ў)

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш: муаммо ва ечимлари. / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (I қисм). 2022 йил 10 ноябрь. Самарқанд, СамИСИ, 2022. – 185 бет.

и.ф.д., профессор К.Ж.Мирзаевнинг умумий тахрири остида

Нашр учун масъуллар:

1. **Қ.Ж.Мирзаев – и.ф.д., профессор.**
2. **Д.Х.Аслановна- и.ф.ф.д., профессор.**
3. **Э.Шавқиев – и.ф.н., доцент.**
4. **С.Р.Джулматова – и.ф.н. доцент.**
5. **С.А.Исҳакова – и.ф.ф.д., доцент.**
6. **С.Бобоқулов – и.ф.ф.д., в/б доцент.**

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Мустафоев.Ғ.С.– доцент в.б.
Саҳифаловчи: Жамшид Хайитов

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида рақамли иқтисодиётнинг иқтисодий соҳаларда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашнинг илмий-назарий ва методологик ёндашувлари, аҳоли бандлиги, фаровонлиги, яшаш сифати ва даражасини юксалтиришдаги ролини ошириш масалалари, хизмат индустрияси билан интеграциялашув жараёнларидаги тенденциялари ва истиқболли йўналишлари, соҳани ривожлантириш муаммо ва ечимлари, бошқарув усуллари ва ижтимоий иқтисодий ривожланишда рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш йўллари, рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ соҳа самарадорлигини банк – молиявий тизими орқали ошириш механизмлари, корхоналарда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистик ҳисоб усулларини такомиллаштиришнинг инновацион ёндашувлари, сервис тизими хизматларининг сифати ва самарадорлигини ошириш йўллари, соҳани шакллантиришда рақамлаштириш муаммолари ва уларнинг ечимларига қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Мақолалар муаллифлар тахририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

ISBN: 978-9943-8583-5-0

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022

I ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ”

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

М.Э.Пўлатов, СамИСИ ректори и.ф.д., профессор
Қ.Ж.Мирзаев, Рақамли иқтисодиёт кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Анотация: рақамли иқтисодиётни ривожлантириш назарий масалалар билан бирга республика иқтисодиётини келгуси тараққиётини белгилашда янги амалий натижаларни беради. Шунингдек, мақолада рақамли иқтисодиётни Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мос муҳим хусусиятлари илмий асосланган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, институционал хусусиятлар, он-лайн хизматлар, буюмлар интернети, блокчейн, яширин иқтисодиёт.

Ўзбекистоннинг келгуси иқтисодий тараққиёти рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан бевосита боғланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз Парламентига Мурожатномасида таъкидланганидек: “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиши қилиниши мўлжалланган. Қурилиш, энгергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим”[1] деган фикрлари иқтисодиётмизни барча ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли тизимни шакллантириш бўйича асосий вазифа қилиб белгиланган.

Бугунги кунда дунё иқтисодиётини рақамлаштириш асосида ривожланиши бу йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришини тақозо этмоқда. Бу борада дунёнинг бир қатор йирик иқтисодчи олимлари тамонидан рақамли иқтисодиётни шаклланиши ва ривожланиши бўйича ўз фикрларини баён қилган.

Жаҳоннинг етакчи олимларидан Дон Тапскотт, Николас Негропонте, Девид Шаум, Скотт Ванстоун, Ник Сабо, Адам Бек, Шон Феннинг, Том Пеппер ва Жастин Франкел кабилар рақамли иқтисодиётнининг моҳияти,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожатномаси. 24 январь 2020 йил. Зарафшон 1-сон, 2020 йил 27 январь

шаклланиши ва жамият тараққиётида ўрни бўйича ўзларини ҳиссасини қўшишган. Хусусан, «Рақамли иқтисодиёт» атамаси икки олимнинг номлари билан, булардан биринчиси, канадалик иқтисодчи Дон Тапскотт ва иккинчиси америкалик ахборот технология мутахассиси Николас Негропонте ҳисобланади. Илк бор 1995-йилда “Being Digital” китобида Николас Негропонт “рақамли иқтисодиёт” атамасини қўллаган.

Шунингдек, ушбу йўналишда чуқур тадқиқот олиб борган МДҲ давлатларидан Россиялик олим В.М.Бандаренконинг сўзларига кўра “рақамли иқтисодиёт” бу яхлит тизимли тўртинчи саноат инқилобининг технологиялари билан мос келадиган, инсонлар ўртасидаги мураккааб муносабатлар муаммосининг ечим моделини топиш демакдир[2] деб ҳисоблайди. Шунингдек, бошқа бир Россиялик олимлар И.С. Аднамах ва Е.В. Сторожеваларнинг таърифлашича, рақамли иқтисодиёт – бу рақамли компьютер технологияларини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият бўлиб, унга онлайн хизматлар кўрсатиш, электрон тўловлар, интернет тижорат, краудфандинг ва бошқалар киради[3]. Т.А. Гасанов ва Г.А. Гасановлар келтирган таърифга кўра, рақамли иқтисодиёт бу-етакчи илмий ютуқлар ва илғор технологияларга, биринчи навбатда ахборот-коммуникация технологияларига асосланган иқтисодиётдаги институционал категориялар тизими бўлиб, унинг амал қилиши ялпи ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш мақсадида барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туришга қаратилади деб ҳисобланади. Шундай экан рақамли иқтисодиёт институционал иқтисодиётнинг трансформациялашуви бўлиб, ушбу жараёнда миллий бойлик ҳажмини кенгайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадларида миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун рақамли технологиялардан ҳар томонлама ва тизимли фойдаланилади.[4]

Бу борада Ўзбекистонлик олимлардан академик С.С.Ғуломов, рақамли иқтисодиёт ҳақида ўз қарашларини ҳам баён этган. Хусусан, “рақамли (электрон) иқтисодиёт бу – ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ўзига хос хусусияти бўлган иқтисодиёт туридир”[5]. Бошқа иқтисодчилар “Рақамли иқтисодиёт асослари” дарслигида “Рақамли иқтисодиёт-рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан

[2] Бондаренко, В. М. Мировоззренческий подход к формированию, развитию и реализации «цифровой экономики» / Бондаренко В. М. // Современные информационные технологии и ИТ-образование. – 2017, Т. 13. – № 1. – С. 237–251.

[3] Аднамах И.С., Сторожева Е.В. Использование информационных технологий в обеспечении финансовой безопасности банков // Молодая наука – 2015: матер. VI Открытой Междунар. Молодежной науч.-практ. конф. 2016. С. 119–121.

[4] Гасанов Т.А., Гасанов Г.А. Цифровая экономика как новое направление экономической теории // Региональные проблемы преобразования экономики. 2017. № 6. С. 4–10.

[5] С.С. Ғуломов, Р.Ҳ. Аюпов “Ракамли иктисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет.

фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносабатлар тизими”[6] деб таъриф беришган. Шунингдек, Республиканинг бир гуруҳ етакчи иқтисодчи олимлари рақамли иқтисодиётни “рақамли технологиялар коммуникацияларга кетадиган вақтни қискартириш ва барча иқтисодий жараёнларни тезлатишга имкон беради”[7] деган фикрни илгари сурган.

Демак, рақамли иқтисодиёт бу шундай иқтисодий фаолият бўлиб бунда барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёнини ифодаловчи ахборотларни рақамлаштирилган тизим асосида баён этишдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг муҳим хусусиятлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

Биринчидан, бундай иқтисодиёт бизнес учун тезкор янги ғоялар излаб топиш ҳамда мижозлар учун тезкор натижага қайтадиган алоқаларни амалга ошириш имконини берадиган иқтисодий муносабатлардан иборат;

Иккинчидан, инновацияларни рақамли шаклга келтириб иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларига тезкор жорий этиш ва зарур ҳолларда тез-тез алмаштириш, янгилаб бериш имконини беради;

Учинчидан, бундай иқтисодиёт асосида янгича жадал тараққиёт учун янги истиқболларни очиб берадиган ўта мураккаб, кутилмаган натижалар берадиган бозор муҳитини намаён қилади;

Тўртинчидан, мазкур иқтисодиёт суьний интеллектдан фойдаланиш имконини берадиган янги ғояларни яратиш имкониятини очиб беради;

Бешинчидан, янги замонавий технологиялар яъни, “блокчейн”, “бюмлар интернети”, “5G алоқа тизими” ва бошқалардан фойдаланиш имкониятини берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиради;

Олтинчидан, ушбу иқтисодиёт интернетдан фойдаланишнинг мутлоқо янги даврини очиб беради шунингдек, истеъмолчилардан интернет асосида бизнес яратиш даромат олишни кўпайтириш ва бошқа капиталлашувнинг тезкор ўсиш тенденциясини шакллантиради.

Таъкидлаш жоиски рақамли иқтисодиётни келгуси тараққиёти Ўзбекистон Республаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси”да таъкидлаганидек “Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантирилиб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш”[8] вазифа қилиб белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштириш қуйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

[6] Porsaev G’.M., Safarov B.Sh., Usmanova D.Q. Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. Samarqand: SamDU nashri, 2020. -270 bet

[7] Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов. Ракамли иктисодиёт. Т.: “LESSON PRESS, нашрбти 2020 йил - 686 бет

[8] Ўзбекистон Республаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” www.lex.uz

Биринчидан, иқтисодиётни барча тармоқ ва соҳаларига янги, рақамли технологияларни жорий этиш ва улардан максимал даражада самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади;

Иккинчидан, иқтисодиётни барча тармоқ ва соҳаларида “рақамли иқтисодий тизимлар” жумладан “электрон платформалар”, “электрон иловалар”, “электрон қурилмалар” ва шу кабилардан интернет бозорида истеъмолчиларнинг фойдаланиш имконияти кенгаяди;

Учинчидан, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида рақамли иқтисодиётни ўз ичига олган таркибий ўзгаришлар вужудга келади;

Тўртинчидан, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни жорий этиш натижасида ялпи ички маҳсулотни жадал ўсиш имконияти яратилади ҳамда 2030 йилга келиб республикамизда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш”[9] бўйича барча шарт-шароитлар яратилади;

Бешинчидан, республика иқтисодиётини рақамлаштириш талабига мос мутлоқо янгича билимга, малака ва кўникмаларга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш зарурати асосида жаҳон андозосига мос кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Бундай кадрларни республикамизда тайёрлаш кредит-модул тизими асосида амалга ошириш жорий этилади;

Олтинчидан, рақамли иқтисодиёт мамлакатимизда коррупцияни олдини олиш ҳамда турли кўринишдаги “яширин иқтисодиёт”ни пасайтириш имконини берадиган муҳим воситаси сифатида фойдаланиш йўлга қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Парламентга Мурожатномаси. 24 январь 2020 йил. Зарафшон 1-сон, 2020 йил 27 январь
3. Аднамах И.С., Сторожева Е.В. Использование информационных технологий в обеспечении финансовой безопасности банков // Молодая наука – 2015: матер. VI Открытой Междунар. Молодежной науч.-практ. конф. 2016. С. 119–121.
4. Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов. Ракамли иктисодиёт. Т.: “LESSON PRESS, нашрбти 2020 йил - 686 бет
5. Бондаренко, В. М. Мировоззренческий подход к формированию, развитию и реализации «цифровой экономики» / Бондаренко В. М. // Современные информационные технологии и ИТ-образование. – 2017, Т. 13. – № 1. – С. 237–251.

[9] Ўзбекистон Республаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони. “2022-2026 йилларга мўлжаланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” www.lex.uz

6. Гасанов Т.А., Гасанов Г.А. Цифровая экономика как новое направление экономической теории // Региональные проблемы преобразования экономики. 2017. № 6. С. 4–10.

7. [1] С.С. Ғуломов, Р.Ҳ. Аюпов “Ракамли иктисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет.

8. Porsaev G’.M., Safarov B.Sh., Usmanova D.Q. Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. Samarqand: SamDU nashri, 2020. -270 bet

ҲУДУДЛАРДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСОН РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Эргашев Р.Х.-ҚарМИИ
профессори, и.ф.д.

Аннотация. Мақолада саноат тармоқларида инсон капиталидан самарали фойдаланиш йўллари ва инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи иқтисодий омиллари ўз навбатида иқтисодий омиллар саноат корхоналарининг хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти натижаларининг бир бўлаги сифатида намоён бўлаши ёритилган.

Калит сўзлар. инсон капитали, инсон ресурси, самарадорлик, саноат тармоқлари.

Кириш. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг 2019 йил маълумотларига кўра инсон тараққиёти индекси бўйича ҳисоботида Ўзбекистон 189 та давлат ичида 0,710 индекс қийматига эга бўлиб, 108 ўринни эгалади. Унда кутилаётган умр давомийлиги 71,6 йил, кутилаётган таьлим олиш даври 12,0 йил, ўртача таьлим олишнинг давомийлиги 11,5 йил, аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад 6462 АҚШ долларини ташкил этди. Инсонни ривожланиш индексининг қиймати 0 дан 1 гача ўзгариб туради, бу инсон потенциалининг ривожланиш даражасини акс эттиради ва 1 га қанчалик яқин бўлса, ривожланиш шунчалик юқори бўлади.

Мамлакатнинг саноат тармоқларини ривожлантириш учун ва уни барқарорлаштириш ҳамда модернизация қилиш шартларидан бири ишлаб чиқаришни зарурий малака, кўникма ва фазилатларга эга бўлган инсон ресурслари билан таъминлаш, яъни «инсон капитали»дир.

Саноат тармоқларида инсон капиталининг даражасини аниқлаш усули инсон капиталининг ҳаётийлиги интеграл ёндашув, шу жумладан базавий инвестицияларни баҳолаш сифатида инсон капитали ва инсон капитали ривожланишида ва ходимларнинг ишлаш кўрсаткичлари ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда саноат тармоқларида инсон капиталининг қийматини ҳисоблаш асосида иинсон капиталига сарфланадиган харажаталар миқдори ва инсон капитали самарадорлиги ошириш йўлларини аниқлаш энг долзарб муоммалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли саноат

тармоқларидаги "инсон капитали" тушунчаси маданий, ижтимоий, жисмоний, маънавий, махсус ходимнинг интеллектуал ва касбий фазилатларининг фойдаланиш учун зарур бўлган махсус билим, кўникма, амалий кўникмалар машғулотлари жуда катта аҳамият касб этади.

Саноат тармоқларида иқтисодий ўсиш, соҳадаги даромадлар тақсимоти, ишлаб чиқариш даражаси ва сифати, ижтимоий соҳа каби қатор иқтисодий кўрсаткичлар бевосита инсон капитали билан боғликлик муоммаларини ҳал қилишни тақоза этмоқда. Шу сабабли иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш шароитида инсон ресурсларининг ҳал қилувчи роли,иш берувчи билан ходим ўртасидаги янги муносабатлар,иш билан бандликнинг замонавий шаклларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу каби муҳим масалаларни ҳал қилишда саноат тармоқларида олиб борилаётган ислоҳотлар йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва инсон ресурсларидан унумли фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.

Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”[1] деб таъкидлаб ўтди.

Инсон ресурсларининг компетенциялари ва қобилиятларини, саноат тармоқларининг интеллектуал капиталини энг муҳим омиллар сифатида ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларни ўрганишни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”даги 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон, “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”даги 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон қарорилари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Бозор иқтисодиёти шароитида саноат тармоқларида инсон капиталининг шаклланиши ва улардан самарали фойдаланиш йўллари, соҳада инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари турли йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, мазкур муаммонинг илмий –назарий ва методологик ечимлари бўйича А.Смит “Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши энг аввало

ходимнинг салоҳиятига боғлик, кейинги навбатда эса ходимнинг иш қуроллари билан қуролланганлигидир” ”[2] деб таъкидлайди.

Унинг фикрича “корхонанинг асосий капиталига нафақат ускуналар, балки жамият аъзоларининг фойдали қобилиятлари ҳам киради. Аммо уларни сотиб олиш маълум харажатларни талаб қилади ва бу ўз навбатида асосий капитал кўринишида акс этади. Шахс қобилиятларини ривожлантиришга сарфланган харажатлар фойда билан қайтади”.

У.Петти ва А.Смит “инсоннинг фойдали қобилиятларини асосий капитал сифатида ишлаб чиқди ва ундан даромад олиш имкониятини кўрсатиб берди”, деган хулосага келиш мумкин, бу инсон капитали назариясини шакллантириш ва янада ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Замонавий инсон капитали назарияси Т. Щульц, Г. Беккер, Э. Денисон, Р. Солоу, Ж. Кендриск, С. Кузнец, С. Фабрикант, И. Фишер, Р. Лукас ва бошқа иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилган”[3].

Т. Щульц биринчи бўлиб инсон капитали назарияси ривожланишининг бошланғич босқичида инсон капиталини ишлаб чиқариш омили сифатида эътироф этди. Т. Шульц ўз навбатида, инсон капиталининг турли жиҳатларини ўрганган бир қатор тадқиқотчилардан Ирвинг Фишер ва унинг *The Nature of Sapital and Insome* (1906) асарини ва бу асарда капиталнинг тўлиқ концепциясини шу жумладан инсон капиталини ривожлантириш ҳамда Адам Смитнинг мамлакат аҳолисининг қобилиятини шаклланишини туғма ва ортирилган (ўзлаштирилган) жиҳатлари тўғрисидаги ғояларини ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий асарларини ўрганди.

Т.Щульц ўзининг “Инсон капитали” борасидаги илмий тадқиқотларида “камбағал” мамлакатларда аҳоли фаровонлигини ошириш учун ернинг сифатига, ускуналарнинг мавжудлигига эмас, балки фойдали билимлар тизимига эътибор бериш кераклигини таъкидлайди.

В.Б.Баженованинг умумий ёндашув сифатида инсон капиталига интеграл тавсифи кўпчиликка қизиқиш уйғотади. У инсон капиталига “меҳнат бозорида талаб қилинадиган, меҳнат жараёнида намоён бўладиган ўзида малакавий тавсифлар; улар, таълим даражаси, интеллектуал салоҳият, билим, малака, ишлаб чиқариш тажрибаси, шунингдек шахсий тавсифлари: физиологик ва ижтимоий психологик хусусиятлари (соғлиқни сақлаш, ақлий қобилият, иқтидор, ташаббус) бўлиб, булар таьлимнинг формал ва ноформал шаклларига, соғлиқни сақлашга хусусий худди шунингдек ижтимоий инвестициялар киритиш орқали шаклланади, шунингдек шахснинг қобилиятлари жамғарилиши таьминланади ва унинг меҳнат ва меҳнатдан кейинги фаолияти давомида эгасига даромад келтириш имконига эга” ”[4] деб ҳисоблайди.

Ушбу ёндашув қуйидаги сабабларга кўра энг мукаммал (комплексли) ҳисобланади: биринчидан, инсон капитали инсоннинг асосий таркибий қисмларини қамраб олади; иккинчидан, тадқиқ қилинаётган ҳодисани таҳлил

қилиш бўйича яхлит ёндашув ғояси методологияси энг катта ҳажмда амалга оширилади; Учинчидан, тадқиқот ишида инсон капиталини шакллантиришнинг умумий шарт-шароитлари ва омиллари таҳлил қилинади.

Бизнинг назаримизда, инсон капитали категориясини тушунишнинг бундай ёндашуви, иқтисодий ва ижтимоий компонентларнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттиради, ижтимоий-тарихий ривожланишнинг реалликларига, хусусан, ишлаб чиқариш ва истеъмолни янги шаклларининг пайдо бўлишига янада кўпроқ жавоб беради.

Академик Қ.Х. Абдураҳмоновнинг фикрича, “Инсон капиталини аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқорироқдир, Инсон капитали – инвестициялар натижасида шаклланган билимлар, кўникмалар, малакалар заҳирасидан иборат бўлиб, у шахснинг жисмоний, ақлий ва психологик сифатлари ҳамда қобилиятларини акс эттиради” ”[5].

Иқтисодчи олим А.В.Ваҳабов эса “Агар “капитал” атамаси ўз эгасига қўшимча қиймат келтирадиган қийматни билдирса, унда “инсон капитали”, бизнинг фикримизча,- бу даромад келтирадиган инсон қобилиятларидир. Инсон капиталининг таянч асосини инсон қобилиятлари ташкил этади” ”[6] деб таъкидлайди.

Аммо, шу билан бирга юқоридаги муаллифлар ишлари турли даврда, умумий ҳолда бажарилган бўлиб инсон капиталини ва инсон ресурслари алоҳида муаммо сифатида танлаган ҳолда чуқур ёндашилмаган. Айни пайтда саноат тармоқларида инсон ресурслари фаолиятини таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам масалага жиддий ёндашган ҳолда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида саноат тармоқлари иқтисодиётида инсон ресурслари ўрнини ошириш, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида саноатни инсон ресурслари билан таъминлашнинг янги йўналишлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш маълумотлари келтирилган. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, таққослаш, омилли таҳлил ва қиёсий таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Корхоналарда инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва таъсир даражасини тадқиқ қилиш асосида самарадорликни ошириш бугунги иқтисодиёт фанининг олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боисдан, инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни тадқиқ қиламиз. Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигининг ошишига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни кўриб чиқишдан олдин, омил тушунчасига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир.

Қашқадарё вилоятида йирик саноат корхоналари сони 31 тани ташкил этиб, ушбу корхоналарда қўшимча қийматга эга бўлган: ёқилғи, енгил, электрэнергетика, кимё ва нефт-кимё, металлургия, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, озиқ-овқат ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан фаолият кўрсатади (1-жадвал).

Қашқадарё вилоят саноат тармоқларида фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари сони[10]

1-жадвал

№	Тармоқ мансублиги	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Электрэнергетика	3	3	3	3	3
2.	Ёқилғи саноати	6	6	6	6	6
3.	Металлургия	1	1	1	1	1
4.	Кимё ва нефт кимё саноати	1	1	1	1	1
5.	Машинасозлик ва метални қайта ишлаш саноати	1	1	1	1	1
6.	Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати	-	-	-	-	-
7.	Қурилиш материаллари саноати	2	2	2	-	-
8.	Енгил саноат	13	12	12	12	12
9.	Озиқ-овқат саноати	4	3	3	3	3
10.	Бошқалар	7	6	6	4	4
	Жами	**38**	**35**	**35**	**31**	**31**

Тадқиқот жараёнида Қашқадарё вилоятида (1-жадвал) мавжуд йирик саноат корхоналарининг тармоқ мансублиги ифода этилиб, унга мувофиқ, электрэнергетика саноатида 3 та саноат корхонаси (“Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти, “Талимаржон ГЭС”, “Қаршиэнерготаъмир” масъулияти чекланган жамияти), ёқилғи саноатида 6 та (“Шўртаннефтгаз” МЧЖ, “Гиссарнефтгаз” ҚК, “Нефтгазминерал” МЧЖ, “Муборакнефтгаз” МЧЖ, “Муборак ГПЗ” МЧЖ ва УК “Деҳконобод калий ўғитлари заводи”), металлургия саноатида 1 та (“Қарши иккиламчи қора металл” МЧЖ), кимё ва нефт кимё саноатида 1 та (Шўртангазкимё мажмуаси” МЧЖ), машинасозлик ва металнии қайта ишлаш саноатида 1 та (“Муборак иссиқлик электр маркази” АЖ), енгил саноатда 12 та (“Cotton road” ҚК, Қамаши пахта тозалаш” АЖ, “Бешкент пахта тозалаш” АЖ, “Косон пахта тозалаш” АЖ, “Жейнов пахта тозалаш” АЖ, “Муборак пахта тозалаш”

[10] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2017-2021 йиллардаги бюллетен тўпламларидан муаллиф ҳисоб-китоби.

АЖ, “Нишон пахта тозалаш” АЖ, “Касби пахта тозалаш” АЖ, “Чироқчи пахта тозалаш” АЖ, “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ, “Оқ сарой текстиль” МЧЖ ва “Яккабоғ оқ олтин” АЖ), озиқ-овқат саноатида 3 та (“Қашқадарё дон маҳсулотлари” АЖ, “Дунё-М” АЖ ва “Дон ҳалқ рисқи” АЖ) ва бошқа саноат тармоқларида 4 та (“Қарши ёғ экстракция” АЖ, “Косон ёғ-экстракция” АЖ, “Косон дон маҳсулотлари” АЖ, “Шаҳрисабз вино ароқ” АЖ) саноат корхоналари фаолият кўрсатади.

Келтирилган маълумотлардан (2-жадвал), саноат тармоғи маҳсулот ишлаб чиқаришининг нобарқарорлиги инсон ресурсларини бошқариш натижасига сарфланадиган харажатлар ўзгаришига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, электрэнергетика саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 116,8 фоизга кўпайган даврда, ўртача ойлик инсон ресурсларини бошқариш ҳақи 125 фоизга ошган, машинасозлик саноатида таҳлилга мос равишда 121,2 фоизга ва 108 фоизга ошган, енгил саноатда 116,9 фоизга ва 111,2 фоизга кўпайган (3-жадвал).

Қашқадарё вилоят йирик саноат тармоқларида ўртача ойлик инсон ресурсларини бошқаришда миқдори (минг сўм ҳисобида)

3-жадвал

№	Тармоқ мансублиги	Йиллар					2020 йилда 2019 йилга нисбатан, % да
		2017	2018	2019	2020	2021	
1.	Электрэнергетика	509,8	676,7	841,9	942,2	1178,0	125,0
2.	Ёқилғи саноати	871,0	1253,4	1459,9	1611,7	1768,5	109,7
3.	Металлургия	559,9	664,5	739,0	811,4	929,1	114,5
4.	Кимё ва нефт кимё саноати	602,7	693,9	857,7	958,1	1114,4	116,3
5.	Машинасозлик ва металнии қайта ишлаш саноати	865,7	1255,8	1440,9	1736,0	1874,8	108,0
6.	Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати	-	-	-	-	-	-
7.	Қурилиш мате-риаллари саноати	242,3	347,3	390,3	-	-	-
8.	Енгил саноат	247,1	292,7	408,7	452,6	503,5	111,2
9.	Озиқ-овқат саноати	228,0	292,3	481,7	657,1	630,5	96,0
10.	Бошқалар	232,5	528,3	671,0	625,4	736,0	117,7

	Йирик саноат тармоқларида ўртача ойлик инсон ресурсларини бошқаришда	**590,3**	**840,8**	**1017,8**	**1147,6**	**1314,6**	**114,6**

Мазкур 2-жадвал маълумотидан кўриш мумкинки, саноат тармоқларида ўртача ойлик инсон ресурсларини бошқариш ҳақлари йиллар давомида ошиб бориш тенденциясига эга бўлган. Электрэнергетика саноатида ўртача ойлик инсон ресурсларини бошқариш ҳақи 2017 йилда ўтган 2018 йилга нисбатан 132,7 фоизга, 2019 йилда 124, 4 фоиз, 2020 йилда 111,9 фоиз ва 2021 йилда 125 фоизга ошган бўлса, тармоқда сўнгги 5 йил ичида ойлик инсон ресурсларини бошқариш ҳақи миқдори 2,3 мартага кўпайган. Таҳлил этилаётган даврларга мос равишда инсон ресурсларини бошқариш ҳақи даражаси ёқилғи саноатида 2018 йилда 143,9 фоизга, 2019 йилда 116,5 фоиз, 2020 йилда 110,4 фоиз, 2021 йилда 109,7 фоизга ва умумий ҳолда 2 баробарга, металлургия саноатида 1,7 мартага, кимё ва нефт кимё саноатида 1,9 марта, машинасозлик ва металнии қайта ишлаш саноатида 2,2 марта, енгил саноатда 2 марта, озиқ-овқат саноатида 2,8 марта ва бошқа саноат тармоқларида 3,2 марта ошган.

Қашқадарё вилоят йирик саноат тармоқларида банд бўлган ишчиларнинг 52,4 фоизи ёки 19258 таси ёқилғи саноатида инсон ресурсларини бошқариш қилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу ишчиларнинг инсон ресурсларини бошқариш ҳақи бошқа саноат тармоғидаги ишчиларникидан ўрта ҳисобда 1,8-2 баробар юқоридир. Масалан, электрэнергетика саноатидан 1,5 марта, металлургия саноати 1,9 марта, кимё ва нефт кимё саноати 1,6 марта, енгил саноат 3,5 марта, озиқ-овқат саноати 2,8 марта ва бошқалардан 2,4 марта юқори инсон ресурсларини бошқаришга ҳақ тўланади.

Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи иқтисодий омиллар сифатидаги инсон ресурсларини бошқариш ҳақи ***бир томондан*** иқтисодий-ишлаб чиқариш инсон ресурсларини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичининг кўтарилишига таъсир кўрсатса, ***иккинчи томондан*** эса, иқтисодий-ишлаб чиқариш натижалари юқори ижтимоий натижаларни яратиши билан, ўз навбатида иқтисодий омиллар корхонанинг хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти натижаларининг бир бўлаги сифатида намоён бўлади. Шунинг учун иқтисодий-ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ҳамда боғлиқлик мавжуддир.

Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлиги ўзгаришига таъсир кўрсатувчи персоналнинг сифат даражаси бевосита ишчи-хизматчиларнинг малака даражаси ошишига боғлиқ бўлади. Ишчи-хизматчилар малака

даражасининг ошиши ишчиларнинг инсон ресурсларини бошқариш сифати ошишида намоён бўлади. Инсон ресурсларини бошқариш сифати ишчининг инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигига асосланади ва инсон ресурсларини бошқариш интенсивлиги ҳамда ресурслардан унумли фойдаланиш имкониятларини намоён этади.

Хулоса ва таклифлар. Инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини аниқлашда инсон ресурсларини бошқариш кўрсаткичи асосида ҳисоблаш услуби, натижаси ишончли бўлиб, ундан фойдаланиш ниҳоятда унумли ҳисобланади ва бу қўйидагини аниқлаш имконини беради:

- умумий инсон ресурсларини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичи ифода этмаган кўрсаткичларни ифодалаш;
- ишчи инсон ресурсларини бошқаришининг ривожлантириши инсон ресурсларини бошқариш натижасига таъсир кўрсатишини;
- умумий ва хусусий инсон ресурсларини бошқариш самарадорлиги кўрсаткичларининг ўзаро уйғунлигини;
- инсон ресурсларини бошқариш натижасининг самарасига таъсир кўрсатувчи кўрсаткичларни яхлит бир тизимга солган ҳолда ҳисоблашни;
- инсон ресурсларини бошқариш ҳажми ва инсон ресурсларини бошқариш сифати ўртасидаги ўзаро алоқадорликни.

Юқорида келтирилган инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини аниқловчи умумий ҳисоблаш услуби инсон ресурсларини бошқариш сифати ва сарфини иш ҳажмига нисбати асосида аниқлашга ёндашади, хусусий ҳисоблаш кўрсаткичлар умумий ҳисоблаш услубидан кескин фарқ қилиб инсон ресурсларини бошқариш самарадорлигини аниқлаш имкониятини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси 24 январ 2020 йил.

2.Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов., - Москва: Эксмо, 2007. С.117.

3.Константинов Илья., Человеческий капитал и стратегия национальных проектов.

4.Баженова В.С. Непрерывное образование в условиях трансформации экономической системы / В.С. Баженова. - М. : Изд-во Рос. экон. акад., 2000.

5.Абдураҳмонов, « Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: Меҳнат, 2009. - Б.182.».

6.Ваҳабов А.В “Инсон капиталини инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш” мавзусидаги БМИ, Тошкент 2014 йил.

7. Khidirovich E. R. Application of digital technologies in agriculture. – 2021.

8. Эргашев Р. Х. Применение цифровых технологий в сельском хозяйстве //development issues of innovative economy in the agricultural sector. – 2021. – с. 911-914.

9. Khidirovich E. R., Bokiyevich K. A. State support for small business and private entrepreneurship in uzbekistan. – 2021.

10. Ergashev, R. K., and A. D. Ravshanov. "Ways of Strategic Development and Increase of Competitiveness of Agricultural Enterprises." *JournalNX*, vol. 7, no. 1, 2021, pp. 99-105.

11. Rakhmatulla Khidirovich Ergashev, Elchiev Javohir Organizational and Economic Mechanisms for Improving Labor Efficiency in Service Enterprises. https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/Vol. 7 (2021): Academic Journal of Digital Economics and Stability (Spain)

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётини рақамлаштириш масалалари

Мирзаев Қ.Ж - СамИСИ,
и.ф.д., профессор

Аннотация. Ўзбекистонда иқтисодиётни жадал ривожлантириш рақамлаштиришда хизмат кўрсатиш тармоқлари ва соҳалари рақамлаштириш муҳим рўл ўйнайди. Шундай экан ушбу мақолада хизматлар соҳасини рақамлаштиришнинг муҳим жихатлари илмий асосланган.

Таянч иборалар: Рақамли иқтисодиёт, стратегия, давлат хизматлари, интернет-реклама, мултисервис, рақамли трансформатсия.

Ўзбекистонда иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва унинг тармоқ ва соҳалар бўйича таркибий тузилмасини замонавийлаштириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сонли Фармонига кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да белгилаб берилган “Иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси 5 йилда аҳоли жон бошига ЯИМни 1.6 баробар ва 2030-йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4000 АҚШ долларига ошириш “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш”[11] вазифаси белгиланган. Шу билан бирга “Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинг 5 йилда хизмат кўрсатиш хажмини 3 баробарга ошириш ҳамда ушбу йўналишда жами 3,5 миллион янги иш ўринларини яратиш”[12]. Ушбу вазифани бажариш учун, яъни республика иқтисодиётини тизимли тезкор

[11] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-сонли Фармонига кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2022 йил 28 январь

[12] Ўша жойда

ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатишнинг барча соҳа ва тармоқларда юқори ўсиш суръатларини таъминлаш фақатгина иқтисодиётни рақамлаштириш асосида эришиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини рақамлаштириш ҳуматимизнинг бош вазифаси бўлиб, ушбу жараённи амалга ошириш “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида ҳам белгилаб олинган. Мазкур стратегия асосида республикамизда хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётини жадал ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш устувор вазифа хисобланади.

Биринчидан, хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида рақамлаштиришнинг асоси бўлган рақамли инфратузилмани ривожлантириш;

Иккинчидан, рақамли иқтисодиётнинг “Блокчейн”, “Булутли ҳисоблаш” технологиялари асосида хизмат кўрсатиш бўйича маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш;

Учинчидан, аҳолининг хизмат кўрсатишга бўлган эхтиёжини ошиб боришида давлат хизматлари фаолиятини рақамлаштириш ва айниқса давлат хизмат кўрсатиш доирасида “хизмат сифатида платформа”, “хизмат сифатида дастурий таъминот”, “хизмат сифатида инфратузилма” технологиялардан фойдаланиш.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳалари бўйича бизнес юритиш ва бозорни эркин ривожлантириш учун янги бизнес моделлар яратиш талабини шакллантириш.

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш бўйича истемолчиларга асосий ва қўшимча хизматларни ривожлантиришда аҳоли ҳаётини қўллаб-қувватлаш имкониятини берадиган “мультисервис” тармоқларини ривожлантириш ва бошқалардан иборат.

Хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамлаштиришни амалга оширишда биринчи навбатда қуйидаги хизматлар соҳасида ушбу жараённи амалга оширишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ хисобланади.

1. Савдо хизматларини рақамлаштириш ва бунда электрон тижорат бизнес моделларидан фойдаланишга устуворлик бериш.
2. Транспорт-логистика хизматларини рақамлаштириш бўйича дастурий моделлаштириш тизимларидан кенг фойдаланиш.
3. Таълим хизматларини янги замонавий таълим технологияларидан фойдаланган холда ривожлантириш, жумладан онлайн платформаси асосида замонавий рақамли тизимидан фойдаланиш.
4. Коммунал хизматларни рақамлаштириш бўйича смарт технологияларидан фойдаланган холда “Ақлли уй” тажрибасини барча истемолчиларга тизимли жорий этиш.
5. Суғурта хизматларини рақамлаштириш бўйича “Ақлли суғурта хизматлари” тизимидан фойдаланиш. Бунда давлат хусусий шерикчилик асосида рақамли суғуртани амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш.

6. Иқтисодиётнинг бошқа хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш асосида “рақамли сервис”ни тизимли йўлга қўйиш ва бошқалардан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини рақамлаштириш қуйидаги иқтисодий натижаларни беради. Жумладан:

Биринчидан, хизмат кўрсатиш бўйича қулай давлат хизматларини рақамлаштиришни ифодаловчи ахборотлардан рақамли кўринишда фойдаланиш имконини беради.

Иккинчидан, фуқоролар арзон сифатли ва ҳавфсиз интернет ва мобил алоқа тармоқларидан фойдаланиб, самарали бизнес қилиш имкониятига эга бўладилар.

Учинчидан, таълим хизматларини рақамли трансформация қилиш хисобига янги таьлим технологиялар асосида ёшларга юқори билим ва кўникмалар бериш имкониятига эга бўлинади.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида “блокчейн” “Булутли хизматлар” ҳисобига юқори сифатли хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Бешинчидан, Республикадаги хизмат кўрсатиш тармоқ ва соҳаларида турли коррупсион холатлар олди олинади ва “яширин иқтисодиёт”га бархам берилади.

Олтинчидан, мамлакатдаги турли аҳоли қатламлари учун ҳамда узоқ ҳудудда яшовчиларга бир хил хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилади. Бу эса узоқ туманларда яшовчи фуқороларга хизматлардан фойдаланишда ортиқча харажатларнинг сарфланишига йўл қўймайди.

Еттинчидан, хизмат кўрсатишни рақамлаштириш натижасида республикамиз аҳоли жон бошига олинадиган аҳоли даромадлари миқдори кўпайиб, ҳалқнинг турмуш фарвонлиги ошади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-сонли Фармонига кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2022 йил 28 январь

2. “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 январдаги ПФ-6079 сонли фармони.

Рақамлаштириш асосида “электрон ҳукумат”ни ривожлантириш масалалари

Мирзаев Қ.Ж - СамИСИ,
и.ф.д., профессор

Аннотация. Республика иқтисодиётининг самарали бошқаришнинг мухим асосларидан бири, мамлакатимиз тармоқ ва соҳаларини “электрон ҳукумат” тизими асосида ривожлантириш хисобланади. Ушбу мақолада “электрон ҳукумат” тизимини янги имкониятлари, тармоқ ва соҳалардаги устуворлик жихатлари ҳамда хукуматимиз тараққиёти учун берган имкониятлари илмий асосланилган.

Таянч иборалар: Электрон ҳукумат, рақамли иқтисодиёт, рақамли стратегия, рақамли технологиялар, электрон давлат хизматлари, замонавий таьлим технологиялари.

Ўзбекистон иқтисодиётининг келгуси тараққиётининг муҳим иқтисодий асоси уни рақамлаштириш, яьни рақамли технологиялардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини жадал ўсишига эришиш ҳисобланади. Айниқса, мамлакатимизда мавжуд корхона ва ташкилотларни самарали фаолиятига имкон берувчи “электрон ҳукумат”ни ривожлантиришга устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да таькидланганидек, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат ҳизматларининг улушини 100%га етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш”[13] муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Шу билан бирга республикада “электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси[14]да ҳам муҳим йўналиш сифатида қуйидаги янги имкониятларни яратади:

биринчидан, Республикада босқичма-босқич барча давлат хизматларини рақамли шаклга ўтказиш натижасида мамлакат миқёсида юқори сифатли электрон давлат хизматлари шаклланади;

иккинчидан, аҳоли ва тадбиркорлик субектлари учун лицензиялар ва рухсатномалар бериш билан боғлиқ барча тартиб-тамойиллар оптимал асосда рақамлаштирилади;

учинчидан, маълумотларни рақамлаштириш натижасида давлат бошқарувининг ягона тизимини шакллантириш ҳисобига қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўлинади;

тўртинчидан, “Электрон ҳукумат” тизими асосида аҳоли ва тадбиркорлик субектларига ахборот етказиш ва хабардор қилиш имконияти

[13] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-сонли Фармонига кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2022 йил 28 январь

[14] “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 январдаги ПФ-6079 сонли фармони

электрон шаклда амалга ошириш тизимига ўтишда рақамли идентификация янада ривожланади;

бешинчидан, фуқоро мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолати такомиллаштирилиб “электрон ҳукумат” тизимига мос онлайн режимида кузатиш тизими жорий этилади;

олтинчидан, истемолчиларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда маълумотларни тўплашни рақамлаштирилиши натижасида маьмурий тартиботлар учун талаб қилинадиган ҳужжатлар сони қисқаради:

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикада “электрон ҳукумат” тизимига ўтиш иқтисодиётнинг қуйидаги соҳа ва тармоқларида устуворлик билан амалга оширишни белгилаб беради, жумладан:

биринчидан, давлат божхона хизматлари бўйича йиғимлар ва бошқа тўловлар электрон тизимга ўтказилади;

иккинчидан, давлат архиви хизматлари бўйича барча хужжатлар тўлиқ рақамлаштирилади;

учинчидан, таълим хизматларини рақамлаштириш асосида электрон таълим хизматларига ўтиш натижасида, бошқарув жараёни тўлиқ автоматлаштирилиб, “электрон деканат”, “электрон кафедра” ҳамда электрон таълим платформасидан фойдаланиш тизимли йўлга қўйилади.

тўртинчидан, соғлиқни сақлаш хизматларини рақамлаштириш асосида ягона миллий рақамли тиббиёт тизими жорий этилади;

бешинчидан, қурилиш хизматлари соҳасида замонавий электрон ахборот тизимини жорий этилиши натижасида қурилиш билан боғлиқ барча жараёнлар рақамлаштирилади, шаффоф ва сифатли тизим жорий этилади;

олтинчидан, қишлоқ хўжалигида “электрон ҳукумат”ни йўлга қўйилиши, соҳада ердан самарали фойдаланиш ва унинг унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ягона электрон тизим шакллантирилади;

еттинчидан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда “электрон ҳукумат” тизимини жорий этилиши, аҳолини ушбу соҳадаги муаммоларини тезда бартараф этиш имкониятини яратади.

Республикада “электрон ҳукумат”ни ривожлантиришда давлат бошқарувидаги рақамли кўникмаларни ошириш учун қуйидаги талабларни бажариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан:

биринчидан, барча давлат ҳизматчилари ахборот ва компьютер саводхонлигини доимо такомиллаштириб бориш;

иккинчидан, иқтидорли ИТ-мутахассисларини ўқитиш ва қўллаб қувватлаш тизимини ривожлантириш, айниқса “бир миллион дастурчи” лойихаси бўйича ишларни жадаллаштириш;

учинчидан; давлат хизматчилари ўртасида медиа ва коммуникатив саводхонликни тизимли амалга ошириш ҳамда ходимларни технологик инновацияларга ижобий муносабатини доимо шакллантириб бориш;

тўртинчидан, давлат бошқаруви ҳодимларини замонавий таълим технологияларига мос баҳолашнинг янги механизмларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш тизимини жорий этиш:

Шундай экан, республикада “электрон ҳукумат”ни жорий этиш ва ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун қуйидаги янги имкониятларни очиб беради:

биринчидан, давлат бошқарувини оптимал электрон шаклдан фойдаланган ҳолда юқори бошқарув самарадорлигига эришилади ва натижада шаффоф, адолатли ва тўғри бошқарув қарорлари қабул қилинади;

иккинчидан, давлат бошқарувида малакали кадрларни жалб этилиши давлат органларининг идоравий тизимларини ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайишига олиб келади ва натижада юқори иқтисодий самарадорликка эришилади;

учинчидан, “электрон ҳукумат”ни жорий этилиши истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондиришда ортиқча бюрократия элементларидан ҳоли равишда уларнинг талаблари қондирилади;

тўртинчидан, “электрон ҳукумат”ни қўлланилиш натижасида давлат бошқарув жароёнидаги ортиқча қоғозбозлик ва ҳужжатбозликка чек қўйилади.

Адабиётлар рўйхати

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 60-сонли Фармонига кўра тасдиқланган “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” 2022 йил 28 январь

4. “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 январдаги ПФ-6079 сонли фармони.

Ўзбекистонда алоқа хизматларининг ривожланиш истиқболлари

Эркин Шавқиев, СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация: мақолада ялпи ички маҳсулот ҳамда миллий иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари йилдан-йилга ўсиш тенденцияси, мамлакатда турли банк операцияларини масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар ҳажмининг ортиб бориши ёритилган.

Калитли сўзлар: иқтисодиёт, рақамлаштириш, алоқа, хизмат, аҳоли фаровонлиги, рақобатбардошлик, иқтисодий ўсиш, туристлар, меҳмонлар.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги сиёсий ва иқтисодий ролини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, уни янада

барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган **“2022–2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”**[15] ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда

Унда иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш асосида ялпи ички маҳсулотни келгуси беш йилда аҳоли жон бошига 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда мамлакатни “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар”қаторига кириш учун замин яратиш кўзда тутилган.

1-жадвал маълумотлари далолат берадики, 2016-2020 йилларда мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳамда иқтисодиётнинг тармоқларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмлари йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга.

Ўрганилаётган даврда, алоқа тармоғи кўрсатаётган хизматлар ҳажмининг ўсиш даражаси, бошқа тармоқларнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида кузатилаётган ўсишга қараганда анча юқори. Бу, табиийки, мамлакатда алоқа хизматлари, хусусан, ахборот ва коммуникация бозори энг тез ривожланаётган бозорлардан бири бўлиб бораётганидан дарак беради.

Айни пайтда, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг, шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги юксалишда, фаол инновацион тараққиёт йўлига ўтган ахборот ва коммуникация тармоғининг ўрни бор.

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмларининг динамикаси[16]

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари, олдинги йилга нисбатан фоиз ҳисобида				
	2016	2017	2018	2019	2020
Ялпи ички маҳсулот	105,9	104,4	105,4	105,7	101,7
Саноат маҳсулотлари	105,4	105,2	110,8	105,0	100,9
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	106,3	101,0	100,2	103,3	102,7
Қурилиш ишлари	107,2	106,0	114,3	122,9	109,5
Чакана товар айланмаси	114,4	101,9	106,5	109,1	105,7
Алоқа хизматлари	116,9	128,5	120,7	105,2	113,2

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022–2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”**ПФ-60-сон Фармони.

[16] Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2011-2020. – Т:. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2021,32-33 бетлар.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ривожланиши – маълум даражада, унинг таъсири туфайли рўй берган, десак тўғри бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳисоб-китобларда қўлланилиб келинаётган банк карталарининг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келиши алоқа хизматлари фаолиятининг ҳам социал, ҳам иқтисодий самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан “Uzcard” ҳамда “Humo” тўлов тизимларининг миллий валютадаги банк карталари муомалага чиқарилган ва уларнинг инфратузилмаси кенгайиб бормоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига 25 776 минг дона банк карталари, 438 410 та тўлов терминаллари ҳамда 11 800 та банкомат ва инфокиосклардан ташкил топган.

Юртимизда иккита миллий чакана (“Humo” ҳамда “Uzcard”) тўлов тизимларининг Visa, Mastercard, China Union Pay ҳамда Мир халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси самарали амалга оширилган. Бу эса, ушбу халқаро тўлов тизимлари карталари фойдаланувчилари, яъни мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар, меҳмонлар учун кенг шарт-шароитлар яратган ҳолда “Humo” ҳамда “Uzcard” тўлов инфратузилмаси (банкоматлар ва тўлов терминаллари тармоғи) орқали миллий валютада тўловларни амалга ошириш имкониятини беради[18].

Ўзбекистонда турли банк операцияларини масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар амал қилмоқда: мижозларнинг банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб компьютер ёки мобиль телефондан фойдаланишлари кифоя. Бу эса мижозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Иқтисодиётга электрон алоқанинг кириб келиши натижасида аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотлар учун банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари орқали реал вақт режимида банк ҳисобварақларидаги маблағларни тасарруф этиш ва тўловларни амалга

---

[17] Алоқа хизматлари ҳажмининг ўсиш суръатлари статистик тўплам маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди:Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2011-2020. − Т:. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2021,204 бет.

[18]Банк карталаридан фойдаланиш бўйича чакана тўлов тизими. www.cbu.uz./uzc/node/ 45262

ошириш, валюта маблағлари сотиб олиш (конвертация) учун буюртманомани электрон шаклда хизмат кўрсатувчи банкка юбориш, ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўтказиш учун электрон қайдномани банкка узатиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар яратилди[19].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022–2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”**ПФ-60-сон Фармонида: “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

Рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларни ҳамда магистрал автомобиль йўлларини кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш.

Иқтисодиётнинг реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш.

Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баравар, уларнинг экспортини эса 10 баравар ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш” белгилаб берилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, рақамли технологияларнинг барча соҳа ва одамлар ҳаётига жадал кириб келиши – алоқа хизматлари фаолиятининг социал-иқтисодий самарадорлигини оширишда асосий омил бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“2022–2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”**ПФ-60-сон Фармони.

3. Банк карталаридан фойдаланиш бўйича чакана тўлов тизими. www.cbu.uz./uzc/node/ 45262

4. Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари. www.cbu.uz./uzc/node/ 45262.

5.Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами 2011-2020. − Т:. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, 2021.

[19] Масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари. www.cbu.uz./uzc/node/ 45262

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Эргашева Насиба Раҳматуллаевна- ҚарМИИ
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада аутсорсинг турларининг аҳамияти, бухгалтерия ҳисобида аутсорсинг хизматидан самарали фойдаланиш орқали маблағларни ва вақтни хамда иш ўрнини тежаш ва юқори сифатли хизматни таъминлаш йўллари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. Аутсорсинг, аутсорсинг турлари, хизмат, корхона, ташкилот, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт тармоқлари.

Янги Ўзбекистонда корхоналар ва ташкилотларга аутсорсинг хизмати кўрсатиш ҳажми ва сифатини ошириш, аутсорсинг инфратузилмасини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисобида электрон ва рақамли платформаларни жорий этиш натижасида аутсорсинг хизматларининг мазмун ва моҳияти ҳамда иқтисодий самарадорлиги ошиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар бир неча фаолият турлари билан шуғулланиб келмоқда, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида малакали бухгалтер ёллаш, уларни ойлик маош, иш жойи, дастурий таъминот ва ҳ.к.лар билан таъминлаш катта харажатларни келтириб чиқармоқда. Баъзи ҳолларда, штатдаги бухгалтер айрим сабабларга кўра ишдан кетаётган бўлса, бухгалтериянинг ҳисоб-китобини кимга ишониб топшириш мумкин бўлади?

Ҳозирги вақтда корхона ва ташкилот ёки компаниялар бозор томонидан мисли кўрилмаган тазйиққа дуч келишади. Ўз товар ва хизматларини юқори сифатини сақлаган холда операцион харажатларни пасайтиришга эришиб, бизнесни самарали шаклда ташкил қилаётган корхона ва ташкилотларгина муваффақиятга эришишади ва яшаб қоладилар. Рақобатда устунликка эришиш имконини берувчи замонавий ва муваффақиятли бизнес моделлардан бири – аутсорсингдир.

Бундай мураккаб ҳолатда аутсорсинг хизматидан файдаланиш яхши натижа беради. "Аутсорсинг" сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, шартнома асосида ташқи манбалардан ёки ресурслардан, корхона ва ташкилот фаолияти хизмат кўрсатиш функсиясининг бир қисмини бошқа бажарувчи корхона ёки кампаниясига бериш, яъни аутсорсинг хизматини кўрсатувчи корхона ва компаниялар хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги вақтда аутсорсинг хизматларидан турли корхона ва ташкилотлар ҳамда компаниялар файдаланиб келмоқда. Шу сабабли иқтисодиёт тармоқларида аутсорсинг хизмат турлари қўйидагилардан иборат:

- ✓ бухгалтерия хизмати ;
- ✓ юридик маслаҳат хизмат;
- ✓ кадрлар бўйича;

- ✓ инновацион технологиялар аутсорсинг;
- ✓ бинони йиғиштириш хизмати;
- ✓ кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш аутсорсинги;
- ✓ логистик ёки транспорт аутсорсинги;
- ✓ ходимлар аутсорсинги.

Корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобида ҳар қандай пухта ўйланмаган ҳаракат, ҳатто кичик хато ва камчиликлар ҳам ишга малакасиз ёндашув, хисоб-китоблар ноаниқлиги ва ҳатто катта жарималарга олиб келиши мумкин. Шунинг учун юқори малакали ва ўз соҳасининг устаси бўлган тажрибали бухгалтерларга талаб кун сайин ошиб бормоқда. Корхона ва ташкилотларнинг бюджетга тўланадиган солиқларни ҳисоблашда аутсорсинг хизматидан самарали фойдаланиш аҳамияти юқоридир. Йирик корхона ва ташкилотлар штатида юқоридаги талабларга жавоб берадиган, ўз навбатида, юқори маош талаб қиладиган бухгалтерлар ёллаш имкони бор. Бироқ янги ташкил топган, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхоналар бундай катта харажатларга тайёр эмас.

Шу сабабли айрим корхоналар раҳбарлари ёлланма бухгалтерлар ҳеч қандай ҳужжатсиз, оғзаки келишув асосида хизмат кўрсатишни ҳохлайдилар, аммо бундай ҳолатда кўплаб муаммолар келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам аутсорсинг бухгалтерия эса масофадан туриб малакали соҳа мутахассислари томонидан олиб бориладиган бухгалтериядир.

Аутсорсинг бухгалтерия ёлланма бухгалтериядан фарқли равишда, бухгалтерияни қисман ёки вақтинчалик топшириш эмас, узоқ муддатга шартнома асосида ҳамкорлик қилишни кўзда тутади. Аутсорсинг бухгалтерия хизматини кўрсатувчилар аутсорсерлар ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда хориж штатдаги ходимларни таъминлашдан кўра аутсорсинг хизматларидан ва айниқса, аутсорсинг бухгалтерия хизматларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Беларусда - 30%, Европада - 86%, АҚШда - 92%, энг юқори кўрсаткич эса - Исроилда бўлиб, 96% ни ташкил этади.

Йирик корхона ва ташкилотлар аутсорсинг бухгалтерия хизматларидан фойдаланишга бутунлай ўтишлари у қадар самарали эмас, чунки бундай ҳолатда масофадан туриб иш олиб борилгани сабабли ҳисобни олиб боришда оперативлик пасайиш эҳтимоли ва харажатларнинг ошиб кетишига олиб келади. Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун бухгалтерия ҳисобини бутунлай эмас, қисман, масалан, ойлик маош ҳисоб-китоблари, ҳисоботлар топшириш, ва ҳ.к.ларни аутсорсерларга топшириш мақсадга мувофикдир.

Шуни қайд этиш лозимки, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган корхоналар учун аутсорсинг бухгалтерия хизматлари ҳисобини юритишнинг энг оптимал усули ҳисобланади. Бундай ҳолатда корхона юқори малакали, маъсулиятли, фақатгина бухгалтерия соҳасида эмас, балки кадрлар бўйича, юридик ҳамда солиқ масалалари бўйича маслаҳатлар олиш имкони яратилади.

Тадқиқотлар натижасида, аутсорсинг хизматларининг бир қанча бухгалтерия ҳисоби учун афзалликлари мавжуд:

✓ маблағларни тежаш. Аутсорсинг хизматининг нархи ўзингизда шундай структурани қуриш харажатларига қараганда арзон. Сиз ходимларингизга ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ижтимоий суғуртага ажратма қилишингиз, ҳамда даромад солиғи ушлаб қолишга мажбурсиз. Аутсорсер хизматининг қиймати бу сизнинг харажатингиз ҳисобланиб, солиққа тортиладиган базани камайтиради.

✓ иш ўрнини тежаш. Ўзингизда тегишли структурани яратиш учун қўшимча офис майдончасини, оргтехникани, канцелярия харажатларини, ахборот-ҳуқуқий тизимларини ва лицензияланган дастурий таъминотни талаб қилиши мумкин

✓ доимий узлуксиз иш. Ўз ишчи ва ходимларингизга сиз йиллик меҳнат таътили, касаллик нафақаси беришга мажбурсиз. Аутсорсер фирма доимий ишлайди.

✓ вақтни тежаш. Кадрларни танлаш – вақт талаб қиладиган оддий бўлмаган масала ҳисобланади. Сизга зарур бўлган инфратузилма, технологиялар ва мутахассислар бизда етарлича мавжуд.

✓ кафолатланган сифат. Аутсорсер фирма ўз штатида юқори малакали мутахассислар командаси мавжуд ва бундай лойиҳаларни бажаришда бой тажрибага эга.

Адабиётлар

1.Козлова Е.П., Бабченко Т.Н., Галанина Т.Н. Бухгалтерский учет в организациях. - М.: Финансы и статистика, 1999. с. 44.

2. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. –М.: Инфра-М, 1997. с. 513..

3.A.A.Karimov,. F.R.Islomov A.Z.Avloqulov. Buxgalteriya hisobi. –T.: Sharq, 2004. -74 b.

4. Ibragimov A, Ochilov I, Qo‘ziyev I, Rizayev N. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. / O‘quv qo‘llanma.- T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008. 4 b.

5. Umarova M., Eshboyev U., Axmadjonov K. Buxgalteriya hisobi. -T.: «O‘ZAJBNT», 2004. 352 b.

Қишлоқ жойларида рақамли хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Ғ.С.Мустафоев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Рақамли иқтисодиёт” кафедраси в/б доценти
gmustafoyev@gmail.com

Аннотация: Рақамли хизматлар хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий кўриниши бўлиб, иқтисодиётнинг хозирги босқичида инсонларнинг турмуш тарзи фаолияти даромадлари ва харажатларида мухим хусусиятлари билан ажралиб туради. Айнан рақамли хизматларнинг ўзига хос хусусияти сабаб қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси локомотив мавқега эга.

Калит сўзлар: Рақамли хизматлар, аҳоли, ялпи ички маҳсулот, техника ва технологиялар, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси жаҳон иқтисодиётининг асосий соҳаси сифатида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Жаҳон ялпи маҳсулотининг 60-70 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, жаҳон миқёсида 45,3 фоизи аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қилади[20]. Маълумотларга қараганда “жаҳондаги жами қашшоқ аҳолининг 70 фоизи ҳам айнан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолидир”[21]. Бугунги глобаллашув шароитида қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Хизмат кўрсатиш маълум даврларда турли холатларда намоён бўлади. Кишилик жамияти томонидан эҳтиёжнинг талабга таъсири ўзгариши, ишлаб чиқариш, саноат тармоқларининг ривожланиши янги турдаги талаб пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Инновацион юқори самарадорликка эга бўлган техника - технологиялардан барча тармоқлар ва соҳаларда ёппасига фойдаланиш макроиқтисодиёт даражасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол фазаларида ресурсларнинг ортиқча сарф бўлишининг олдини олишга кўмаклашди. Юқори технологияларнинг бундай кўмаги рақамли хизматлар шаклида намоён бўлди. Айнан рақамли хизматлар қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли рақамли хизматларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ.

[20] https://www.eurekalert.org/pub_releases/2019-03/ifpr-2gf032219.php
[21] https://www.undp.org/content/undp/en/home.html



1-расм. Рақамли хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти[22]

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики рақамли хизматларнинг иқтисодий аҳамияти иқтисодий фондларнинг айланиш тезлигини ошириши, иқтисодий ресурсларнинг тежалиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий воситалардан фойдаланиш имконияти ва ахборот алмашишнинг юқори имконияти каби ўзига хос аҳамияти мавжуд. Ижтимоий аҳамияти аҳоли талабини қондиришда янги имкониятлар пайдо қилиши, вақтни тежаш қобиляти, ишчилар самарали иш фаолиятини олиб боришга кўмаклашиши ва иш фаолиятини онлайн олиб бориш ва ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

Рақамли хизматлар назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган аммо кўпчилик иқтисодчилар томонидан илмий адабиётларда уларнинг назарий қарашларини учратиш мумкин. Масалан, “Постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “Ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “Мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “Техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “Билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт)[23] каби илмий қарашларини илгари суришган.

Биз ҳам қуйидаги таърифни илгари суришни мақсадга мувофиқ деб топдик. **“Рақамли хизматлар** – бу ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида электрон ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида чекланган ресурслардан оптимал фойдаланишга

[22] Муаллиф тадқиқотлари асосида ишланган.

[23] С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.

инсоннинг яшаш ва хўжалик фаолиятини яхшилашга кўмаклашадиган хизмат кўрсатишнинг замонавий шаклидир”[24].

Ўзбекистон Республикасида рақамли хизматлар ривожланишига асосий қадам бўлиб 2015 йил 9 декабрдаги “Электрон ҳукумат” тўғрисидаги ЎРҚ-395-сон қонуни[25] қабул қилинганлигини айтишимиз мумкин. Унгача “Электрон рақамли имзо”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, қонунлари рақамли хизматларнинг ривожланишига асосий пойдевор вазифасини бажарди. Бу эса мамлакатда иқтисодий муҳитни яхшилаш, динамик фаолиятни ошириш учун хизмат қилди.

Рақамли хизматларнинг асосий қулайликларидан бири мамлакатнинг чекка қишлоқ жойлари ҳудудларигача хизмат кўрсатиш имкониятининг мавжудлигидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.
2. «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 10 декабрдаги 237 (6420)-сони.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ҳилола Нематовна Очилова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти стажёр-тадқиқотчиси;
97-9137440

Аннотация: ушбу мақолада таълим соҳасида юқори даражали хизмат кўрсатилса самарадорликка эришишнинг назарий асослари кўрсатиб ўтилган. Бунда аввалом бор мактабгача таълимга, халқ таълимига аҳамият берилсагина олий таълимда ҳам самарадорликка эришишнинг омиллари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: таълим, мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим, таълим хизматлари, самара, самарадорлик, таълим сифати, таълим самарадорлиги.

Мамлакатимизнинг келажаги, миллат равнақи бевосита таълимнинг даражасига боғлиқ. Шу туфайли мамлакатимизда таълимни ривожлантиришга жуда катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон

[24] Муаллиф томонидан берилган таъриф. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_Mustafoyev.pdf ушбу ссилка манбаасидаги илмий мақолада ҳам муаллиф ушбу илмий таърифни берган.
[25] «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 10 декабрдаги 237 (6420)-сони.

Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-ПФ-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 46-мақсадида Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш” кераклигини таъкидлаб, унда 2022 йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш, ... 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга етказиш кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Шулардан келиб чиқиб биз таълим соҳасига иқтидорли талабаларни танлаб олиш, таълим бериш жараёнида уларни билимини, салоҳиятини тўғри баҳолаш, аъло баҳога ўқиган талабаларни магистратурага киришни хоҳлаганларини, келажакда илмий изланишлар билан шуғулланмоқчи бўлганларини аниқлаш ва уларни киришлари учун имкониятлар яратиб бериш кераклиги ҳақида изланишлар олиб бордик.

Президенимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Бунинг учун, аввалом бор, ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур... ”[26] деган сўзлари ҳам фикрлашимизга туртки бўлмоқда. Биз олий таълимда хизмат кўрсатувчи кадрларимиз қанчалик билимли, салоҳиятли бўлса, таълимда ривожланиш бўлади. Таълими ривожланган юрт албатта юксалади, ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони[27]да Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак-маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш назарда тутилган.

Таълимга эътибор деганда, аввалом бор мактабгача таълим, мактабларда бериладиган таълимга эътибор бериш лозим. Буларга Президентимиз ҳам жуда катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача

[26] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

[27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2019 йил 9 октябрь

таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори қабул қилинган. Бунда:

“мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг сифатли мактабгача таълим қамроқини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат хусусий шерикликни ривожлантириш;

мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

мактабгача таълим тизимига мактабгача таълим тизими ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш;

мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлом ва баланслаштирилган овқатланишини, сифатли табиий парваришини таъминлаш”[28] долзарб вазифа этиб белгиланган.

Мактабгача таълимдан ташқари, Халқ таълимига ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони қабул қилинган. Бунда:

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич тадбиқ этиш;

халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;

[28] Lex.uz/docs/4327235

давлат хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш;

ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлиги ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш”[29] вазифалари этиб белгилаб қўйилган.

Ушбу белгилаб қўйилган вазифаларни бажаришда таълим соҳасидаги фаолият юритаётган ҳар бир масъуллар, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўз вазифасини сидқидилдан бажарсагина юксак марраларга эришамиз. Бу вазифаларни босқичма-босқич амалга оширсак, ўйлаймизки мамлакатимиз ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллайди.

Мактабгача таълим муассасаларида, ўрта таълим муассаларида сифатли хизмат кўрсатилгандан сўнг эса ўрта мактабни, лицейларни битираётган битирувчилар ҳам таълим муассасаларини аъло баҳоларга битирадилар. Булардан иқтидорли талабаларни олий таълимга мактаблардан, лицейлардан танлаб олишимиз керак. Булар олий таълимда самарадорликка эришишнинг омилларидан биридир.

Аввалом бор самарадорлик ўзи нима, самара нима деган тушунчаларга бир тухталиб ўтсак.

Академик М.Шарифхўжаев ва профессор Ё.Абдуллаевларнинг “Менежмент” номли дарслигида “Самара – бу натижа, оқибат, мева”[30], деб таъриф берган.

Профессор М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаевлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти” номли ўқув қўлланмада “Самарадорлик дейилганда, мулк шаклидан қатъи назар, барча мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ва харажатларнинг тежамкорлигини таъминлаш эвазига жамият, давлат, мулкдор, корхона, иш кучи соҳиби каби субъектларнинг манфаатлари муштараклигини таъминлашга қаратилган улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади”[31] деб таъриф берган.

Таълим тизимида эса самара бу кўрсатилган таълим хизматидан қанчалик етук, билимли, бозор талабларига жавоб берадиган мутахассислар етишиб чиққанлиги натижасидир. Бошқа соҳаларда харажатларнинг оптималлаштириш ва тежамкорлиги эвазига самарадорликка эришилса,

---

[29] https://lex.uz/docs/4312785

[30] Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик.-Т.: “Ўқитувчи”, 2001. -652-бет.

[31] Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т., “Iqtisod-moliya”, 2014 – 112-113 бетлар.

таълим соҳасида эса харажатларни оптималлаштириш билан бирга қанча кўп молиялаштиришга инвестиция сарфланса шундагина самарадорликка эришилади.

Ҳозирги ривожланиш даврида меҳнат бозори талабларига мос келадиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашга инвестициялар йўналтирилса олий таълимда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади. Олий таълимда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг билимининг ошишига, малака оширишга, қайта тайёрлашга, рағбатлантиришга сарфланса, ўқув адабиётлари билан таъминлашга, замонавий аудиториялар билан жиҳозлашга, назарий олган билимини амалиётда қўллаш учун шароитлар яратишга инвестициялар йўналтирилса олий таълимда кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигига эришилади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган олий таълим муассасаларининг хизмат кўрсатишини самарали ташкил қилиш, уни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Буларга:

Биринчидан, олий таълим муассасасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларга етарли шароитлар яратилмаганлиги.

Иккинчидан, талаба танлаган соҳасига профессор-ўқитувчилар етарли даражада қизиқтира олмаслиги.

Учинчидан, назария билан амалиётнинг етарли даражада уйғунлашмаганлиги.

Тўртинчидан, дуал таълимнинг олий таълимда ривожланмаганлиги.

Бешинчидан, ОТМни ривожлантириш учун зарурий иқтисодий механизмларнинг такомиллашмаганлиги.

Олтинчидан, ҳозирги кредит-модуль тизимига ўтганлигимизда жуда кўп керак бўладиган Интернет тезлигининг сустлиги.

Еттинчидан, педагог-ходимларнинг иш ҳақининг етарли эмаслиги.

Саккизинчидан, ишга жойлаштириш дастури қониқарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги.

Тўққизинчидан, айрим профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятининг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги.

Ўнинчидан, олий таълим муассасалари моддий-техника базасининг мустаҳкам эмаслиги.

Олий таълимда таълим хизматини кўрсатишда ушбу кўрсатилган муаммоларни бартараф қилиш ҳамда ўқитиш сифатини халқаро стандартларга мос келадиган даражада ташкил қилиш лозим. Бу бўйича Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинаяпти. Бу Фармон ва қарорларнинг фаолиятимиз давомида ижросини таъминлашга қаратсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Барча соҳада самарадорлик иш (хизмат) кўрсатилганда натижа берса, таълим соҳасида эса сифатли таълим хизмати кўрсатилганлигини натижаси йиллар мобайнида самарадорликка эришилади.

Сифатли таълим хизмати кўрсатишда эътиборни билимли, малакали, замон талабларига жавоб берадиган профессор-ўқитувчилар дарс ўтганда сифат яхшиланади, ҳар хил замонавий технологиялар билан таъмирланган аудиторияларда дарс ўтилса сифат янада яхши бўлади. Бу эса ўз вақтида самарадорлик бермайди, чунки илмий даражали профессор-ўқитувчиларга кўп ҳақ тўланади, замонавий технологиялар билан аудиторияни таъмирлаш учун ҳам анча катта харажат қилади. Бу эса иқтисодий самарадорлик бермайди деб ўйлашимиз мумкин. Аммо сифатли, билимли кадр тайёрланганда давлатимиз ривожланишига улар катта хисса қўшади. Ўшанда самарадорликка эришилади. Демак, ҳар бир соҳада, яъни бу ишлаб чиқариш бўладими, таълим соҳаси бўладими ҳар доим сифат бор жойда самарадорликка эришилади, деб хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637 қонуни. (Янгидан қабул қилинган)//https://yuz.uz/news/talim-togrisidagi-qonun-imzolandi.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. // “Халқ сўзи”, 2019 йил 9 октябрь
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.// “Халқ сўзи”, 2020 йил 7 ноябрь.
4. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 256 б.

Инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш сохасининг вазифалари

Мардонов Баҳодир Бахронович - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Рақамли иқтисодиёт» кафедраси докторанти, PhD., доцент. Тел:+998882875535
E mail: boxodir82@mail.ru

Аннотация: мақолада инновацион иқтисодиётни ривожлантириш шароитида хизмат кўрсатиш сохаси вазифаларининг такомиллашуви асосланган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг янги вазифалари баён қилинган.

Калит сўзлар: постиндустриал жамият, инновация, хизмат кўрсатиш соҳаси, интеграция, интеграция кучи, модернизация, бандлик, кунлик иш, кабағаллик даражаси.

Бугунги кунда жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш устувор аҳамият касб этмоқда. Иқтисодиёти жадал ривожланган Ғарб мамлакатларида ялпи ички махсулотнинг 70-90 фоизи айнан инновация фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилаяпти[32]. Ўзбекистонда ҳам таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инновацион муҳитнинг яратилиши муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтаётганлигимиз тўғрисида тўхталиб, «Инновация- бу келажак дегани. Биз буюк келажагимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашувлар асосида бошлашимиз керак»[33] - деб, таъкидлаб ўтди. Шунингдек, 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга қилинган навбатдаги Мурожаатномасида ҳам "... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз" деб, таъкидладилар[34]. Кишилик жамияти бир босқичдан иккинчи босқичга (аграр жамиятдан индустриал жамиятга) иккинчи босқичдан учинчи босқичга (индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга) ўтишида инновация сабабли содир бўлган десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Кишилик жамиятининг иқтисодий тараққиётида содир бўлган туб ўзгаришларнинг, янгича ёндашувларнинг моҳиятини ўзида акс эттирган ушбу ибора шунча йиллар давомида ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ.

[32] https://theworldonly.org
[33] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси._ Тошкент, «Ўзбекистон» НМИУ, 2018, 20 бет.
[34] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – Т.: "Шарқ" нашриёти, 2020 йил 25 январь, №19 (7521), 2-4 бетлар.

Аксинча, унга эътибор янада кучайиб, биринчи даражали аҳамият касб этди. Айниқса, иқтисодиётнинг доимий ва тобора мураккаблашиб бораётган муаммосини ҳал этишда инновация жуда катта ижобий самара бермоқда ва ушбу ўта мураккаб муаммони ечишнинг етакчи омилига айланиб инновацион иқтисодиётни шакллантирди.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси олдида муҳим вазифалар туради.

Мамлакат тараққиётида хизмат кўрсатиш соҳаси вазифалари фақатгина адабиётларда кўрсатиб ўтилган, бирламчи бўлган жамият муаммолари доирасида эмас балки ҳар бир индивиднинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, унинг қадрини таъминлашга қаратилган вазифлар тўғрисида бўлиши лозим. Бироқ миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг бу каби вазифалари иқтисодчи олимлар ва мутахассислар эътиборидан четда қолган.

Инновацион иқтисодиётда табиий ресурслардан унумли фойдаланиш зарурияти хизмат кўрсатиш соҳаси вазифаларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу ва юқоридаги фикрларни инобатга олиб инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

Биринчиси, инсон қадрини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасидан фойдаланиш вазифаси. Иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш даражасига, кишиларга кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига қараб инсон қадрини баҳолаш мумкин. Масалан, тижорат банклардаги хизматлардан фойдаланиш учун узоқ муддатли навбат кутишлар ёки мижозлар учун мунтазам равишда ишлайдиган электрон хизматларни жорий этмаслиги, соғлиқни сақлаш хизматларидан қониқмаслиги, алоқа хизматларидан фойдаланиш даражасининг чекланганлиги, автомобил йўлларининг сифати ва тирбандлиги, аҳолига кўрсатилаётган транспорт хизматларининг сифати ва шу кабиларни келтириш мумкин. Шу сабаб инновацион иқтисодиётда аҳолига кўрсатилаётган хизматларни манзилли ва мақсадли ташкил этиш лозим.

Иккинчиси, постиндустриал жамиятни шакллантириш вазифаси. Постиндустриал жамиятда инсоният тараққиётининг асосини хизмат кўрсатиш соҳаси ташкил этади. Ўз-ўзидан аёнки, бундай жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётда, умуман, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган, биринчи даражали сектор сифатида қаралади. Шунингдек, постиндустриал жамиятда марказий ўринни табиий ёки моддий бойликлар эмас, балки инсоннинг билими, унинг илмий ғояси асосий ўринда туради. Хизмат кўрсатиш соҳасининг истиқболли тармоқлари, (таълим, илм–фан ва илмий–тадқиқот, туризм, ахборот–коммуникация технологиялари, банк-молия хизматлари) жадал суръатлари билан ривожланади. Жаҳон амалиёти, айниқса, иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларининг илғор тажрибаси шундан далолат берадики, туризм,

таълим, илм–фан ва илмий–тадқиқот соҳалари ялпи ички махсулотни шакллантириш, аҳолини фойдали меҳнат билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини кўпайтиришнинг салмоқли секторига айланди. Таълим, илм–фан ва илмий–тадқиқот сектори жадал ривожланган мамлакатлари жумладан, АҚШ дунё бозоридаги илм талаб этиладиган махсулотларнинг 36 фоизини, Япония 30 фоизини, Хитой Халқ республикаси 22 фоизини ишлаб чиқаради[35].

Учинчидан, аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шаклларини ташкил этиш вазифаси. Маълумки, хизмат кўрсатиш соҳасининг баъзи тармоқлари мавсумий характерга эга бўлганлиги сабабли аҳолини доимий иш билан таъминлаш имконини бермайди. Шунинг учун аҳолини иш билан таъминлашнинг янгича, яъни "кунлик иш билан таъминлаш" шаклини жорий этиш лозим. Хориж мамлакатлари тажрибаси ушбу масалада ижобий натижаларга эришган. Масалан, Жанубий Кореянинг "Арбайт Самушил" (Кунлик иш берувчи марказ), АҚШда махсус вебсайтлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Масалан, барча йўналишлар бўйича "Indeed", соатбай ишлар бўйича "Snagajob", маҳаллий иш жойлари учун "Craigslist", мавсумий ишлар бўйича "CoolWorks", масофавий ишлар учун "FlexJobs", талабалар иш топиш учун "CollegeGrad" каби веб сайтлар жорий қилинган. Германияда аҳолига кунлик иш билан таъминлаш хизматларини ташкил этиш учун бандлик агентликлари ташкил этилган (Agentur für arbeit). Ўзбекистонда иш берувчилардан ва ишсизлардан ўтказилган социологик сўровларда аҳолини иш билан таъминлашнинг ноанъанавий кўринишларини жумладан, бир марталик иш, соатбай иш ва кунлик иш билан таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлигини билдиришган.

Тўртинчидан, камбағалликни тугатишда хизмат кўрсатиш соҳаси имкониятларидан унумли фойдаланиш вазифаси. Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2030 йилга мўлжаллаган тараққиёт дастурида хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва камбағалликни барҳам беришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, хизмат кўрсатиш соҳасининг 1 фоизга ўсиши камбағаллик даражасини 1,5 фоизга камайтиради[36]. Хизмат кўрсатиш соҳасининг хусусиятлари, жамиятдаги ўзгаришларга тезда мослашувчанлиги, тадбиркорлик фаолиятини бошлашда қулайликлари, янги иш ўринларни яратишдаги кенг имконияти ва шу каби бошқа жиҳатлари кишиларни ушбу соҳада банд этиш ва даромад топиш имконини беради. Шунингдек, камбағаликка барҳам беришда хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий турлари, жумладан таълим, соғлиқни сақлаш каби хизматлар етарли даражада ривожланган бўлиши ҳам даркор. Бу ҳақда

[35] Желткова О.В.Инновационная привлекательность предприятия как фактор технологической модернизации производства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2016, 24 стр.

[36] https://мулоҳаза.уз/хабар/сфера-услуг-v-приоритетах- посстановления (мурожаат қилинган сана:16.03.2021 йил).

“Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари” номли илмий-услубий тавсияда ҳам шундай фикрлар билдирилган: “.....камбағалликни аниқлашда хизматларнинг ривожланиш даражасига ва ундан аҳоли фойдаланишига ҳам қаралади”[37] .

Бешинчиси**, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг вазифаси.** Президент Ш.Мирзиёев вилоятлардаги ташрифларида ҳудудларнинг иқтисодий, меҳнат ва табиий салоҳиятдан яхши фойдаланилмаётганлиги, уларларнинг келгуси тараққиётини аниқлашга етарли эътибор берилмаётганлиги қайд этилмоқда. Шу нуқтаи назардан Самарқанд вилоятининг баъзи ҳудудларида, жумладан Жомбой ва Нарпай туманларида тадқиқот ишлари ўтказилди. Тадқиқотлар ҳудудларда ижтимоий соҳа объектлари, савдо, банк ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари етарли даражада таъминланмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, ҳудудларда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, жумладан, қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини оширишдек долзарб муаммо мавжуд. Ўзбекистонда жами аҳолининг қарийб 50,0 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади[38] . Маълумотларга қараганда **ж**аҳондаги жами қашшоқ аҳолининг 70 фоизи ҳам айнан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолидир[39]. Ўзбекистонда ҳам камбағал оилалар сонининг аксарияти бизнинг тахминий ҳисобимиз бўйича 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келади. Ушбу долзарб муаммонинг ечими иқтисодиётнинг асосий соҳаси ва ҳозирда мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантиришнинг «драйвери»га айланган хизмат кўрсатиш соҳаси ҳал этиши мумкин. Демак, ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш бугуни кунда долзарб вазифа ҳисобланади.

Олтинчиси, постиндустриал жамиятда мамлакат миллий иқтисодиётининг юксалишини, унинг яқин ва узоқ келажакдаги истиқболларини ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳалқаро иқтисодий ҳамкорликнинг олий шакли бу жаҳон хўжалигидаги интеграция алоқаларидир. Иқтисодий интеграция учинчи секторнинг етакчи тармоқларида чуқур ва барқарор кооперация алоқаларини шакллантиради, мамлакатлараро иқисодий ҳамкорликнинг турли шаклларини ривожлантиришни билдиради. Натижада ҳалқаро ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктураси юзага келади, савдо, молия ва банк соҳасидаги ҳамкорлик мунтазам ва доимо тус олади. Мамлакатлараро иқтисодий интеграция ғоят мураккаб жараён бўлганидан унга хос ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда уни баҳолаш мумкин. Ҳозирги адабиётларда мамлакатлараро иқтисодий интеграция алоқаларини экспорт товарлари таркибидаги хизмат кўрсатиш

[37] Пардаев М.Қ. Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ.- 2020. -68 бет. Б.6.

[38] Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Статистик тўплам. Т.: 2020 й. – Б. 36.

[39] https://www.eurekalert.org/pub_releases/2019-03/ifpr-2gf032219.php (мурожаат қилинган сана: 20.11. 2020 йил)

соҳасининг улушига қараб баҳолаш мумкинлиги эътироф этилган. Бироқ бизлар ушбу масалага ноанъанавий шаклда ёндашишни лозим топдик. Бунинг учун Ньютоннинг тўртинчи “Бутун олам тортиши қонуни” формуласидан фойдаланишни тавсия этамиз:

$$F = G\frac{M_1 * M_2}{R^2} \qquad (1)$$

Бу ерда: F-мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция алоқаларининг кучи;

M_1 – биринчи мамлакатнинг ялпи хизматлар ҳажми;

M_2 – иккинчи мамлакатнинг ялпи хизматлар ҳажми;

R^2 – икки мамлакат ўртасидаги масофа;

G – мамлакатлардаги ялпи хизматлар фарқи, коэффициентда;

Бу ерда «F» иқтисодий интеграция алоқалар кучи қанчалик катта бўлса, икки мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик кучли эканлигидан далолат беради. Агарда, аксинча бўлса, икки мамлакат ўртасидаги алоқа кучсизлигини англатади.

Умуман олганда ушбу хизмат кўрсатиш соҳасининг инновацион иқтисодиётни шакллантиришдаги вазифалари миллий иқтисодиётни мувозанатли ривожлантиришда, барча иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланишда катта рол ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Бурменко Т.Д.Сфера услуг: экономика, менеджмент, маркетинг. Практикум: учебное пособие/.-М.: КНОРУС, 2016.-422 с.

2.Леонова В.П. Структурные реформы в сфере услуг и их воздействие на развитие и использование трудовых ресурсов. Специальность 08.00.05.- Экономика и управление народным хозяйством. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Санк-Петербург 2006 .

3.Миронов А.И. Роль и значение оптовой торговли в сфере услуг в условиях цифровой экономики. Развитие сферы услуг: стратегии, инновации, компетенции: Материалы Всероссийской научно-практической конф., Н. Новгород, 26 марта 2019 г. – Нижний Новгород: Изд-во ННГУ, 2019. – С.189..

4.Пардаев М.Қ. Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд: СамИСИ.- 2020. Б.6.

5.Желткова О.В.Инновационная привлекательность предприятия как фактор технологической модернизации производства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2016, 24 стр.

6. Юданов А.. Что такое инновационная фирма? // Вопросы экономики. 2012. № 7. С. 30–46.

МАКРОИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

Улашев Х.А. СамИСИ “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доцент в.б. Тел: +998995449250

Аннотация:*Мақолада рақамли иқтисодиётнинг мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бири- ялми ички маҳсулотни оширишдаги ўрни кўриб чиқилган.Республикамизда рақамли иқтисодиётни ривошлантириш бўйича тавсия ва таклифлар билдирилган.*

Калит сўзлар*:рақамли иқтисодиёт,рақамли технолоия, Интернет-технология,ижтимоий тармоқлар, тармоқ фойдаланувчилари, блокчейн*

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб берди. Рақамли иқтисодиёт икки хил турли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади.

Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади.

Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига хос тушунча бўлиб, унинг ўрганиш объекти ахборотлашган жамият ҳисобланади. Бугунги шиддат билан ривожланаётган глобал иқтис рақамли ахборот босқичига бутунлай ўтиши атига бир неча йилни ташкил этади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил 28-апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди ва ушбу соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Иқтисодиётнинг барча соҳаларини миллий рақамли технологиялар асосида янгиланишини кўзда тутадиган «Рақамли иқтисодиёт - 2030 йилларда дастури қабул қилиниб ҳаётга жорий этилмоқда

Жаҳон банкининг “Рақамли дивидентлар” номли тадқиқоти натижалари мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг нақадар долзарб ва муҳим масала эканлигини кўрсатади. Хусусан, интернет тезлигининг 10 фоизга ўсиши, мамлакат ЯИМни ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич, 1,21 фоизни ташкил этса, ривожланаётган давлатларда 1,38 фоизни ташкил этади. Демак, интернет тезлиги 2 баробарга ошадиган бўлса, ЯИМ ҳажми ҳам қарийиб 15 фоизга ошишига эришиш мумкин.

Жаҳонда амалга оширилаётган глобаллашув шароитида ташқи миграция, халқаро савдо ва капиталлар ҳаракати, туризм, хорижий инвестициялар, ИТ ривожланиши мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир этади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган

ислоҳотлар натижасида очиқлик, халқаро иқтисодий-сиёсий алоқаларнинг ривожланиши юртимизда саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш имкониятларини юзага келтирди. Бунга мамлакатимиз ташқи савдо ҳажмининг ўсишини мисол қилиб келтириш мумкин. “Электрон ҳукумат”, “электрон бошқарув”, “телекоммуникация”, “Интернет”, “Веб-сайт” каби юзлаб иборалар ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланди. IT кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоқда.

Рақамли иқтисодиётда IT ёрдамида таннархни камайтиришга, натижада, оптималлашувга ва самарадорлик ошишига эришилади. Рақамли иқтисодиётда замонавий илмий ёндашувлар ва инновациялар муҳим ва устувор аҳамиятга эга бўлади. Бунда илмий сиғимкорлик юқори бўлган тармоқлар ривожланади.

Рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларда ЯИМ ҳажми ҳам, ЯИМни аҳоли сон бошига улуши ҳам юқоридир. Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбарининг бу масалага давлат миқёсида қарашлари бир мақсадни кўзлайди, у ҳам бўлса, биринчидан, аҳолининг яшаш даражасини юксалтириш, иккинчидан, аҳолининг реал даромадларини оширишдир.

Экспертларнинг фикрича, 2020 йилдан бошлаб йирик банкларнинг қарийб 30% дан ортиғи ўзларининг иш фаолиятида Blockchain технологиясидан фойдаланишни бошлаб юборишди. Бунга сабаб қилиб, Blockchain технологиясининг нисбатан эндигина яратилганига қарамасдан, унинг мавжуд бизнес жараёнлардаги инқилобий ўзгаришларни қамраб олгани молия бозорлари иштирокчилари орасида катта қизиқиш уйғотганини кўрсатиш мумкин.

Маълумки, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт қиймат яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Турли хил алгоритмлар, жараёнлар ва рақамли ахборотлар корпоратив бизнесни стратегик ривожланишида асосий ҳал қилувчи кучга эга бўлмоқда. Рақамли номолиявий омиллар банкларни рақобатбардошлигини белгилаб бермоқда, самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда.

Рақамли технологияларни ривожланиши охир-оқибат номоддий активларни, яъни физик жиҳатдан мавжуд бўлмаган номонетар активларни ошишига олиб келмоқда. Масалан, 1975 йилда америкaнинг йирик корпорацияларининг номоддий активлари 17%ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 85%дан ошди. Аниқроқ тушунтирадиган бўлсак, бухгалтерия балансидаги моддий ва номоддий активлар ўз ўринларини алмаштиришди.

Рақамли активлар – бу молиявий ҳисоботларни тузишда ҳисобга олинадиган рақамли шаклдаги номоддий активлардир.

Жаҳоннинг машҳур McKinsey экспертларининг баҳолаши бўйича, бугунги кунда жаҳон ЯИМнинг қарийб 10%и рақамли активларга тўғри келади, шу билан бирга, уларни ишлаб чиқиш суръати жаҳон иқтисодий

ўсишининг 30%га тўғри келади. Рақамли активларни ривожланиши акселератор (тезлаштирувчи) ҳаракатига ўхшайди.

- рақамли технологиялар барқарор фаолият кўрсатиши учун– институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ва бу йўналишлар бўйича– чуқур билимга эга малакали дастурчилар ва инженер-техник ходимларни етиштириш, таълим тизимининг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш– ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, “стартап” тушунчаси, фаолияти, венчур фондлари орқали уларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини– ташкил этиш ва унинг мобиллигини ошириш, янги технологияларни тезкорлик билан ўзлаштириш учун мутахассислар малакасини ошириб бориш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш,– етакчи халқаро технологик компаниялар билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, инновацион ишланмалар бўйича замонавий илмий-ишлаб чиқариш лабораторияларини ташкил этиш.

Фойдаланган адабиётлар

1. “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон

2.Зарипов Хуршид Закир ўғли. Рақамли иқтисодиёт тараққиёт пойдеворидир . Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 2 | ISSUE 5/2 ISSN 2181-1784 Scientific Journal Impact Factor.

II ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ”

RAQAMLI IQTISODIYOTI SHAROITIDA QISHLOQ JOYLARDA YOSHLAR ISHSIZLIGINI OLDINI OLISH MASALALARI

SamISI Raqamli iqtisodiyot kafedrasi v.b., dotsenti S.B.Boboqulov +998941891989, ferdu_www@mail.ru

SamISI Raqamli iqtisodiyot kafedrasi assistenti M.D.Usmanov +998937220855

Anotatsiya: Ushbu maqolada qishloq joylarda yoshlar ishsizligini oldini olish, yoshlar bandligini oshirish masalalari bo’yicha muallifning fikrlari keltirilgan. Shuningdek, qishloq joylarda yoshlar bandligini ta’minlash bo’yicha taklif va tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so’zlar: qishloq, bandlik, yoshlar, degradatsiyalashish, raqamli iqtisodiyot, raqamli xizmat, ishsizlik, ijtimoiy himoya, ish o’rinlari, xizmat, ferme xo’jaligi.

Raqamli iqtisodiyotga o’tish sharoitida mamlakatimizning ijtimoiyi-iqtisodiy rivojlanish borasida amalga oshirib kelayotgan islohotlarning oldida turgan dolzarb muammolardan biri–bu qishloq joylarida xizmat ko’rsatish sohasida takomillashgan mehnat bozorini shakllantirish va uning samarali amal qilishini ta’minlash hisoblanadi. Respublikamizda ijtimoiy jihatdan yetarli darajada himoya qilinmagan yoshlar orasida ishsizlar soni salmoqli miqdorga ega bo‘lmoqda. Bunday holat mehnat bozorida yoshlarning ish bilan bandligini ta’minlash, ularning ishsizligini kamaytirishning samarali usullari va mexanizmlarini tadqiq etishni talab qilmoqda.

Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoev “.....yoshlar bilan ishlash tizimini yangi darajaga olib chiqish, ularni ijtimoiy-huquqiy va psixologik qo‘llab-quvvatlash, kasb-hunarga o‘rgatish va bandligini ta’minlash ishlarini samarali tashkil yetishning doimiy moliyaviy manbalarini va ulardan foydalanish tartibini belgilash”[40] ta’kidlagani qishloq joylarida yoshlar masalasiga alohida alohida e’tibor berishni ta’qozo etmoqda. Shunday ekan yoshlar ishsizligi muammolari jahonning barcha mamlakatlari singari mamlakatimizda ham asosiy ijtimoiy masalalardan biri hisoblanadi.

[40] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat miramonovich Mirziyoevning “Yoshlarning tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash va bandligiga ko‘maklashish, ularni ijtimoiy himoya qilish hamda bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 6208-son Farmoni. Toshkent sh., 2021 yil 20 aprel.

Raqamli iqtisodiyotga o‘tish sharoitida qishloq joylarda yoshlar ijtimoiy bandligini ta’minlash masalalari hamda ishsizlik bozor iqtisodiyotining ajralmas qismi bo‘lib, u salbiy ijtimoiy-iqtisodiy hodisa hisoblanadi, chunki ishlab chiqarish (xizmat ko‘rsatish)da ish kuchini to‘liq foydalana olmaslikka olib keladi va ijtimoiy, degradatsiyalashish (zavol topishi) xavfini ko‘chaytiradi. Bu yoshlarning mehnat salohiyatidan foydalanishga ko‘proq salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Bizga ma’lumki, har bir mamlakatning mehnat bozoridagi ahvol, birinchi navbatda, uning iqtisodiyotiga bevosita bog‘liqdir. Karonavirus pandemiyasi inqirozi hamda jahon miqyosida kechadigan siyosiy vaziyatning og‘irlashuvi, ayniqsa, mehnat bozoriga chuqur salbiy ta’sir ko‘rsatdi. Ishlab chiqarish va iqtisodiy o‘sish sur’atlarining keskin pasayib ketishi ishsizlik darajasini haddan tashqari ortishiga olib keldi.

Shu nuqtaiy nazardan mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Miramonovich Mirziyoev “...yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirish, iqtidori, iste’dodi va tashabbuslarini rag‘batlantirish hamda hayotda o‘z o‘rnini topishlariga ko‘maklashish”[41] kabi ustuvor vazifani qo‘yganligi hozirgi jahon globallashuvining salbiy oqibatlarini mamlakatimizga ijtimoiy-iqtisodiy salbiy tasirini kamaytirishda xizmat qiladi. Chunki, mamlakatimiz aholisining 60 % ni yoshlar tashkil etishi, ularni ish bilan bandligini ta’minlash, bo‘sh vaqtlarini samarali tashkillashtirish, tadbirkorlik faoliyati bilan mashg‘ul bo‘lishiga ko‘maklashish hozirgi davrning dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qolmoqda. Ushbu dolzarb masalaning yechimini topish yoshlar ijtimoiy bandligini ta’minlashga shuningdek, mamlakat YaIM ulushini ortishida besamar xizmat qiladi desak mubolog‘a bo‘lmas edi.

Ma’lumki, jamiyatning iqtisodiy taraqqiyoti va inson salohiyati rivojlantirish bevosita ishsizlik bilan bog‘liq, ishsizlik muammolarini ish bilan bandlikni ta’minlashga bog‘liqdir. Xorijiy va mahalliy adabiyotlar, hamda me’yoriy hujjatlarda “ishsizlik” tushunchasiga turlicha talqin etilgan. Muammoga sof iqtisodiy jihatdan qaraganda ishsizlik – mamlakat aholisining mehnat qilishga qodir bo‘lgan va mehnat qilishni istaydigan, har bir aniq paytda soni ko‘proq yoki kamroq bo‘ladigan muayyan miqdordagi qismining ish bilan ta’minlanmaganligidir.

Xalqaro mehnat statistikasi bilan shug‘ullanuvchi mutaxassislar ishsizlikka berilgan ta’rifni hisobga oladigan bo‘lsak, unda ishsizlarga[42]:

a) ishga ega bo‘lmaganlar;

b) ishlashni istaydiganlar;

v) ish izlash istagida bo‘lgan shaxslar kiradi.

Ko‘pgina rivojlangan mamlakatlarning ijtimoiy statistika ma’lumotlariga ko‘ra, ishsizlar sarasiga va ish bilan band degan maqom berish uchun o‘tkazilgan

[41] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miramonovich Mirziyoev tamonidan “Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-92-son, Toshkent sh., 2022 yil 19 yanvar

[42] Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Бабыника Л.С. Экономика труда: Учебник. В 2т. Т2.-М.: Издательство “Альфа-Пресс”, 2017. -С 303-341.

so‘rovlar paytida ish bilan band bo‘lmaganlar guruhiga ishdan bo‘shagandan so‘ng to‘rt hafta mobaynida ish topishga uringan va mehnat birjasida ro‘yxatdan o‘tgan shaxslar kiritiladi.

Yaponiyada ishsiz shaxs deb, so‘nggi bir hafta davomida bir soat ham ishlamagan, Buyuk Britaniyada esa, so‘nggi bir hafta mobaynida ishlamagan, shu davr mobaynida ish qidirgan yoki kasalligi tufayli ish qidirish imkoniyatiga ega bo‘lmagan fuqarolar tushuniladi. Ayrim mamlakatlarning qonun hujjatlariga binoan, ishsiz deb, ishdan bo‘shatilgan va mehnat stajiga ega bo‘lganlar tushuniladi.

O‘zbekiston Respublikasining «Aholini ish bilan ta’minlash to‘g‘risida»gi Qonuniga binoan ishsiz shaxs deb, mehnatga qobiliyatli (o‘n olti yoshdan boshlab, to pensiya bilan ta’minlanish huquqini olgunga qadar), ishga va ish haqiga (mehnat daromadiga) ega bo‘lmagan, ish qidiruvchi shaxs sifatida mahalliy mehnat organida ro‘yxatga olingan, mehnat qilishga, kasbga tayyorlash va qayta tayyorlashdan o‘tishga, malakasini oshirishga tayyor mehnatga qobiliyatli shaxslar e’tirof etiladi[43].

Ishsizlik zamonaviy mehnat bozorining xarakterli xususiyati va ajralmas qismidir. U mehnatga qobiliyatli yoshdagi shaxslar uchun (ularning malakalari darajasi, kasbiy imkoniyatlari va istaklariga muvofiq) ishni topish mumkin emasligi bilan izohlanadi va bundan tashqari, ishchi kuchiga talabni yetishmasligi va bir vaqtda uning taklifini oshib ketishi bilan asoslanadi. Ushbu masala bo‘yicha ilmiy asarlarning tahlili shunday xulosa qilishga imkon beradiki, ishsizlik muammosi, shu jumladan, qishloq xo‘jaligidagi ishsizlik U.Petti, A.Smit, D.Rekardo, J.B.Sey, F.Kent, P.E.Shlender[44] kabi mashhur olimlarning asarlarida o‘zining keng ifodasini topgan. Ishsizlikni salbiy ijtimoiy – iqtisodiy hodisa sifatida ta’riflab turib, ular bu hodisani vujudga keltiruvchi u yoki bu sabablarini ko‘rsatadilar. Ammo ularning asosiy fundamental tadqiqotlari aholisining ortiqcha o‘sishi va mehnat bozoridagi raqobat, ishchi kuchiga talabni o‘zgarishi, mashina ishlab chiqarilishini tadbiq etilishi va ish haqini o‘sishi, yer egalarini xonavayron bo‘lishi va qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining mavsumiyligi, kabi muammolarni o‘rganishga bag‘ishlangan.

Hozirgi kunda MDH va xorij olimlari ham majburiy ish bilan band bo‘lmaslikka har xil ma’noda qaraydilar va ishsizlik xususiyatlarini turlicha izohlaydilar. Bunga nisbatan, ikkita qarama-karshi nuqtai nazar mavjud. Birinchisi shundan iboratki, ishsizlikka belgilangan doirada yo‘l qo‘yiladi va hatto ba’zi bir ma’noda ishlab chiqarishni yanada rivojlantirish va mehnat samaradorligi uchun zarurdir (S.Fisher, R.Dornbush, A.Ketler). Ikkinchi nuqtai nazarga ko‘ra, ishsizlik salbiy ijtimoiy-iqtisodiy hodisadir. Shuning uchun uning darajasi va davomiyligini, xususan, davlat tomonidan tartibga solish vositasi asosida doimiy ravishda pasaytirilishi kerak.

[43]Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Олий ўқув юртлари учун дарслик.–Т.: “Mehnat”,2009.-б.

[44] Экономика труда: учебник.-2-еизд., перераб. И доп./под ред.проф.Ю.П.Кокина, проф.П.Э.Шлендера.-М.:Магистр, 2010.-113с.

Bizning fikrimizcha, ishsizlikning yuqori bo‘lmagan darajasining mavjudligi ishchi kuchining sifat parametrlarini takomillashtirishga ta’sir ko‘rsatadi, mehnat bozorida raqobatni o‘sishi esa qonuniy ravishda hodimlar qo‘nimsizligi pasayishi va mehnat unumdorligini o‘sishiga olib keladi. Shu bilan birga aniq sohadagi yoki umuman mintaqadagi ishsizlik ko‘lami shunday bo‘lishi kerakki, hammadan avval aholining ichki milliy daromad hajmini pasayishi va jamiyatda ijtimoiy borqarorlikni o‘sishiga yo‘l qo‘ymasligi kerak. Bu guruhlarga asosan respublikamizda hududiy tabaqalanish bo‘yicha yoshlar ijtimoiy bandligini ta’minlash iqtisodiyotni erkinlashtirish va ishlab chiqarish sohasini modernizatsiyalash sharoitlarida miqdoriy jihatdan o‘sish tendensiyasiga egadir. Bu o‘zining moddiy va ijtimoiy holatidan qanoatlanmagan shaxslar, ya’ni yolg‘iz kishilar va nogironlar, nafaqaxurlar va ko‘p bolalilar hamda kun kechirish uchun zarur miqdordan pastroq daromadga ega shaxslarni hamda mehnatga layoqatli yoshlarni tashkil etadi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib qishloq joylarda yoshlar bandligi ta’minlash bo’yicha mehnat bozorini istiqbollashtirish va o‘rganish birinchi navbatda, xalq xo‘jaligi sohalarining mehnat resurslarini talab etishga qaratilishi kerak va faqat shuni hisobga olish bilan ishchi kuchini maqsadga muvofiq ko‘rsatilgan holda, tayyorlash va qayta tayyorlashni, uni ishlab chiqarish va noishlab chiqarish faoliyati sohalari va tarmoqlari bo‘yicha ratsional taqsimlash va qayta taqsimlashni amalga oshirish, asosan yosh kadrlar o‘rtasida vaqtincha ish bilan band bo‘lmaganlar va ishsizlarni ijtimoiy himoyalash va qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha tegishli tadbirlarni o‘tkazish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat miramonovich Mirziyoevning “Yoshlarning tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash va bandligiga ko‘maklashish, ularni ijtimoiy himoya qilish hamda bo‘sh vaqtini mazmunli tashkil etishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” 6208-son Farmoni. Toshkent sh., 2021 yil 20 aprel.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miramonovich Mirziyoev tamonidan “Mahallalarda yoshlar bilan ishlash tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-92-son, Toshkent sh., 2022 yil 19 yanvar
3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Олий ўқув юртлари учун дарслик.–Т.: “Mehnat”,2009.-б.
4. Ю.П.Кокина, П.Э.Шлендера Экономика труда: учебник.-2-еизд., перераб.- М.:Магистр, 2010.-113с.
5. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Бабыника Л.С. Экономика труда: Учебник. В 2т. Т2.-М.: Издательство “Альфа- Пресс”, 2017. -С 303-341.

XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI RAQAMLASHTIRISH YO'LLARI

SamISI Raqamli iqtisodiyot kafedrasi v.b., dotsenti S.B.Boboqulov
+998941891989, ferdu_www@mail.ru

Anotatsiya: Ushbu maqolada xizmat ko'rsatish sohasini rivojlanish jarayoni hamda raqamlashtirish masalalari bo'yicha muallifning fikrlari keltirilgan. Shuningdek, xizmat ko'rsatish sohasini raqamlashtirish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: xizmat ko'rsatish, servis, raqamli, raqamlashtirish, raqamli iqtisodiyot, raqamli xizmat, blokcheyn, bulutli texnologiya, diversifikatsiya, modernizatsiya, innovatsiya.

Raqamli iqtisodiyotga o'tish sharoitida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar mamlakat rivoji uchun o'zining muhim xissasini qo'shib, aholi turmush darajasini va farovonligini yuksalishiga xizmat qilmoqda. Ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning rivojlanishida asosiy lakomitivlardan biri sifatida xizmat ko'rsatish sohasini keltirib o'tish maqsadga muvofiqdir. Mamlakatimizda xizmat ko'rsatish sohasi faoliyatini tashkil etish, uni rivojlantirishga alohida shart-sahroitlar yaratilib, imtiyozli yordamlar berilmoqda. Aholiga xizmat ko'rsatish sohasi hozirgi vaqtda iqtisodiy jarayonlarning barcha jabhalariga tobora kuchliroq kirib bormoqda. Ammo uning milliy iqtisodiyotdagi samaradorligi ko'p jihatdan yangicha ijtimoiy mehnat munosabatlarini shakllantirish va rivojlantirishga bog'liq bo'lib qolmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev "….iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko'zda tutadigan "Raqamli iqtisodiyot milliy konsepsiyasi"ni ishlab chiqish va amaliyotga tadbiq etish kerak"[45] deb ta'kidlaganlari, mamlakatimiz iqtisodiyot tarmoqlarini bosqichma-bosqich raqamli texnologiyalar dasturiga o'tkazishni hamda 2030 yilga borib yalpi ichki mahsulotda uning ulushini kamida 30 foizga o'stirish kabi ustuvor maqsadlar qo'yilgani bugungi davrning asosiy vazifalaridan biri bo'lib qolmoqda. Bunday vazifalarni amalga oshirish iqtisodiy islohotlarning ustuvor vazifalari qatoridan joy olib, xizmat ko'rsatish tizimini rivojlantirish, uni raqamli texnologiyalar asosida diversifikatsiyalashni taqozo etmoqda. Buning samarali yechimi sifatida xizmat ko'rsatish faoliyatiga innovatsion, raqamli texnologiyalarni joriy etish orqali xizmat ko'rsatish samaradorligini oshirish, mamlakat iqitisodiyotini rivojlantirish, aholi turmush farovonligini yuksaltirishga erishishimiz mumkin. Bizga ma'lumki raqamli iqtisodiyotning rivojlanishida birinchi jabxalardan biri bo'lib xizmat ko'rsatish (servis) sohasi hisoblanadi. Dastavval raqamli iqtisodiyot "buyumlar interneti", "mediya internet" dasturiy ta'minoti

[45] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so'zi. 2019 yil. 1 son

orqali aholiga xizmat ko’rsatish jarayonlarini boshlagan. Bu jarayonlarda raqamli texnologiyalar samarali faoliyati, kam xarajatligi, tizim shaffovligi, ochiq faoliyati sababli ishlab chiqaruvchi va foydalanuvchilarda katta qiziqish uyg’otgan. Bu holat o’z navbatida ijtimoiy ishlab chiqarish jarayonlarini yangi iqtisodiy tartiblarga o’tish jarayonini jadallashtirib, insonlar ijtimoiy-iqtisodiy faoliyatining ichki va tashqi jarayonlarini keskin o’zgartirdi, tizimda korrupsiya holatlarini keskin oldini oldi hamda ijobiy siljishlar jarayonlari vujudga kelishiga zamin yaratdi.

Iqtisodiy nuqtai nazardan aytish mumkinki, raqamli iqtisodiyot iqtisodiy samaradorlik, mehnat unumdorligining o‘sishiga xizmat qilishi hamda ijtimoiy boylik ishlab chiqarishning moddiy tarkibiy qismida qo‘shilgan qiymat yaratishi lozim va bu axborotlashgan jamiyat iqtisodiyotida uning birinchi iqtisodiy mazmuniga aylanadi. Bu borada mamlakatimiz olimlari tamonidan “raqamli iqtisodiyot yoki boshqacha qilib aytganda veb-iqtisodiyot zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalangan holda tashkil qilinadigan iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy munosabatlar tizimini ifodalaydi[46]”degan fikrlar keltirilgan. Demak, raqamli iqtisodiyot moddiy va nomoddiy ishlab chiqarish sohadida o’zining vertikal iqtisodiy o’sishi bilan ajralib turadi.

Tadqiqotlarimiz davomida raqamli iqtisodiyot 2017 yil hal qiluvchi bosqichga kirishganini ko’rishimiz hamda sayyoramiz aholisining yarmi internetga ulanganligini fikrimiz tasdig’idir. Ma’lumotlarga ko’ra McKinsey global institutining (MGI) tahlillariga ko‘ra, yaqin 20 yil ichida dunyoning ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish sohasining 50%gacha bo‘lgan qismi raqamlashtiriladi, bu jarayon ko‘lami bo‘yicha XVIII–XIX asrlarda ro‘y bergan sanoat inqilobi bilan taqqoslanishi mumkin[47]. Shuningdek, iqtisodiyotni diversifikatsiya qilish va o’sish dinamikasi qanchalik yuqori bo‘lsa, mamlakat ichida va tashqarisida noyob axborotlar aylanmasi shunchalik ko‘p, milliy iqtisodiyotlar ichida axborot trafigi esa shu qadar salmoqli bo‘ladi. Shu bois, ishtirokchilar soni ko‘p va axborot texnologiya xizmatlari keng tarqalgan bozorlarda raqamli iqtisodiyot jadal sur’atlarda rivojlanadi.

Hozirgi davrda xizmat ko’rsatish sohasining ko’plab jabxalarida raqamli xizmatlarni ko’rishimiz mumkin. Masalan, yetkizib berish, “online” savdo, elektron biznes, elektron tijorat, media, ta’lim, kommunal xizmatlar, tibbiyot, davlat xizmatlari, bank xizmatlari va boshqa sohalarni raqamlahtirilishi soha faoliyatini natijadorligiga, xizmatlar sifatini yuksalishiga, tizim shaffovligini oshirishiga, korrupsiya holatlarini bartaraf etishga xizmat qilmoqda. Ammo, xizmat ko’rsatish sohasi to’laqolli raqamlashtirilmaganli soha faoliyatidan to’laqolli foydalanishga to’siq bo’lmoqda. Raqamli iqtisodiyotga o’tish sharoitida transport xizmatlari, maishiy xizmatlar (sartaroshxona, aftomobil ta’mirlash, oziq-ovqat), ko‘chmas mulk bilan bog‘liq xizmatlar, me’morchilik, muhandislik izlanishlari, texnik

[46] R.H.Ayupov, G.R.Boltaboyeva Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. T.: TVI, 2020, 575 bet.

[47] Лобзов А.В. Без чего не работает корпоративная система управления проектами // Российское предпринимательство. – 2015. – Том 16. – № 13. – С. 2045- 2052.

sinovlar va tahlil sohasidagi xizmatlarini raqamlashtirish xizmat ko’rsatish sohasini to’laqolli samaradorligini ortishiga olib keladi.

Yuqorida keltirilgan xizmat ko’rsatish sohalarini raqamlashtirish hozirgi davrning ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi. Shu maqsadda, O’zbekiston Respublikasining Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev “…zamonaviy axborot tizimlari va dasturiy mahsulotlarni joriy etish hisobiga mahsulotlar va xizmatlar sifatini yaxshilash, ularning tannarxini, ishlab chiqarishdagi to‘xtalishlarni kamaytirish, moliyaviy-iqtisodiy faoliyatning shaffofligini oshirish”[48] deb ta’kidlaganliklari, ijtimoiy-iqtisodiy sohada amalga oshirish lozim bo’lgan vazifalarni belgilab bermoqda. Buning uchun xizmat ko’rsatish sohasiga raqamli texnologiyalarni mamlakatimiz hududiga olib keluvchi korxonalarni davlat tamonidan moliyaviy, huquqiy, bojxona xizmatlari tamonidan qo’llab quvvatlash, shuningdek, raqamli texnologiya vositalarni ishlab chiqaruvchi investorlar uchun shart-sharoitlar yaratib berish, raqamli texnologiya asoslangan korxonalarni mamlakatimizda faoliyatini tashkil etish, raqamli texnologiya dasturlari, tovarlarini ishlab chiqaruvchilarga soliq imtiyozlarini berish, mavjud kadrlarni raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda malakasini ortirish, raqamli xizmat ko’rsatish bo’yicha oliy dargohlarda malakali, zamon standartlariga javob beradigan kadrlarni tayyorlash, hamda davlat xususiy sherikchilik doirasida raqamli xizmat ko’rsatish subyektlari faoliyatini shakllantirsh kabi maqsadlarni amaliyotga joriy etish orqali xizmat ko’rsatish samaradorligiga va davlatimiz iqtisodiyotini vertikal o’sishiga erishishimiz mumkin.

Shuningdek, xizmat ko’rsatish sohasini raqamlashtirish quyidagi ijobiy avzalliklarga ega bo’lishi mumkin:

– xizmat ko’rsatish jarayoni uchun to‘lovlarni amalga oshirish xarajatlarini kamayishiga;

– ko’rsatiladigan xizmatlar haqida batafsil va tezroq ma’lumotlar olish imkoniyatlari vujudga kelishiga;

– mamlakatimizda ishlab chiqariladigan moddiy va nomoddiy tovarlarning jahon bozoriga chiqishi;

– fidbek (iste’molchi fikri)ni tez olish hisobiga tovar va xizmatlar jadal takomillashtirilishiga;

– xizmat ko’rsatish jarayonida tezroq, sifatliroq, qulayroq muhitni shakllanishi;

– xufyona iqtisodiyotni rivojlanishini oldini olishga olib keladi.

Yuqorida keltirilgan fikrlardan kelib chiqib xizmat ko’rsatish sohasini raqamlashtirish maqsadida quyidagi xulosa va takliflarga keldik:

Birinchidan, raqamli savdo hajmini oshirish va mijozlarga xizmat ko‘rsatishni yaxshilash maqsadida raqamli texnika-texnologiyalar (blokcheyn texnologiyasi, bulutli texnologiyasi, su’niy intelekt, 3D texnologiyasi, 5G aloqa

[48] O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning“Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-6079-son Farmoni. Toshkent sh., 2020-yil 5-oktabr, www.lex.uz

tizimi, buyumlar interneti)dan samarali foydalanish hamda xizmat ko’rsatish sohasini raqamli texnologiyalar bilan diversifikatsiya qilish va buyurtmachilar (mijozlar) bilan o‘zaro munosabat mexanizmlarini takomillashtirish;

Ikkinchidan, xizmat ko’rsatish sohasida malakali kadrlar tayyorlash, sohada o‘quv faoliyati darajasi va sifatini tubdan yaxshilash, xizmat ko’rsatish mutaxassislarini qayta tayyorlash va malakasini oshirish, xizmat ko’rsatish tizimiga mutaxassislarni raqamli iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlardan jalb qilish orqali sohani rivojlantirish;

Uchinchidan, raqamli xizmatlar va xizmatlar uchun elektron to‘lovlar tizimini yanada rivojlantirish, shuningdek, elektron hukumat xizmatlarini taqdim etishda to‘lovlarni qabul qilish va qayta ishlash imkoniyatlarini hisobga olgan holda, iqtisodiyot va moliya sohasida axborot infratuzilmasini takomillashtirish;

To’rtinchidan, elektron tijoratning rivojida muhim rol o‘ynovchi pochta va logistika infratuzilmasini modernizatsiyalash, shuningdek, pochta va logistika xizmatlari sifatini oshirish kabi takliflarni amaliyotga joriy etish.

Ushbu taklif va tavsiyalarning hayotga tadbiq etilishi mamlakat iqtisodiyotining rivojiga, YaIMda xizmatlar ulushining ortishiga, aholi turmush farovonligini yuksalishiga, qayta tiklanmas tabiy resurslarni tejashga, jaxon bozoriga tez sur’atlarda chiqishga hamda Prezidentimiz belgilab bergan 2030 yilga borib YaIMda raqamli iqtisodiyotning ulushi 30 % yetkazish darajasiga erishishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyot ro’yxati

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PF-6079-son Farmoni. Toshkent sh., 2020-yil 5-oktabr, www.lex.uz
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi. Xalq so’zi. 2019 yil. 1 son
3. R.H.Ayupov, G.R.Boltaboyeva Raqamli iqtisodiyot asoslari. Darslik. T.: TMI, 2020 y, 575 bet.
4. А.В.Лобзов Без чего не работает корпоративная система управления проектами // Российское предпринимательство. – 2015. – Том 16. – № 13. – С. 2045- 2052.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИГА МОС ҲОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШ

СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси
катта ўқитувчиси – З.К.Рахимов Тел:
+998906578948 r.zafar@list.ru

Аннотация: Мақолада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини рақамли иқтисодиёт шароитига мос ҳолда ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари ёритиб берилган. Маълумотлар муаллифнинг кузатувлари ва адабиётлар таҳлили асосида тузилди.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, хизмат кўрсатиш, сервис, рақобат, технологиялар, модернизация, тармоқ, соҳа, корхона, сифат.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси моддий ишлаб чиқариш соҳасидан фарқли равишда тадқиқотларни олиб боришда устунлироқ ҳисобланмоқда.

Тараққий топган давлатлардан АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, Германия, Италия, Японияда хизмат кўрсатиш ва сервис улуши ялпи ички маҳсулотнинг 70-80 фоизини ташкил этади[49].

Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда янгича технологиялардан фойдаланилмоқда. Жумладан, рақамли технологиялар орқали юридик ва жисмоний шахсларга турли хил хизматлар кўрсатилмоқда. Аммо, ушбу соҳани ривожлантиришда айрим амалий камчиликлар кузатилмоқда.

Рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда корхоналарнинг анъанавий ишлаб чиқаришга ўрганиб қолиши, истеъмолчиларнинг рақамли иқтисодиёт тушунчасини тўла тушунмаганлиги, ишончлилик даражасининг камлиги каби камчиликлар мавжуд.

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини самарали ва сифатли ривожлантириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун рақамли иқтисодиётнинг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш зарур. **Рақамли иқтисодиёт** – бу, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади[50].

[49] https://parliament.gov.uz/upload/iblock/904/afzjswmmsrzu%20occzalxohvndxdtx%20casc%20grlyoylgpkbd%20nddnpabxwpat-survvj%20xbbjaphlww.pdf

[50] https://aniq.uz/yangiliklar/raqamli-iqtisodiyot-nima

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар қандай фаолиятни рақамлаштиришга эришиш мумкинлигига қарамай, соҳаларнинг самарали ривожланиши учун корхона ва унинг истеъмолчилари шунга тайёр бўлиши зарур. Шу билан бирга, корхоналар анъанавий хизмат кўрсатиш усулларини рақамлаштиришлари учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш, шу жумладан, солиқ, кредит имтиёзларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Буюк Британия ва АҚШда сервис соҳасини ривожлантириш учун алоҳида имтиёзли кредитларни ажратиш тизими киритилган. Унинг бошқа мамлакатлардан фарқли жиҳатларидан бири – бу, олий маълумотга эга бўлмаган ва фуқароларни ва касб эгаларини узоқ даврли кредитлар билан таъминлаш, шу билан бирга ишсизлик даражасини олдини олишга қаратилган. Ушбу давлатларда сервис соҳасини ривожлантиришга нафақат давлат, балки турли хил корпорациялар ҳам қизиқиш уйғотадилар. Асосан, корпорациялар ўзларининг моддий маҳсулотларини сотиш билан шуғулланувчи турли хил маркетинг ҳаракатларини олиб бориш қобилияти мавжуд бўлган ёшларга қаратадилар.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда қишлоқ жойларда доимий равишда маиший, коммунал, ахборот ва алоқа, таълим хизматларига эҳтиёж даражаси юқори. Ушбу хизматларни рақамли иқтисодиёт шароитига мос равишда ривожлантириш бугунги кунда асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Аммо, ушбу хизматларни ривожлантириш учун етарли даражада инфратузилма объектларини ривожланмаганлиги маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, интернет ва уяли алоқа операторлари хизматларининг сифатли ривожланмаганлиги, мавжуд хизматларнинг модернизация қилинмаганлиги.

Бундан ташқари, қишлоқ жойларда аҳоли томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, сотиш, етказиб бериш каби хизматларнинг ҳам рақамлаштирилмаганлиги муаммоси ҳам мавжуд. Бундай муаммо – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз вақтида сотилиши, сақлаш ва етказиб бериш хизматлари ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги каби қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш учун ҳозирги кунда юқорида қайд этилган хорижий давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, қишлоқ ҳудудларида имкониятларни ўрганган ҳолда кам харажат талаб этиладиган кичик корхоналарни хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига йўналтириш учун давлат томонидан қўллаб қувватлаш ҳамда уларни қизиқтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Л.У.Махмудов, З.К.Рахимов. Сервис соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. СамИСИ, Самарқанд, 2021 – 246 бет.

2. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
3. www.stat.uz
4. https://parliament.gov.uz/upload/iblock/904/afzjswmmsrzu%20occzalxohvndxdtx%20casc%20grlyoylgpkbd%20nddnpabxwpat-survvj%20xbbjaphlww.pdf
5. https://aniq.uz/yangiliklar/raqamli-iqtisodiyot-nima

Сифат менежменти тизимини ривожлантириш: Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш тенденциялари

Наврузжон Тухтамишович Махкамов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
таянч-докторанти
+998 99 599 01 23, navruznmt@list.ru,
n.makhkamov@dba.uz

Аннотация: Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси ва уни кенгайтириш масалалари мақолада таҳлил қилинган. Иқтисодиётни рақамлаштиришнинг сифат менежменти тизимларини ривожлантириш билан боғлиқлиги масалалари, рақамли технологияларни кенг қўллаш, соҳаларга жорий этиш ва интеграциялаш орқали корхона ва ташкилотларнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари ўрганилган.

Калит сўзлар: ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли иқтисодиёт, сифат менежменти, ривожланиш тенденциялари, рақамли технологиялар.

Дунёнинг глобаллашуви шароитида иқтисодиётни ривожлантиришда жаҳондаги тенденцияларга ривожланиш йўналишларини мослаштириш, жаҳон бозори талабларини инобатга олиш муҳим, албатта. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб туриш, жаҳон бозоридаги улушни ошириш, ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни янада такомиллаштириш учун иқтисодиётни рақамлаштиришни давр талаб қилмоқда. Шунингдек, сифат менежменти тизимларини ривожлантириш ҳам кўп жиҳатдан рақамлаштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунга келиб деярли барча соҳаларга рақамли технологиялар кириб келди ва ривожланмоқда. Буни қишлоқ хўжалигида кам харажат қилиб юқори ҳосилдорликка эришишда, сувни тежовчи технологияларда, коммунал соҳада энергия тежамкорлиги ва аниқ ҳамда ўз вақтидаги ҳисоб-китобларда, банк-молия соҳасида ортиқча операцияларсиз маблағларни осон, қулай ва тез

кўчириш имкониятларида, ишлаб чиқаришда бир қанча функцияларни бажариш қудратига эга бўлган роботлар ва автоматлаштирилган тизимларнинг жорий этилишида ва бошқа турли шаклларда кўришимиз мумкин. [5]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат Дастури тўғрисида”ги Фармони [1] Ўзбекистонда иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш истиқболларини белгилаб берди. “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси”нинг [2] 25-мақсадида “Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш” белгиланган.

Ахборотлашган иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. [3]

Рақамли иқтисодиёт АКТ хизматларининг кириб бориш даражаси юқори ва қатнашчилар сони кўп бўлган бозорларда энг самарали фаолият кўрсатади. [4]

Рақамлаштириш жараёнлари бевосита ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш билан боғлиқлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация-технологияларини жорий этиш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш тенденцияларини таҳлил қиламиз мумкин. Қуйидаги 1-жадвалда корхона ва ташкилотларда АКТ дан фойдаланишнинг асосий йўналишлари келтирилган.

1-жадвал. Ўзбекистонда АКТ ривожланиш кўрсаткичлари. [6]

	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда, кейинги йил 1-январь ҳолатига (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)	257758	268428	285531	323517	398133	475197	528929
Ахборот ва алоқа корхоналари сони, бирликда, кейинги йил 1-январь ҳолатига (жами корхоналар таркибидаги улуши)	6 370 (2,5%)	6 427 (2,4%)	6 403 (2,2%)	6 975 (2,2%)	7 901 (2%)	9 517 (2%)	10 587 (2%)
Шахсий компьютерларга эга корхона ва ташкилотларнинг улуши	44,2	50	50	55,2	57,7	57,0	46,3

Интернетга уланган корхона ва ташкилотлар улуши (йил охирига, фоизда)	21,6	25,9	27,2	27,5	26,2	21,1	17,5
Маҳаллий тармоққа эга бўлган корхона-ташкилотлар улуши (йил охирига, фоизда)	4,5	5,2	5,3	5,8	5,3	3,8	3,0
Шахсий компьютерларга эга корхона ва ташкилотлар улуши	44,2	50	50	55,2	57,7	57,0	46,3
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳасида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМ даги улуши (ЯҚҚ га нисбатан %да):							
Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат сектори	1,9	2,1	2,3	2,1	1,8	2,0	
Ахборот коммуникация технологиялари (АКТ) сектори	1,8	2,0	2,1	1,9	1,6	1,7	
АКТ ишлаб чиқариш	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	
АКТ савдоси	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0	
АКТ хизматлари	1,6	1,8	1,9	1,7	1,4	1,5	
Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари	0,1	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	
Электрон тижорат			0,0	0,0	0,1	0,1	
Дастурий таъминотга қилинган харажатларнинг ЯИМ даги улуши, фоизда							0.09

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Жадвалда Ўзбекистондаги корхона ва ташкилотларда ахборот-коммуникация технологиялари ривожланишининг турли тенденцияларини кузатишимиз мумкин. Жумладан:

- Ахборот ва алоқа корхоналари сони йиллар кесимида ошиб борганини кўрсакда (2017 йил бундан мустасно, 2016 йилга нисбатан 24 тага камайган), жами корхоналар таркибидаги улуши камайиш тенденциясига эга. 2019, 2020, 2021 йилларда эса ўзгаришсиз 2% ни ташкил этган;

- Шахсий компьютерларга эга корхона ва ташкилотларнинг улуши 2015-2019 йилларда ўсган бўлса, 2020, 2021 йилларда камайган;

- Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳасида яратилган ялпи қўшилган қийматнинг ЯИМ даги улуши (ЯҚҚ га нисбатан %да):

Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат секторида 2015-2017 йилларда ўсган, 2018, 2019 йилларда пасайган, 2020 йилда аввалги йилга

нисбатан ўсиш кузатилган бўлсада, бу 2016-2018 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан пастлигини кўрамиз.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) секторида 2015-2017 йилларда ўсиш, 2018, 2019 йилларда пасайиш, 2020 йилда аввалги йилга нисбатан юқори бўлсада, 2015-2018 йиллар кўрсаткичларига нисбатан паст.

АКТ ишлаб чиқариш йиллар кесимида ўзгармас 0,1% ни ташкил этган.

АКТ савдоси ҳам 2015-2019 йиллар давомида ўзгармас 0,1%, 2020 йилда эса 0.

АКТ хизматлари 2017 йилгача ўсиб борган, 2018, 2019 йилларда пасайган. 2020 йилда аввалги йилга нисбатан юқорироқ бўлсада, 2015-2018 йиллардаги кўрсаткичларга нисбатан паст.

Контент сектори ва оммавий ахборот воситалари 2015 йилда 0,1%, кейинги 5 йил давомида ўзгармас 0,2%.

Электрон тижорат аввалги йилларда 0 ни, 2019, 2020 йилларда 0,1% ни ташкил этганини кўрдик.

Дастурий таъминотга қилинган харажатларнинг ЯИМ даги улуши, 2020 йилда 0,09% ни ташкил этган.

Бундан ташқари 2018-2021 йиллардаги айрим параметрлар бўйича тенденциялар ўсишни эмас, балки оқсашни кўрсатмоқда.

Таклиф ва тавсиялар

Ушбу жадвалдаги маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларни келтиришимиз мумкин:

1. Ўзбекистонда АКТни ривожлантириш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Яъни, иқтисодиётни жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш суръатлари билан боғлиқ.

2. Корхона ва ташкилотларда сифат менежменти тизимларини жорий қилишни жадаллаштириш. Бу жараён ўз-ўзидан иқтисодиётни рақамлаштиришни ривожланишига ҳисса қўшиш билан бирга корхона-ташкилотларнинг экспорт салоҳиятини оширади, пировардида Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги ўрнига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017 — 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони, https://lex.uz/docs/4751561

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони, https://lex.uz/docs/5841063

3. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов. Ракамли иктисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет. 480-б.

4. Абдуллаев О.М., Фаттахов А.А., К.Ахмедов. Рақамли иқтисодиёт. Т.: “LESSON PRESS” нашриёти, 2020 йил - 686 бет, 7-б.

5. Н.Т.Махкамов, Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш сифатини оширишда рақамли технологияларнинг кенг қўлланилиши, Илмий тадқиқотлар саммити материаллари (I жилд), 2022 йил 22 февраль, 426 б.

6. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/raqamli-iqtisodiyot

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси
катта ўқитувчиси – З.К.Рахимов Тел:
+998906578948 r.zafar@list.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибасини қўллаш имкониятлари ҳақида назарий ва амалий жиҳатлари келтирилган. Маълумотлар муаллифнинг кузатувлари ва адабиётлар таҳлили асосида тузилди.

Калит сўзлар: Тажриба, хизмат кўрсатиш, сервис, рақобат, технологиялар, модернизация, тармоқ, соҳа, корхона, сифат.

Хозирги кунда хизматлар соҳасининг улуши ривожланган давлатлар ЯИМнинг 75 фоиз ва ривожланаётган мамлакатларнинг 50 фоизни ташкил этмоқда[51]. Ўзбекистон Республикасида ушбу кўрсаткич 2021 йилда 38,6 фоизни ташкил этмоқда[52].

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражасининг юқорилиги мамлакатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларнинг мавжудлигидан далолат беради. Ўз навбатида, инфратузилма объектларининг яхши ривожланганлиги мамлакатда инвестициялар ҳажмини оширишга, шу билан бирга аҳолига ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи турли хил корхоналарнинг кенг имкониятларидан далолат беради.

Республикамизда хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳага доир бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январда “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони[53], 2021 йил 11 майда “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон Қарори[54], 2022 йил 27 январда “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон Қарорлари[55] бунга мисол бўлади.

[51] World Bank – World Development Indicators, 2020. – https://databank.worldbank.org/
[52] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. – https://stat.uz/uz/
[53] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – https://lex.uz/docs/5841063
[54] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – https://lex.uz/ru/docs/5421233
[55] Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – https://lex.uz/ru/docs/5840284

Хизматлар соҳасини ривожлантиришга доир фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши ушбу соҳада кенг имкониятларни очиб беради. Аммо, шу билан бирга хизматлар соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини самарали ривожлантириш йўлларини мамлакатимизда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Республикамизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос табиати, иқлими билан ажралиб туради. Бундай жойлардан самарали фойдаланишда хизматлар соҳасини ривожлантириш имкониятлари янада ортади. Масалан: Италияда хизматлар соҳасини ривожлантиришда мамлакат ўз эътиборини кўпроқ қишлоқ жойларига қаратади. Уларда, Италиянинг манзарали ҳудудлари урф-одатлари билан ўзига ром этувчи турли хил жойларга туристик оқимларни кўпайтириш учун тадбиркорларга кенг имкониятларни очиб берган[56].

Нидерландия (Голландия)да қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни қуриш, шу бирлан бирга етказиб бериш, сақлаш хизматларини яхши ривожлантирилган[57]. Бундай ёндашув, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини ошириши, уларнинг арзонлашишига олиб келиши билан ажралиб туради.

Япония саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариши билан жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторида туради. Аммо, қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида қўл меҳнатига асосланган хизмат кўрсатиш, уй ҳайвонлари меҳнатидан фойдаланишга ҳаракат қилади[58].

АҚШ қишлоқ жойларида яшаб келаётган ва иқтисодий фаолият юритаётган аҳолини молиявий товондан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратади. Қишлоқ жойларда янги хизмат кўрсатиш корхонасини очиш учун турли имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратади[59].

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда хизматлар соҳасини янада ривожлантириш учун ҳудудлар имкониятидан фойдаланиш лозим. Республикамизнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудлардан хизматлар соҳасининг яхши ривожланганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий хизматларни ривожлантиришда самарали хорижий давлатлар тажрибалари қўлланилмаганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, мамлакат аҳолисининг ўсиб бориши билан бирламчи истеъмол товарларидан қишлоқ хўжалиги маҳулотларига талаб ортиб боради. Бундай маҳсулотларни сифатли ва арзон бўлишини таъминлаш мақсадида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини қўллаш мақсадга

[56] https://ru.wikipedia.org/wiki/Туризм_в_Италии
[57] https://isrs.uz/ru/maqolalar/opyt-niderlandov-v-sfere-razvitia-selskogo-hozajstva
[58] https://ru.wikipedia.org/wiki/Экономика_Японии

[59] https://www.usda.gov/media/press-releases/2018/03/23/secretary-perdue-applauds-broadband-investment-included-omnibus

мувофиқдир. Бундай тажрибаларни қўллашда давлат томонидан алоҳида дастурларни қабул қилиб, янги тадбиркорларни қизиқтириш йўли билан, уларнинг фаолиятини суғурталаш хизматлар соҳасини қишлоқ жойларда самарали ривожлантириш учун хизмат қилади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, қишлоқ жойларда автомобил қатнов йўлларини таъмирлаш, коммунал хизматларини ривожлантириш, янги туристик зоналарини барпо этиш, қишлоқ жойларида қурилган туристик зоналарига туристик пакетларни таклиф этиш орқали қишлоқ жойларда хизматлар соҳасининг ривожланишга эришиш имкониятлари кенгаяди.

Шу билан бир қаторда, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга доир фармон ва қарорларнинг қабул қилиниши билан бирга, қишлоқ жойларда интернет хизматларини яхшилаш, анъанавий бозорларни рақамлаштириш ишларини ҳам қўллаш мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

6. Л.У.Махмудов, З.К.Рахимов. Сервис соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. СамИСИ, Самарқанд, 2021 – 246 бет.
7. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. “Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари” Монография. Т: Иқтисодиёт-молия, 2011
8. www.stat.uz
9. https://ru.wikipedia.org
10. https://www.usda.gov/
11. https://isrs.uz/ru/
12. https://lex.uz/ru/
13. https://databank.worldbank.org/

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Жанзаков Б.К. – Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали, катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация. Ушбу тезисда туризм соҳасида рақамли технологияларнинг ривожланиш ҳолати ҳамда рақамлаштириш жараёнининг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: инновация, рақамли хизмат, туризм, тасниф, сунъий интеллект, рақалаштириш

Хизматлар соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи йилдан-йилга ўсиб бориши жаҳон иқтисодиётининг жадал тараққиётини белгилаб беради. Айниқса, бу кўрсаткич дунёнинг ривожланган давлатларида 60-77 фоиз[60]ни

[60] World Development Report, 2019, https://data.worldbank.org

ташкил этаётганлиги мазкур мамлакатларнинг қай даражада дунё меҳнат тақсимотида ўрингa эга эканлигини ифодалайди.

Рақамлаштириш тушунчаси илмий адабиётларда мавжуд рақамли технологиялар ёрдамида аналогли маълумотларни машина ўқий оладиган маълумотларга ўгириш жараёни сифатида тушунтирилади. Рақамли технологияларнинг ривожланиши иккинчи жаҳон урушининг тугаши билан 1945 йилда маълумотларни сақловчи ва қайта ишловчи машиналарнинг пайдо бўлиши билан бошланган[61]. 1950 йилларга бориб магнитли хотирани сақловчи ускунанинг яратилиши маълумотларни сақлаш харажатларини янада камайтирди. 1960 ва 1970 йилларда АҚШда дастлабки интернет тармоғи DARPA яратилди ва бу тармоқ орқали бир компютердан бошқа компютерга матнли хабар юбориш имконияти пайдо бўлди[62]. 1980 йилларда эса ушбу DARPA тармоғи орқали TCP(transmission control protocol) протоколи ёрдамида хориждаги компютерлар билан боғланиш мумкин бўлди. АҚШда рақамли технологияларнинг хусусийлашиши 1990 ва 1995 оралиғида юз берди ҳамда 2000 йилларга бориб дунёнинг деярли барча давлатларига интернет етиб борди[63].

Рақамлаштириш жараёни кичик туристик субъектларнинг ривожланиши учун катта имкониятларни яратмоқда. Масалан, ҳозирги кунда кичик туристик субъектлар янги туризм бозорларига кириб бориш, янги турдаги бизнес моделлар яратиш, бошқа корхоналар билан ҳамкорлик қилиш каби жараёнлар рақамли технологиялар сабабли қўллаш имкониятига эга бўлди. Айниқса 2020 йилда юз берган коронавирус пандемияси сабабли туризм соҳасида рақамли технологияларнинг қўлланилиши оммалашди[64]. Қуйидаги рақамли технологиялар туризмнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда:

Бу борада республикамиз Президентимиз Ш.Мирзиёев Парламентга қилган Мурожаатномаларида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишни таъкидлаб, шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030 дастури”ни[65] ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги, шунингдек

[61] Ceruzzi, P. E. (2003). A History of Modern Computing, Second edition. MIT Press.
[62] Hafner, K. and M. Lyon (1996). where wizards stay up late. Simon and Schuster Paperbacks.
[63] Greenstein, D. (2000). Building and delivering the virtual world: Commercializing services for internet access. The Journal of Industrial Economics 48, 391–411.
[64] Қ.Ж.Мирзаев, Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жанзаков. “Инновацион иқтисодиёт”: Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. 153-156 бетлар

[65] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш[66] имконини беришини қайд этган.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,2 % ташкил қилади. Шу билан бирга, жаҳоннинг етакчи ривожланган давлатларида ўртача оптимал кўрсаткич 7-8 % ташкил этгани ҳолда, жумладан Буюк Британияда -12,4%, Жанубий Кореяда — 8%, Хитойда — 6,9%, Ҳиндистонда — 5,6%, Россияда — 2,8%, Қозоғистонда — 3,9% ташкил этган (2020 йил январь ойи ҳолатига)[67].

1. **Мобил ва булутли технологиялар.** Туристлар учун саёҳатларни ташкил этишда, мобил тўловлар, онлайн бронлаш каби хизматлар мобил интернет орқали амалга ошмоқда. Туристик субъектлар учун булутли технологиялар бизнесни масофадан туриб бошқаришга ҳам имконият беради.
2. **Маълумотлар таҳлили.** Туристик субъектлар ҳозирда вебсайтлар, мессенджерлар ва бошқа рақамли платформалар орқали истеъмолчиларнинг хулқ атвори тўғрисида катта маълумотлар базасига эга бўлмоқда. Шу боис, туристик субъектлар ўзларига катта маълумотларни таҳлил қилишни биладиган мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда.
3. **Сунъий интеллект.** Туристик хизматларни автоматлаштиришда қўлланилмоқда. Бу технология инсон аралашувисиз хизмат кўрсатиш (масалан, колл марказ) имконият бермоқда.
4. **Буюмлар интернети(IoT).** Бу технология смарт туризмни ташкил этишда қўлланилмоқда, бунда сенсорлар битта тармоққа уланиб туристлар хулқ атвори, атроф муҳит ҳолати, ресурслардан самарали фойдаланиш ва шу кабиларни реал вақт режимида назорат қилиш имкониятини беради.
5. **Виртуал реаллик.** Виртуал реаллик реал объектларни 3D виртуал объектларга кўчириш орқали туристлар учун реал дунёни моделлаштириш имкониятини беради. Бунда туристлар ўз уйидан туриб, узоқ масофада жойлашган дестинацияга виртуал ташриф буюриш имконига эга бўлади.
6. **Блокчейн.** Бугунги кунда ривожланиб бораётган “ақлли” контрактлар, тўлов тизимлари ва бошқа фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари блокчейн технологияси орқали алмашинмоқда.

Жумладан, туризм соҳасида блок-чейн технологияси қуйидаги янги имкониятларни юзага келтиради. Хизматлар соҳасида қўлланилган блоклар занжири – блокчаларга бўлинган шундай маълумотлар базасини яратиш имкониятига эга бўлинадики, бунда ушбу маълумотларни ўзгартириш, сохталаштириш имконияти бўлмайди.

Шу билан бирга, хизматлар соҳасида крипто-активларда соҳага жалб қилинаётган крипто валюталарнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этадиган истиқболли лойиҳаларни қўлга киритиш (ёки активларни сотиб

[66] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2018 йил 29 декабрь.

[67] https://uza.uz/oz/society/i-tisodiyet-ra-amlashsa-demak-undan-oldin-talim-ushbu-zharaye-30-04-2020

олиш) ҳамда уларни капиталлаштиришда крипто-активларни тавсия қилган эгалари томонидан кафолатланган индентификацияланган асосий рақамли молиявий инструмент бўлиб хизмат қилади.

Хизматлар соҳасида смарт контрактлар соҳа тараққиётига хизмат қилувчи шундай электрон шаклдаги шартнома сифатида рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали самарали фаолиятни таъминловчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаришни кўзда тутади. Айниқса, хизматлар соҳасидаги рақамли технологияларни майнинг(дата) элементи асосида фаолиятини ташкил этиш турли крипто валюталарда хизмат кўрсатишда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва сервисда янги блоклар яратиш имконини беради.

Хизматлар соҳасида рақамли иқтисодиётнинг “сунъий ақл” усули соҳада замонавий робототехнологияни қўллаш имконини бериб, бундай технологиялар ёрдамида инсон иштирокисиз тинглаш, эшитиш, кўриш, хизмат кўрсатиш ва хотирада сақлаш каби функцияларни бажарадиган қурилмалардан фойдаланишга асосланилади.

Бизнинг фикримизча, туризм соҳасида меҳнат унумдорлигини ошириш жараёнларни автоматлаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим:

- Туризм хизматларининг хусусиятлари: инсонлар билан мулоқот даражаси, хизмат сифатининг мезонлари, ресурсларнинг сарфланиши кабилар;
- Туристик субъектлар ходимларининг малакалилик даражаси, рақамли технологиялардан фойдалана олиш даражаси;
- АКТ инфратузилмасининг ривожланганлиги, интернет тармоғи тезлиги, электр энергия ва бошқа энергия манбаларининг мавжудлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ceruzzi, P. E. (2003). A History of Modern Computing, Second edition. MIT Press.
2. Hafner, K. and M. Lyon (1996). where wizards stay up late. Simon and Schuster Paperbacks.
3. Greenstein, D. (2000). Building and delivering the virtual world: Commercializing services for internet access. The Journal of Industrial Economics 48, 391–411.
4. https://gs.statcounter.com/social-media-stats сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
5. B.Janzakov. The innovational development of tourism and other theoretical frameworks of competitiveness. International Journal of Advanced Science and Technology. Vol. 29. No. 5, 2020, pp. 1774-1780
6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, https://mitc.uz/ru/pages/information_technologies

7. Қ.Ж.Мирзаев, Э.Ш.Шавқиев, Б.К.Жанзаков. “Инновацион иқтисодиёт”: Ўқув қўлланма. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. 153-156 бетлар

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Фируза Фатуллоевна Нарзуллаева
Бухоро муҳандислик-технология институти
мустақил тадқиқотчиси
Мехмонова Нигина Фахритдиновна
Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар
Вазирлиги Бухоро академик лицейи инглиз
тили ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада жаҳон миқёсида, жумладан мамлакатимизда иқтисодиётни рақамлаштириш ва ушбу секторни ривожлантириш Муаммолари тўғрисида фикр юритилган бўлиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқишда АКТ ресурсларидан кенг фойдаланиш масалалари муҳокама қилинган.*

Калит сўзлар: *тараққиёт, рақамли иқтисодиёт, истеъмолчи, маҳсулот, иқтисодий ресурс.*

Республикамиз тараққиёти ва истиқболи, кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти миллий иқтисодиётимизга янги инновацияларни жорий қилишга бевосита боғлиқдир. Шу сабабли рақамли иқтисодиётни такомиллаштириш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Замонавий жамиятда иқтисодий қонуниятлар ўзгармаган ҳолда дунё мамлакатлари иқтисодиётнининг таркибий тузилмаси тубдан ўзгариб бормоқда. Иқтисодий ресурслар чегараларганлиги ва эҳтиёжларнинг доимий ошиб бориши қонунияти асосида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларни максимал даражада қондириш масаласи ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди. Замановий истеъмолчиниг маҳсулотга бўлган талаблари маҳсулот ҳақида тўлиқ маълумотга осон ва қулай эга бўлиш, дунёнинг ҳар нуқтасидан буюртма бера олиш, маҳсулот шаклини шахсий хохиш иродасига кўра ўзгартира олиш (индивидуаллаштириш), тезкор эга бўлиш ва бошқалардир. Бунга жавобан бизнес юритувчиларнинг иш фаолияти ва давлат томонидан уларга имконият яратиб беришда кеекин ўзгаришлар юзага келди. Натижада рақамли иқтисодиётнинг вужудга келиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида, жумладан мамлакатимизда ҳам иқтисодиётни рақамлаштириш ва ушбу секторни ривожлантириш масаласи давлат даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон шароитида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва имкониятларини, хусусан, ахборот технологияларининг иқтисодиётнинг турли соҳаларига кириб бориш даражаларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барқарорлигини таъминлаш, жаҳон тажрибасига суянган ҳолда миллий иқтисодиётни жадал суръатларда рақамлаштириш учун қуйидаги ишларни бажариш лозимлиги кўрсатиб ўтилган:

- рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш;
- миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини модернизациялашда имкон қадар энг сўнгги рақамли технологияларни жорий этиш;
- энг сўнгги рақамли технологияларга асосланган коммуникацион воситалар, машина ва ускуналарни сотиб олиш, ўрнатиш ва маҳаллий кадрларнинг уларда ишлаш малакаларини ошириш;
- мактабгача таълим тизимидан бошлаб, то олий таълимдан кейинги таълим тизимигача рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш.

Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши нафақат иқтисодиётда, балки жамиятда ҳам туб ўзгаришларга олиб келади. Ахборот харажатларини камайтириш орқали рақамли технологиялар давлат, компаниялар ва жисмоний шахслар учун иқтисодий ва ижтимоий битимлар қийматини сезиларли даражада пасайтиради, инновацияларни қўллаб-қувватлайди, улар бўйича битимлар деярли “ноль”га айланади, шунингдек, самарадорлик сезиларли даражада ошади: мавжуд фаолият ва хизматлар арзонроқ, тезроқ ёки янада қулайроқ бўлади. Ва ниҳоят, рақамли технологиялар интеграциялашувни таъминлайди: одамлар олдин уларга кириш имконига эга бўлмаган хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ва миллий рақобатбардошликни ошириш мураккаб вазифа бўлиб, унинг муваффақияти инсон капитали, иқтисодий институтлар ривожланиши, мавжуд бўлганларни мустаҳкамлаш ва янги рақобатбардош устунликларни яратиш билан белгиланади. Янги асрда барқарор иқтисодий ўсиш ривожланиш жараёнининг асоси сифатида билим ва ахборотдан фаол фойдаланишга йўналтирилган стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга боғлиқдир.

Ўзбекистон Рақамли иқтисодиётини ривожлантириш - рақобатбардошлик ва миллий тараққиёт, юқори технологик маҳсулотлар

ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш фаровонлиги учун рақамли технологияларни қўллаган ҳолда маҳаллий саноат секторлари орасида маҳсулотлар ва хизматлар соҳасининг саноат, ҳаёт, бизнес ва жамият ўртасида истеъмолчиларни рағбатлантириш, мотивация, талаб ва эхтиёжларини шакллантиришдан иборат.

Рақамли иқтисодиётга ўтишда мамлакат ичкарисида ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга қаратилган санаот йўналишини ташкил этиш, интелектуал салоҳиятни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқишда АКТ ресурсларидан кенг фойдаланиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш масалалари бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Умумий хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, рақамли технологияларга мунтазам равишда давлат ёндашуви мамлакатда демократияни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ошириш, иқтисодий ўсиш ва Ўзбекистон фуқароларининг турмуш сифатини яхшилаш учун муҳим омиллардан бири сифатида очиқ ахборот жамиятини ривожлантиришни сезиларли даражада рағбатлантиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт Стратегияси.

2. ЕВРАЗИЙСКАЯ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ КОМИССИЯ: Департамент промышленной политики. “Анализ мирового опыта развития промышленности и подходов к цифровой трансформации промышленности государств-членов Евразийского экономического союза”. Москва. —2017.

3. Кешелава А.В. (2017) Введение в «Цифровую» экономику/ А.В. Кешелава В.Г. Буданов, В.Ю. Румянцев и др.; под общ. ред. А.В. Кешелава; гл. «цифр.» коне. И.А. Зимненко. - ВНИИГеосистем, 2017. - 28 с

4. Куприяновский В.П., Намиот Д.Е., Синягов С.А ва бошқалар “Оптимизация использования ресурсов в цифровой экономике”. International Journal of Open Information Technologies ISSN илмий журнали. —2016.

БАНКЛАР КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ СИФАТИНИ БОШҚАРИШДАГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Гайбуллаев Рахим Муродович,
ТДИУ СФ профессори, и.ф.д.
(тел.: 99 0125078) G-mail:
rahimgaibullaev63@gmail.com

Кредит бериш ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар томонидан талабга эга бўлганлиги учун ҳам бу хизмат банклар томонидан кенг миқёсда олиб борилади. Ушбу банк хизматини кўрсатишдан банк олган фоизлар фойданинг катта қисмини ташкил қилади. Бироқ, тижорат банклари кредит операциясини амалга оширганда, улар юқори рискларга эга бўладилар. Шунинг учун, таъкидлаш жоизки, кредит портфелини ва кредит рискини бошқариш - банк фаолияти самарадорлигини белгиловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Кредит рискини бошқариш усулларидан бири бу кредит портфелини диверсификация қилишдир. Шундай экан, банк хизматлари истеъмол бозорида рақобатлашаётган тижорат банкларининг кредит сиёсатининг хусусиятларидан келиб чиқиб, банклар кредит портфели сифатини бошқаришга қаратилган мулоҳазалар бугунги кун учун долзарб аҳамиятга эгадир.

Шунга кўра, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини янада ошириш уларнинг кредит портфелининг қанчалик шаклланганлигига ҳам боғлиқ. Тижорат банкларининг кредит портфелини сифатини эса банк бошқарувида самарадорликка эришиб бориш белгилайди. Шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг кредит портфели тўғрисида иқтисодчи олимлар турлича фикр билдирадилар.

Портфел сўзига А.Б. Борисов "хўжалик, молиявий фаолият шакллари ва турлари, тегишли ҳужжатлар, маблағлар, буюртмалар, объектлар йиғиндиси" деб талқин беради[1]. Шу билан бирга, банклар томонидан берилган кредитлар жаъми ҳам портфел тушунчасига киради. Ўз навбатида, амалиётчилар кредит портфелини қарз олувчиларга берилган кредитларнинг, шу жумладан муаммоли кредитларнинг умумий тўплами сифатида ҳам тушунадилар[2]. Портфел сўзига ёндошув тўғрисида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлаш керакки, бу кредит ташкилотининг рентабеллиги, ликвидлиги ва тўлов қобилиятининг мақбул нисбатига эришишга интилиб, банк активлари ва мажбуриятларини сифатли бошқаришни англатади [3].

Кредит портфелини аниқлашда Ғарбий Европа иқтисодчи олимлари ёндошувлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига, шунингдек, кредит портфелини "даромадли активлар тўплами" деб тушунадиган Базел II келишувининг тавсияларига асосланади [4]. Ёки, америкалик иқтисодчи Д.М.Нотон кредит портфели - бу кредитларни туркумлашни ўз ичига олади деб таърифлайди [5].

И.В. Ларионова ўз изланишларида кредит портфели тузилишининг ягона мезонини, яъни кредит рискини кўриб чиққан бўлса, [6], О.И.Лаврушин, Н.И.Валенцев [7], М.З. Собиров [8] учта асосий мезонни ажратади: риск (кредит риски), рентабеллик ва ликвидлик.

Умуман олганда, риск, рентабеллик ва ликвидлик банк томонидан шакллантириладиган ҳар қандай активлар портфелининг муҳим белгиларидир. Шунинг учун уларнинг мазмуни унинг кредит портфели билан боғлиқ ҳолда аниқланиши керак.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, банкнинг "кредит портфели" атамасининг бир маъноли тушунчаси мавжуд эмас. Жисмоний ва юридик шахсларга кредитлар бериш орқали банк ўзининг кредит портфелини шакллантирар экан, бу портфелнинг таркиби унинг иштирокчилари учун ҳар хил эканлигига хулоса қилишимиз мумкин. Шундай экан, фикримизча, тижорат банкининг кредит портфели қарз олувчиларга (жисмоний ва юридик шахсларга) муддати, тўлови ва қайтарилиши шарти билан берилган кредитлар йиғиндисидир.

Шунга кўра, таърифлашимиз мумкинки, кредит портфели бир неча таркибий қисмлардан иборат бўлиб, нафақат ҳажми, балки тузилиши билан ҳам тавсифланиши лозим. Бу бераётган таърифларимизга уйғун равишда иқтисодий адабиётларда тижорат банкининг кредит портфели концепциясини талқин қилиш ва унинг моҳиятини очишда мулоҳаза ва мунозараларда ҳам ўз аксини топган. Айниқса, О.И. Лаврушин ва Н.И. Валенцева иккита жиҳатни (категорик ва амалий) ажратади, бунинг асосида, уларнинг фикрига кўра, кредит портфелининг моҳиятини ўрганиш керак [7]. Амалий жиҳат кўпинча турли муаллифлар томонидан қўлланилади. Ундан келиб чиқиб, банкнинг кредит портфелининг ҳажмига эмас, балки унинг сифат таркибига ҳам эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган.

А.М. Тавасиевнинг таърифига кўра, агар кредит портфели “фақат кредитлар рўйхати эмас, балки маълум бир мезон бўйича тузилган тўплам бўлса, у ҳолда кредит портфели берилган кредитлар сифати ва кредит фаолиятига кўра ўзига хос тавсифга эга бўлади” [9].

Бу ўринда "сифат" кредит портфелини шакллантириш мақсадларига амалда эришишнинг тахминий кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади ва бу Г.В. Меняйло фикрича, "кредитлаш бўйича банк талабларига жавоб берадиган кредитлар мажмуидир" [10]. Ва бу кредит портфелидир.

Шундай қилиб, "кредит портфели" тушунчасини кўриб чиқишда "кредит портфели сифати" тушунчаси асосий ўринда туради, аммо бу ҳам аниқроқ талқин қилинмаяпди. Шу жиҳатдан, кредит портфелининг сифатини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин: бу бир томондан, мулк сифатида кредит портфелининг муҳим белгиси бўлса, иккинчи томондан эса, уни ҳар томонлама ижобий тавсифлаш имконияти сифатида. Шу ўринда профессор О.И. Лаврушин томонидан кредит портфели сифатининг энг муваффақиятли таърифи таклиф қилинган деб ҳисоблашимиз мумкин. Яъни, кредит

портфелининг сифати таърифида у кредит рискининг мақбул даражаси ва баланс ликвидлиги билан максимал рентабеллик даражасини таъминлаш қобилиятига эга бўлишини тушунтиради. Ушбу таъриф кредит портфелининг асосий хусусиятлари сифатида кредит риски, ликвидлик ва рентабелликдир, деган тахминдан келиб чиқади, яъни кредит портфелининг сифатини баҳолаш мезонлари бўлиб кредит риски даражаси, рентабеллик ва кредит портфелининг ликвидлик даражаси ҳисобланади [11].

Ушбу таърифга кўра, кредит портфелининг сифатини бошқаришнинг асоси - бу сифатни доимий равишда баҳолаш ва таваккалчилик, ликвидлик ва рентабелликни бошқариш жараёнлари ягона тизим сифатида ишлайди. Бундай таъриф кредит портфелининг сифати фақат муаммоли активлар улушига қараб баҳоланиши кераклиги ҳақидаги стереотипик қарашни йўқ қилади, чунки кредит риски билан бир қаторда кредит портфелининг сифати ҳам ликвидлик ва рентабеллик даражалари билан баҳоланади. .

Кўриб турганингиздек, кредит портфелини бошқариш масаласида кредит портфели сифати тушунчаси биринчи ўринга чиқади. У ссуда қарзи таркибида индивидуал кредитларнинг улушини тавсифловчи мутлақ кўрсаткичлар (уларнинг турлари бўйича берилган кредитлар ҳажми ва муддати ўтган кредитлар ҳажми) ва нисбий кўрсаткичларни ўз ичига олган кўрсаткичлар тизими бўйича баҳоланади.

Кредит портфелининг сифатини баҳолаш жараёнида кредит ташкилотлари томонидан қўлланиладиган кўрсаткичлар асосан бозор муносабатлари билан белгиланади. Халқаро тажрибага мувофиқ, кредит портфелининг сифати махсус ишлаб чиқилган молиявий коэффициентлар тизими асосида баҳоланади. Одатда бундай кўрсаткичларнинг бешта гуруҳи қўлланилади:

• кредит портфели сифатининг умумий кўрсаткичи;
• банк кредит портфелининг рентабеллиги;
• кредит портфелини бошқариш сифати;
• таваккалчилик сиёсати;
• кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун банк заҳираларининг етарлилиги.

Шуни таъкидлаш зарурки, кредит портфелининг сифати - бу аллақачон берилган кредитлар асосида тузилган ҳақиқий баҳолашдир ва шунинг учун кредит портфелининг таркибини кредит сифати тоифалари бўйича билиш ва муаммоли, муддати ўтган ва шубҳали кредитларнинг ўртача фоизини аниқлашда банк ҳар бир тоифадаги кредитлар бўйича банк кредит операциялари бўйича йўқотишларни камайтиришга қаратилган рискларни бошқариш тизимини ўрнатади [3]. Ушбу ёндошишлар рискларни бошқариш ва кредит портфелининг сифатини баҳолаш ўртасидаги бевосита боғлиқликни кўрсатади.

Айрим муаллифларнинг фикрича, кредит портфелини бошқариш кредит рискини бошқариш тизимининг бир қисмидир. Бизнинг фикримизча, кредит

портфелини бошқариш тизими ва кредит рискини бошқариш тизими бир-бирига тенг равишда боғланган иккита тизимдир. Кредит портфелини бошқаришда банкнинг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит портфелини шакллантиришнинг асосий талаби - портфел мувозанатли бўлиши, яъни айрим кредитлар бўйича ортиб бораётган риск бошқа кредитларнинг ишончлилиги ва рентабеллиги билан қопланиши керак, бу кредит портфелини бошқариш ва кредит рискини бошқариш ўртасидаги асосий бўғиндир. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини яққол намоён бўлиши шундаки, жами кредит риски ҳажми кредит портфелини тизимлаштириш ва сифатини таҳлил қилишнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

Банклар ўз активлари ва кредит портфели сифатини ошириш, банк фаолиятидаги таваккалчиликларни, жумладан кредит таваккалчилигини бошқаришни такомиллаштириш борасида кредитлар бўйича таваккалчиликларни ўз вақтида аниқлаш, сифатли баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган замонавий ахборот технологияларига асосланган интеграциялашган риск менежмент тизимини қўллаш каби қатор илғор банк бошқаруви усулларини амалиётга кенгроқ жорий этишлари тақоза этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Борисов А.Б. Большой экономический словарь / А.Б. Борисов. - М.: Книжный Мир, 2007. - 860 с.

2. Бухтин М.А. Методы оценки показателей кредитного риска / М.А. Бухтин // Оперативное управление и стратегический менеджмент в коммерческом банке. - 2005. - №2. - С.70-91.

3. Илясов С.М., Гаджиев Л.Г. Кредит портфелининг сифати ва кредит рисклари // Банк иши. - 2008. - Но 3. - С. 80-85.

4. Credit Risk Modelling: Current Practices and Applications. Basel Committee on Bank Supervision, 1999. - P.10.

5. Диана Мак Нотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.- ИЭР МБРР.-Вашингтон Д.С., 2001.-с.75

6. Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. М., 2003.

7. Банковские риски: учеб. пособие / коллектив авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина и д-ра экон. наук, проф. Н.И. Валенцевой. М., 2007.

8. Сабиров М.З. Кредитный портфель коммерческого банка: дис. канд.экон. наук. М., 2002.

9. Банковское дело: управление и технологии: учеб. / под ред. проф. А.М. Тавасиева. М., 2005.

10. Меняйло Г.В. Сущность и классификация кредитного портфеля коммерческого банка // Вестник ВГУ. 2005. № 2.

11. Банк рисклари: дарслик /О.И. Лаврушина, Н.И. Валентсева - М .: КНОРУС, 2008. - 232 п.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Тўрабеков С.Ш.
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

Аннотация. *Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида туризм хизматлари соҳасининг бугунги ҳолати, уни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантириш йўналишлари ҳамда ундаги мавжуд муаммо ва камчиликлар атрофлича таҳлили қилинаган. Шунингдек, келгусида туризм соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш учун давлат ҳокимияти органлари олдида турган бир қатор соҳасидаги асосий устувор вазифалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар. *Туризм хизматлари, туризмдаги муаммолар, туризмни ривожлантиришда давлатнинг роли*

Бугунги рақамли иқтисодиёт шароитида республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истиқболдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, хусусан, туризм соҳасини ривожлантиришда жаҳонда юз бераётган коронавирус пандемияси оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олиш иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантириш ва уларни изчил амалга оширишни тақозо этмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламини муносиб иш ўринлари билан таъминлаш нафақат иқтисодий соҳадаги, балки кўп жиҳатдан ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "…Биз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади"[68].

Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасига миллий иқтисодиётнинг «ўсиш нуқталаридан» бири сифатида қаралаётган бўлсада, соҳада ташкилий-иқтисодий жиҳатдан жиддий камчиликлар мавжудлиги кузатилмоқда. Масалан, туризм тармоғини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асоснинг номукаммаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган

[68] Ш.М.Мирзиёев, Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ), Тошкент, Ўзбекистон, 2016, 15-16 бетлар

алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслиги, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги[69] каби ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларнинг ҳали ҳам мавжудлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, ўтказилган таҳлилларга давомида мамлакатда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари: транспорт, меҳмонхоналар бизнеси, умумий овқатланиш, савдо-сотиқ ва бошқа маиший соҳаларда ҳам иккиламчи талабнинг юзага келиши натижасида соҳалардаги камчиликларнинг яққол кўриниб қолаётганлиги аниқланди. Ушбу камчиликларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- Ўзбекистонга ташриф буюрган ёки ички туристларнинг кўпчилиги геолокация тизими яхши йўлга қўйилмаганини, мамлакатга мустақил ташриф буюрувчи сайёҳ ўзи истаган жойга боришда ва истаган нарсасини топишда қийинчиликларга дуч келишини айтишган. Кейинги муҳим эътирозлардан бири бу интернет сифати ўртача кўрсаткичдан пастлиги, меҳмонхоналар, ресторан, кафе, жамоат транспортларида Wi-Fi тизими жуда заиф ишлаши ёки умуман мавжуд эмаслигидир.
- Мамлакатда меҳмонхоналар ва транспорт нархи анча қиммат ва ҳудудларини бир-бири билан боғлашда муаммоли вазиятлар мавжуд. Мамлакат ҳудудларини бир бири билан боғлашда ҳам муаммоли вазиятлар мавжуд. Масалан, сайёҳ туристик мавсумнинг энг қайноқ пайтида Шаҳрисабздан Хивага йўл олмоқчи бўлса, уларни боғловчи тўғридан тўғри авиақатнов йўлга қўйилмаган[70].
- Мамлакатга ташриф буюрган туристлар фикрига кўра, Ўзбекистонга саёҳат қилишдаги энг катта ноқулайлик рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ. Мамлакатга кириш ва чиқиш учун, ҳатто меҳмонхонада жойлашиш ва тарк этиш жараёнида ҳам алоҳида бланка тўлдирилади. Шунингдек, Ўзбекистонда валютани хусусий айирбошлаш шохобчалари мавжуд эмас ва уни фақат банкларда ва ихтисослашган айирбошлаш хизматларида алмаштириш мумкин[71]. Устига устак, шанба якшанба кунлари аксарият банкларнинг фаолият юритмаслиги сабабли валютани айрбошлашнинг деярли имкони йўқ.

[69] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 05.01.2019 й. // www.lex.uz

[70] https://kun.uz/11780695?q=%2F11780695

[71] https://zamin.uz/jamiyat/85825-pandemijadan-kejingi-turizm-zbekiston-nimalarga-jetibor-aratishi-kerak.html

• Бутун дунёда хизмат секторида, хусусан, меҳмонхона тармоғида қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) мутлақо йўқ ёки жуда ҳам катта фарқ билан иқтисодиётда ўрнатилган умумий қўшимча қиймат солиғидан паст ставкада белгиланган. Масалан, туризм соҳаси яхши ривожланган Туркияда ҚҚС 18 фоиз қилиб белгиланган, аммо меҳмонхоналар учун 8 фоиз. Германия, Греция, Франция – ҳаммасида меҳмонхоналар учун ҚҚС камида 2 баробар паст[72]. Аммо Ўзбекистонда бу барча хўжалик юритувчи субъектлар учун бир хил 15 фоизлик ставка белгиланган. Бу ҳам ўз навбатида меҳмонхона хизматларининг нархига ўз таъсирини кўрсатади.

• Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар реклама учун энг арзон қулай восита бўлсада, туристларнинг фикрича, унда Ўзбекистон ҳақида тўлиқ маълумот олишнинг иложи йўқ. Мисол учун, дин ишлари бўйича қўмита маълумотларига кўра, ҳозирда Туркияда 30 миллиондан зиёд Нақшбандия тариқатига эътиқод қилувчи инсонлар истиқомат қилади. Аммо ўтказилган сўровномаларга кўра, уларнинг кўпчилиги шайх Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасининг Бухорода экани ҳақида маълумотга эга эмас[73].

• Ташриф буюрувчиларнинг фикрича, меҳмонхона номерларининг сифатини олдиндан билиш қийин, танлов жараёнида турли хил вариантларни бир бири билан солиштириш бироз мураккаб. Шунингдек, мамлакатда 3-4 категорияга мос келадиган сифатли жамоавий турар жой бинолари етишмайди.

Демак, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш, уни миллий иқтисодиётниг стратегик соҳасига айлантириш, туристик хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани, шу жумладан хорижий сармояларни жалб қилиш ва самарали реклама-маркетинг ишларини олиб бориш эвазига такомиллаштириш, шунингдек, туризмни ривожлантириш Концепцияда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда кўп жиҳатдан тармоқ иқтисодиётида давлатнинг фаол иштирокига эҳтиёж сезилади. Туризмни жадал суръатлар билан ривожлантириш давлатнинг бевосита ва фаол иштирокисиз, унинг пухта ўйланган тезкор чора-тадбирларисиз, юқори самара берувчи сиёсатисиз амалга ошмайди.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг мамлакатда туристик жозибадорлиги юқори бўлган ҳудудларни шакллантириш бўйича берган тавсияларига кўра минтақада туризм хизматлари соҳасини ривожлантриш ва уни муваффақиятли ташкил этишда ҳамда ижтимоий-сиёсий, ташқилик-иқтисодий институтлар олдида турган устувор вазифаларни ҳал қилишда давлатнинг фаол аралашуви зарур[74]. Тадқиқотчилар С.Г.Демченко ва

[72] https://kun.uz/news/2021/03/25/ozbekistonda-nega-mehmonxonalar-qimmat

[73] https://kun.uz/11780695?q=%2f11780695

[74] Боджгу А.Ю. Организационно-экономические аспекты формирования и развития этно-гастрономического туризма. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2015

И.С.Кабировларнинг фикрича, туризм хизматлари соҳасининг давлат томонидан етарлича қўллаб қувватланмаслиги келгуси йилларда туристик маҳсулотларнинг жаҳон ва ички туризм бозорларида рақобатбардошлигининг пасайиши, кирувчи ва ички туристлар оқимининг қисқаришига олиб келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида давлат буджетига салбий таъсир қилади, мамлакат тўлов балансининг ёмонлашишига, туризм ва унга алоқадор тармоқларда бандлик даражасининг пасайишига ва бошқа ижтимоий кескинлик кучайишига олиб келади[75].

Бизнингча, Ўзбекистонда ҳозирги вазият ва ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олсак, туризм соҳасида ижобий ўзгаришларга эришиш учун давлат ҳокимияти органлари олдида турган бир қатор соҳасидаги асосий устувор вазифалар мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

Мамлактада туризм хизматлари соҳасини ривожлантириш бўйича давлат ҳокимияти органлари олдидаги вазифалар[76]

Иқтисодий	Давлат-хусусий шериклик механизмларини ишлаб чиқиш ва унга қўшимча инвестицияларни жалб қилиш, туризмда импорт ўрнини босиш стратегиясини амалга ошириш, иқтисодиёт ва туризмда тўлов балансини оптималлаштириш, бизнес учун иқтисодий жозибадор шарт-шароитларни таъминлаш: туризм хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ, пул-кредит ва божхона имтиёзларини кўпайтириш, соҳадаги кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб қувватлаш
Ижтимоий-маданий	Минтақа аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, маҳаллий аҳолини сайёҳлик фаолиятига жалб қилиш, қўшимча иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш орқали ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, мамлакатнинг географик жойлашуви, экологик ва бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб туризмнинг камёб турларини ташкил қилиш ва уни ривожлантиришни қўллаб қувватлаш. Бунда туризмнинг айрим турларини ривожлантиришни қўллаб қувватлаш бўйича давлат сиёсатини шакллантириш, норматив-ҳуқуқий базага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
Экологик	Минтақанинг экологик муаммоларига эътибор қаратиш, минтақадаги муаммоларни экологик туризм ёрдамида ҳал қилиш, қайта тикланадиган ресурслардан фойдаланишга эътиборни кучайтириш;
Молиявий	Бюджет ва солиқ сиёсатини такомиллаштириш, туроператорларга субсидиялар ва солиқ имтиёзлари бериш, ички туризмдан олинадиган солиқ тушумининг ошиши, мултипликатор ҳисобига инвестициялар самарадорлигини ошириш, ички туризм соҳасига хусусий инвесторларни жалб қилиш;

[75] Демченко С.Г., Кабиров И.С.. Государственная поддержка сферы туризма. Известия Сочинского государственного университета. 2013. № 3 (26)

[76] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Қиёфавий	Ўзбекистонни туризм учун қулай ва хавфсиз давлат сифатида ташки қиёфасини (имидж) яратиш, бошқа ривожланган давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақа ҳақида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг доимий таҳлилини амалга ошириш, туризм хизматлари бўйича “Миллий рейтинг”, “Миллий сифат ёрлиғи” тизимини ишлаб чиқиш, минтақанинг иқтисодиёт ва туризм соҳасидаги рейтингларини кўтариш, хизмат кўрсатиш сифати ва хавфсизлигининг тегишли жаҳон стандарти даражасига эришиш, минтақадаги коррупция ва жиноятчилик ҳодисаларини камайтиш;
Маркетинг	Туристик хизматларга бўлган эҳтиёжни қондириш, туристик маҳсулотлар ва хизматлар учун маркетинг каналларини ташкил этиш, талаб ва таклифнинг оптимал мувозанатига эришиш, ҳудудларда туризм кўргазмалари ва ярмаркаларини ташқил қилиш, минтақавий сайёҳлик маҳсулотларини жойлаштириш ва тарғиб қилиш, туристларга хизмат кўрсатишнинг янги шакллари ва стандартларини ишлаб чиқиш

Юқоридагилардан умумий шундай хулоса қилиш мумкинки, замонавий туризм хизматлари бозорида туризм хизматларини муваффақиятли ривожлантириш учун ушбу йўналишни ривожлантиришга қаратилган аниқ ташкилий чора-тадбирлар ва иқтисодий рағбатлантириш чораларини излаб топиш зарур. Бизнингча, бундай чора-тадбирларни амалга ошириш фақат мамлакатда туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини яратиш орқали ижобий самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев, Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. (Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ), Тошкент, Ўзбекистон, 2016, 15-16 бетлар

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 05.01.2019 й. // www.lex.uz

3. Боджгу А.Ю. Организационно-экономические аспекты формирования и развития этно-гастрономического туризма. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 2015

4. Демченко С.Г., Кабиров И.С.. Государственная поддержка сферы туризма. Известия Сочинского государственного университета. 2013. № 3 (26)

ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Джульматова С.Р., доцент кафедры «Цифровая экономика»
СамИСИ,
dsveta2003@mail/ru
Журакулов Ш.Б. ассистент «Цифровая экономика» СамИСИ

В данной статье рассматриваются причины, объективная необходимость перехода к цифровой экономике. Отмечены факторы, которые оказывают влияние на формирование цифровой экономики. Рассмотрены основные этапы развития цифровой экономики, а также о роли повышения эффективности экономики.

Ключевые слова: цифровая экономика, факторы цифровой экономики, интернет, мобильная связь, производительность труда.

Dannoy state rassmatrivayutsya prichiny, objektivnaya nekhodimost transition to digital economy. Otmecheny faktori, kotorye okazyvayut influence and formation of digital economy.

2020 год, объявленный «Годом науки, просвещения и развития цифровой экономики» уместно считать началом периода в истории развития Узбекистана. Повышения уровня знаний не только молодежи, но и членов нашего общества в целом нужны прежде всего знания и высокая духовность, а где нет знаний, там будет быть отсталостью, невежеством и, конечно же, отклонением от правильного пути. Значимость этого понятия объясняется тем, что особый акцент делается на науку и просвещение.

Для того, чтобы быть в рядах развитых стран, нам необходимо пройти кратчайший путь прогресса через глубокое приобретение знаний в области передовых современных информационно-коммуникационных, интернет- и цифровых технологий. Для этого необходимо постоянно повышать грамотность всех слоев нашего общества в использовании инновационных технологий. Технологии цифровой экономики являются основными среди множества технологий, непосредственно влияющих на показатели деятельности науки и образования. Сейчас это сокращенно называют цифровой экономикой. Но сначала «Что такое цифровая экономика?», «Чем она отличается от экономики традиционной?», «В чем ее особенности и преимущества?» необходимо найти ответы на вопросы.

В 1995 году Николас Негропонте, специалист по информатике из Массачусетского университета, ввел термин «цифровая экономика».

В настоящее время политики, экономисты, журналисты и бизнесмены по всему миру используют этот термин в своей деятельности. В 2016 году Всемирный банк представил мировой общественности отчет о состоянии цифровой экономики в мире и выступил с речью «Цифровые дивиденды». Собственно говоря, основной фундамент «Цифровой экономики» заложил Аль-Хоразми, вписавший в математику цифру «0». На сегодняшний день в

научной литературе насчитывается более 10 интерпретаций термина «цифровая экономика», но он еще не зафиксирован в качестве единого термина в науке. Основные трактовки следующие: Цифровая экономика – это -

- виртуальная среда, дополняющая реальное существование;
- экономичное производство на основе цифровых технологий;
- экономика на основе интернет-технологий;
- новая экономика;
- веб-экономика;
- экономика, основанная на создании новых методов обработки, хранения и передачи информации и цифровых компьютерных технологий;
- не какая-то другая экономика, которую нужно создавать с нуля, это означает перевод существующей экономики на новую систему путем создания новых технологий, платформ и бизнес-моделей и внедрения их в повседневную жизнь.

Учитывая и синтезируя все вышеперечисленные термины, мы можем определить эту экономику следующим образом:

Цифровая экономика – это новая система, реализующая политико-экономические, научно-социальные, культурно-образовательные отношения с помощью цифровых технологий.

Основными чертами цифровой экономики являются высокий уровень автоматизации, наличие качественной реализации электронного документооборота, взаимная электронная интеграция систем учета, аудита и управления, электронных баз данных, различные корпоративные сети.

К его преимуществам можно отнести снижение затрат на различные платежи, расширение возможностей вывода их на мировой рынок, с большим количеством оперативной информации о товарах и услугах.

Поясним, чем цифровая экономика отличается от традиционной экономики. Например, клиенту нужен какой-либо товар или услуга. Если напрямую выбирать на рынке и приобретать за наличные, это традиционная экономика. Выбор товара по вашему выбору с электронной торговой площадки в Интернете или через торгового бота в Telegram, оплата владельцу товара через электронную платежную систему и получение услуги доставки товара называется цифровой экономикой. Наши ежемесячные платежи идут на пластиковые карты, оплачиваем коммунальные услуги, телефон, интернет и другие товары и услуги с помощью электронных платежей, сдаем налоговые декларации и отчеты в электронном виде, переводим деньги с карты на карту, заказываем еду на дом или в офис, и т.п. В последние годы разрыв между городскими и сельскими районами с точки зрения доступа к Интернету и его использования стирается. Мобильный интернет развивается все больше и больше

В качестве зарубежного опыта разработки площадок на базе цифровых технологий можно привести китайскую компанию «Алибаба», имеющую

электронную торговую систему. Практика его использования показывает, что в процессе сбора данных создаются исключительно конкурентные преимущества для экспансии в различные отрасли экономики. Alibaba — это не просто цифровая платформа, а современная система управления, состоящая из экосистемы платформ. Кроме того, в качестве примера можно привести цифровой портал «Амазон», который обслуживает книжную торговлю и библиотеки всего мира, поддерживает более 1000 видов дистанционного образования, общедоступные онлайн-курсы, более миллиона авторских курсов. Что дает развитие цифровой экономики в будущем?

Цифровая экономика является одним из основных показателей, повышающих уровень жизни людей в несколько раз и обеспечивающих национальную безопасность и независимость страны. Внедряя цифровые технологии в государственное и государственное управление, повышая эффективность, словом, кардинально улучшая жизнь людей, мы атакуем корни «черной скрытой экономики». Потому что числа запечатывают все, сохраняют в памяти, быстро предоставляют информацию, когда это необходимо. В таких условиях невозможно скрыть какую-либо информацию, совершить тайные сделки, не предоставить полную информацию о той или иной деятельности, компьютер все выявит. Обилие и систематичность информации не допускает лжи и мошеннических действий, ведь обмануть систему невозможно. В результате не будет возможности украсть средства, неэффективно и бесцельно потратить их, приумножить или спрятать. Это увеличит приток законных средств в экономику, своевременное и в полном объеме уплата налогов, распределение бюджетных средств будет открытым. «Цифровые технологии не только повышают качество товаров и услуг, но и снижают лишние затраты.

В каком состоянии сегодня цифровая экономика в нашей республике? Стоит отметить, что сегодня потребители активно используют цифровые технологии для заказа продуктов питания. Также активно развиваются различные интернет-магазины и электронные платежные системы. Предприниматели осуществляют электронные транзакции с помощью цифровых технологий. Но до сих пор пользователи совершают мелкие сделки, не требующие больших затрат, и не очень готовы увеличивать объемы покупок и продаж. Теперь речь пойдет о развитии средних и крупных экономических операций и финансовых операций посредством цифровых технологий. С точки зрения монетарной политики цифровая экономика имеет такие термины, как собственная валюта (криптовалюта, биткойн), карта хранения денег (блокчейн), методы расчета (майнинг), подробное обсуждение которых — отдельная тема. В своем обращении Президент подчеркнул вышеуказанные термины: «К сожалению, банковская система на 10-15 лет отстает от требований времени в части использования цифровых технологий, внедрения новых банковских продуктов и программного обеспечения. Необходимо коренным образом обновить программное обеспечение банков за

счет широкого применения информационных технологий. В результате полного внедрения цифровых технологий в экономику рост производительности труда на предприятиях на 40% положительно оценивается мировыми экспертами.

Дальнейшее развитие телекоммуникационной инфраструктуры, обеспечение населения качественной мобильной связью, широкополосным доступом в Интернет, внедрение современных информационных систем, программных продуктов и баз данных в сферах здравоохранения, социальной защиты населения, образования, жилищно-коммунального хозяйства, туризма , а также «Умный» и организация «Безопасных» городов и сел и районов, направление цифровой экономики на систему государственно-частного партнерства в процессе реализации инновационных проектов, поддержку производства современных программных продуктов, систему предоставление электронных государственных услуг населению и субъектам предпринимательства на основе принципов «Интеллектуального правительства». Поэтапная реализация мер по дальнейшему расширению является одной из главных и в то же время актуальных задач современности.

Одной из наших стратегических задач на будущее является увеличение к 2030 году доли цифровой экономики, основанной на информационных, коммуникационных и интернет-технологиях, до 10% (сейчас 2%) в валовом внутреннем продукте страны. Исходя из этого, решение задач, предусмотренных в разрабатываемой программе «Цифровой Узбекистан – 2030», должно быть реализовано в кратчайшие сроки.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.

РАЖАПОВ ХАЙРУЛЛА БЕКДУРДИЕВИЧ
Урганч Давлат университети, мустақил
тадқиқотчи,
Тел: +998997554544
e-mail:r_xayrulla@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга таъсири, шунингдек, пандемия даврида тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар, шароитлар, амалга оширилган ишлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: COVID-19 коронавирус пандемияси, инқироз, глобал офат, чора-тадбирлар, имтиёзлар, жарима санкциялар, қарздорлик, даромад, солиқ ставкалари, қарор ва фармонлар

2020 йилда Коронавирус пандемияси сабабли кўплаб мамлакатларда чуқур иқтисодий муаммолар бошлангани ҳаммамизга маълум.

Жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солиб, тобора барча мамлакатлар ҳудудига суқилиб кираётган, чегара билмас коронавирус инфекциясининг тарқалиши нафақат фуқаролар соғлиғига, балки давлатлар иқтисодига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва корхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам мазкур инқирознинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини камайтириш бўйича барча зарур чоралар кўрилаяпти.

COVID-19 коронавирус пандемияси натижасида юзага келган инқироз ҳамда унинг олдини олиш мақсадида киритилган чеклов чоралари сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарбаларга олиб келди.

Кўроқ зарар кўрган тармоқлардан хизматлар соҳаси (туризм, турар-жой хизматлари, транспорт, умумий овқатланиш ва б.) бўлиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши пасайишига олиб келди. Бунда, қишлоқ хўжалигига инқирознинг таъсири камроқ даражада бўлиб, унинг ЯИМ даги улуши ортди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши[9].

(Фоизда).



2021 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши 54,9 фоизни ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 5,6 фоиз, 2019 йилга нисбатан эса 1,1 фоизга камайган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Барчамиз яхши биламизки, бугунги кунда бутун инсоният коронавирус пандемияси деган глобал офатни

бошидан ўтказмоқда. Бундай улкан фалокат жаҳон миқёсида сўнгги юз йилда рўй бермаган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”-дея таъкидлаган эди.

Шунингдек, “Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳиссса қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт”, дея таъкидланди Мурожаатномада[1].

Таъкидлаш жоизки, жаҳон иқтисодиёти 1870 йилдан бери 14 та глобал таназзулни бошдан кечирди: 1876, 1885, 1893, 1908, 1914, 1917-1921, 1930-1932, 1938, 1945-1946, 1975, 1982, 1991, 2009 ва 2020. COVID-19 коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий турғунлик – 1945-1946 йиллардаги энг оғир ва 2007-2009 йиллардаги глобал молиявий инқироз билан турғунликдан икки баравар каттароқ баҳоланмоқда[2].

Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини сақлаб қолиш, саноат ишлаб чиқариши, иқтисодий қувватлар фаолияти бир маромда давом этиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, корхоналар фаолиятини тиклаб, тайёр маҳсулот экспортини кўпайтириш энг муҳим ва устувор масалага айланди. Шу боис Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш бўйича кенг кўламли чоралар кўрилди. Бу чоралар қуйидагилардан иборат:

1. **Ташкилий чора-тадбирлар.**
2. **Карантин тадбирлари даврида жарима санкцияларни қўлламаслик чоралари.**
3. **Тўлов муддатларни кечиктиришга доир чоралар.**
4. **Солиққа оид имтиёзлар.**
5. **Микрофирма ва кичик корхоналар учун қўшимча имтиёзлар тақдим этилди.**
6. **Ижара бўйича имтиёзлар ва лизинг компаниялари фаолияти учун қулайликлар.**
7. **Экспортни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари.**

Ташкилий чора-тадбирлар бўйича - солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан солиқ мажбуриятларини бажариши учун уларга масофадан хизмат кўрсатиш имконияти кенгайтирилди;

жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати (1 апрелдан 1 августга) узайтирилди;

2020 йил охирига қадар солиқ текширувларини ўтказишга мораторий эълон қилинди;

Банкротлик тартиб-таомилларини қўзғатиш ва молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарни банкрот деб эълон қилиш учун (1 октябргача) мораторий эълон қилинди.

Карантин тадбирлари даврида жарима санкцияларни қўлламаслик чоралари бўйича - вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб турилиши чораларини кўриш, ўз навбатида, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини (1 октябргача) кўрмаслик белгиланди.

Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга (1 октябрга қадар) жарима санкциялари қўллаш тўхтатилди.

Фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва нотурар иншоотларга нисбатан мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилиши, уларга пеня ҳисобланиши ва улар бўйича қарздорлик мажбурий ундирилиши тўхтатиб турилиши белгиланди. Ушбу чора деярли 21 минг корхонага нисбатан тадбиқ қилинди.

Карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтган кредитлари бўйича гаров таъминотига жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлланилмаслиги белгиланди.

Тўлов муддатларни кечиктириш бўйича - жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг 2020 йилнинг 6 ойида тўланиши лозим бўлган (*жами 4,7 трлн. сўм миқдоридаги*) кредитларнинг муддати узайтирилди.

Тижорат банклари томонидан (юридик ва жисмоний шахсларга) қарзлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ва муддати узайтирилган фоизлар ушбу даврдаги даромад солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилмаслиги белгиланди.

Ўз фаолиятини тўхтатган ва товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорларга (2020 йил 31 декабрга қадар) айланма солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (кейинчалик 12 ой давомида) ва ижтимоий солиқларни (кейинчалик 6 ой давомида) фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди.

Тадбиркорлик субъектларига мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этилди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати (15 апрелдан 15 октябрга) узайтирилди.

Солиққа оид имтиёзлар бўйича - Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммаси ва ижтимоий солиқ ҳисобланиши тўхтатилиши белгиланди.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларига:

- апрель-май ойлари учун мол-мулк солиғи ва ер солиғидан;

- мол-мулк солиғи ва ер солиғининг фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаларидан, 1 январдан бошлаб 15 майгача бўлган муддатда ер ва мол-мулк солиғи бўйича ҳисобланган пеня ва жарималардан воз кечилди.

Ушбу имтиёзлар эса қарийб 4 000 та корхона учун жами 230 млрд.сўм миқдоридаги маблағларни иқтисод қилинишига ва мазкур маблағлар айланма маблағ сифатида ишлатилишига имкон яратди.

Солиқ ставкалари ва йиғимлар миқдори (1 апрелдан 1 октябрга қадар муддатга) қисқартирилди:

- Якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси БҲМнинг 50 фоизига (*223,0 минг сўмдан 111,5 минг сўмга*) қадар камайтирилди;

- Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдори 5%дан 3%га пасайтирилди;

- Умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йиғимлар миқдори белгиланган миқдорлардан 25%га камайтирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ўрнатилган ставкалардан 50%га пасайтирилди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари, бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар (2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябрига қадар) мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинди. Бу қарийб 60 мингта корхонага 260 млрд.сўмни тежаб қолинишига ва мазкур маблағлар корхоналарнинг айланма маблағларини ортишига олиб келди.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун қўшимча имтиёзлар бўйича - Микрофирма ва кичик корхоналар учун товарларни (ишларни, хизматларни)ни олиб киришда (импортда) қўшилган қиймат солиғини тўлашни 120 кунгача кечиктириш ҳуқуқи берилди.

Шу йилнинг 1 майидан 1 июлигача бўлган даврда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилди.

Мазкур тақдим этилган имтиёз республика бўйича барча микрофирмалар ва кичик корхоналарга 550 млрд.сўмлик маблағларни айланма маблағ сифатида эркин ишлатиш имконини яратди.

Микрофирма ва кичик корхоналарнинг айланма маблағлари камайишининг олдини олиш мақсадида, 2020 йил 15 май ҳолатига солиқ қарзлари ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун пеня ва ҳисобланган жарималар бўйича қарздорликларини ундириш 1 сентябргача тўхтатилди.

Давлат солиқ хизмати органлари 15 май ҳолатига микрофирма ва кичик корхоналарнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ўтказиш ва ечиб олиш бўйича тўлов топшириқномаларини қайтариб олиши белгиланди.

Ижара бўйича имтиёзлар ва лизинг компаниялари фаолияти учун қулайликлар бўйича – Ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлар томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилди.

Ижарага берувчиларнинг солиқ юкини камайтириш орқали ижара тўловларини қисқартириш ёки муддатини узайтириш имконияти яратилди.

Коронавирус пандемияси даврида фаолияти тўхтаган тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни ижарага беришдан олинган жисмоний шахслардан олинадиган даромадлар бўйича солиқни фоизсиз (6 ойгача) кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилди.

Лизинг компаниялари томонидан ҳисобланган ва кечиктирилган лизинг бўйича фоиз даромадлари суммаси фойда солиғидан озод этилди.

Экспортни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари бўйича - Импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини тезкор тартибда, жумладан, рухсат берувчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келгунга қадар бериш орқали божхона расмийлаштируви механизми жорий этилди.

Ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясига экспорт қилувчиларнинг транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан субсидиялар тақдим этиш ҳақида мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилди[3].

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси Президентининг коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик суъектларини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилинган қарор ва фармонлари мақсади ва мазмун-моҳияти очиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик суъектларини ҳимоя қилиш юзасидан чиқарилган қарор ва фармонлар таҳлили[10].

№	Қабул қилинган қарор ва фармонлар	Қарор ва фармонларнинг мақсади, қисқача мазмуни.
1.	Ўзбекистон	Фармон коронавирус инфекцияси тарқалишига

	Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли фармони.	қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида қабул қилинган бўлиб, пандемиянинг мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирини юмшатишга қаратилган навбатдаги имтиёзлар, преференциялар ва бошқа муҳим чора-тадбирларни назарда тутади. Ушбу Фармон билан 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябргача бўлган даврда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилди.
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони	Ушбу фармон коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган. Фармон билан карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилди, бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органлари хабардор қилиниши ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани топшириш талаб этилмаслиги белгиланди.
3.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида	Фармон коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида асосий даромад манбаларини йўқотган шахсларни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

	аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5986-сонли Фармони	Ушбу фармон билан пандемия фаолиятига салбий таъсир қилган микрофирма, кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорларга 2020 йил 1 октябргача айрим солиқларни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди. Фоизсиз кечиктиришни (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этиш муддати 2020 йил 31 декабргача узайтирилди.
4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4691-сонли қарори	Ушбу қарор соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ва имкониятларини ошириш, шунингдек, бюджетни, қишлоқ хўжалиги, коммунал ва энергетика соҳаларидаги корхоналарни қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинди. Қарор билан Коронавирус глобал пандемиясининг салбий оқибатларига қарши курашиш чора-тадбирлари учун грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди. Қарорнинг 2-иловасига мувофиқ Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш доирасида грантлар ва узоқ муддатли имтиёзли молиялаштиришни жалб қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби тасдиқланди. Қуйида Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг энг муҳим вазифаларидан айримлари келтирилган: ХМИ иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ тезкор қарорлар қабул қилиш; ХМИ маблағлари ҳисобидан товарлар ва хизматлар, биринчи навбатда, тиббий ускуналар ва тиббий буюмлар харид қилишнинг жадаллаштирилган механизмларини амалиётга жорий этиш; жалб қилинган ХМИ маблағларининг тегишли вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига ажратилишини тезлаштириш;

5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996 сонли Фармони.	Ушбу фармон мамлакатимизда иқдисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш суръатларини тиклаш, аҳоли бандлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Фармон билан кичик тадбиркорлик субъектлари, бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар 2020 йилнинг 1 июнидан 1 сентябригача бўлган даврда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилинди.

Коронавирус пандемияси даврида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли муаммолар билан ишлаш, ишсизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар аҳолини ўзини-ўзи банд қилиш орқали доимий даромад манбаига эга бўлиши, ҳар бир оила ўзининг иқтисодий жиҳатдан тиклаши учун кенг имкониятларни яратиб бермоқда.

Коронавирус пандемияси натижасида юзага келган салбий оқибатларни бартараф этишда асосий эътибор макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, йирик саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чораларга қаратилмоқда.

Ўз навбатида, коронавирус пандемиясининг мамлакатдаги иқтисодий-ижтимоий вазиятга салбий таъсирини юмшатиш борасида қабул қилинган инқирозга қарши чоралар тўпламининг амалга оширилиши мамлакатда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида фаолиятнинг барқарорлигини сақлаб қолиш имкониятини берди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, қабул қилинган қарор ва фармонлар тадбиркорларни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмайди, яратганнинг ўзи халқимизни ва бутун инсониятни бу офатдан тезроқ озод қилсин, барчамизни ўз паноҳида асрасин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон ҳалқига Мурожаатномасида иқтисодий ислоҳатларни изчил давом эттириш асосида 2021 йилда стратегик мақсадларга эришиш юзасидан амалга ошириладиган устувор йўналишларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш бўйича илмий-оммабоп рисола. –Т.: «Маънавият», 2021. – 145-бет.

2. https://blogs.worldbank.org/opendata/understanding-depth-2020-global-recession-5-charts

3. https://strategy.uz/index.php?news=1013

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли фармони. https://lex.uz/docs/4770761

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. https://lex.uz/docs/4780475

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5986-сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4800005

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4691- сонли қарори. https://lex.uz/docs/4797083

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996 сонли Фармони. https://lex.uz/docs/4815474

9. https://stat.uz/uz/. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.

10. Муаллиф ишланмаси.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yoshlar bandligini ta’minlashda xorij tajribasini qo’llashning mamlakat imkoniyatlari

SamISI “Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi v/b dotsenti PhD
G’.S.Mustafoyev
gmustafoyev@gmail.com

Annotatsiya: Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida aholi bandligining o’rni muhi ahamiyat kasb etadi. Ushbu ilmiy maqolada aynan raqamli iqtisodiyot sharoitida yoshlar bandligi va aholi bandligining muhim jihatlari yoritilgan.

Kalit so’zlar: Raqamli iqtisodiyot, yoshlar bandligi, xususiy mulk, milliy iqtisodiyot, aholi bandligi, elektron platforma, kambag’allik.

O’zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining 2022-2026 yillarga mo’ljallangan taraqqiyot strategiyasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, yoshlar uchun yangi ish o’rinlarini yaratish, Milliy iqtisodiyotni isloh qilish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta’minlash bo‘yicha ta’sirchan choralar ko‘rildi. Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag‘allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o‘rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta’lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta’minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarildi. So‘nggi besh yillik islohotlarning natijasida mamlakatimizda Yangi O‘zbekistonni barpo etishning zarur siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-ma’rifiy asoslari yaratildi.

Jahon miqyosidagi murakkab jarayonlarni va mamlakatimiz bosib o‘tgan taraqqiyot natijalarini chuqur tahlil qilgan holda keyingi yillarda “Inson qadri uchun” tamoyili asosida xalqimizning farovonligini yanada oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini so‘zsiz ta’minlash hamda faol fuqarolik jamiyatini shakllantirishga qaratilgan islohotlarning ustuvor yo‘nalishlari belgilandi[77].

Dunyoda 15 dan 24 yoshgacha bo'lgan 1,2 milliard yoshlar bor, bu dunyo aholisining 17 foizini tashkil qiladi[78]. Ularning 87% rivojlanayotgan mamlakatlarda yashaydi. Birlashgan Millatlar Tashkiloti tomonidan belgilangan yosh oralig‘i 24 yoshgacha bo‘lgan majburiy maktab ta’limi tugaydigan davrni ko‘rib chiqadi[79]. Bu ta’rif munozarali bo‘lib qolmoqda, chunki u nafaqat ishsizlik statistikasiga ta’sir qiladi, balki maqsadli ish bilan ta’minlashda ham muhim rol o‘ynaydi. Dunyodagi

[77] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son

78 *"UN World Youth Report 2012. The UN Focal Point for Youth, 2012"*. Archived from *the original* on 13 December 2014. *Retrieved 17 December 2014*.

[79] Martin, Gary (July 2009). "A portrait of the youth labor market in 13 countries, 1980-2007". *Monthly Labor Review*: 3–21.

siyosatchilar tomonidan ishlab chiqilgan echimlar sifatida bugun ikkita asosiy bahs davom etmoqda. Birinchidan, yoshlarning yosh doirasini aniqlash ko'rinadigan darajada aniq emas. Ushbu munozarada ikkita nazariy nuqtai nazar ustunlik qildi. Yoshlik o'smirlik va balog'at yoshi o'rtasidagi hayot bosqichi[80] yoki o'ziga xos sub-madaniyatga ega bo'lgan ijtimoiy jihatdan qurilgan guruh sifatida ko'rilishi mumkin, bu esa mamlakatlar o'rtasida taqqoslanadigan yosh oralig'ini belgilashni qiyinlashtiradi. Ikkinchidan, ishsizlik ta'rifining o'zi ishsiz qolgan bir qancha yoshlarni hisobga olmaslik ehtimoliga olib keladi. Ishga ega bo'lmagan va faol ish qidirmayotganlar - ko'pincha ayollar - faol emas deb hisoblanadilar va shuning uchun ishsizlik statistikasiga kiritilmaydi. Ularning kiritilishi ishsizlik darajasini sezilarli darajada oshiradi[81].

Rivojlangan mamlakatlarda yoshlar bandligini ta'minlashda raqamli iqtisodiyotga to'liq murojaat etmoqda. Sababi, elektron platformalarga qilinayotgan murojaatlar shaxslarning ortiqcha vaqtini tejashga, elektron hujjat aylanish tizimini yanada tezlashtirmoqda (1-rasm).



1-rasm. Xorijiy mamlakatlarda bandlikni ta'minlashga qaratilgan elektron platforma[82].

O'zbekiston Respublikasida ham xorij tajribasidan unumli foydalanishga xarakat qildik mamlakatimizda 2015 yil 9-dekabrda qabul qilingan "Elektron hukumat" to'grisidagi 395-sonli Qonuni bunga yaqqol misol bo'la oladi. Raqamli iqtisodiyotga bog'lagan holda turli platformalarni shakllantirdik hususan yurtimizda yoshlar bandligini ta'minlashda www.argos.uz, www.ish.uz platformalarining

[80] Gough, Katherine V.; Thilde Langevang; George Owusu (2013). "Youth employment in a globalising world". *International Development Planning Review*. **35** (2): 91. doi:10.3828/idpr.2013.7.
[81] Youth and Skills: Putting Education to Work, UNESCO, 2021
[82] https://www.digitaljobsalbania.com/

ishga tushurilishi bandlikni ta’minlashda elektron muhim vosita bo’lib xizmat qilmoqda.



2-rasm. www.argos.uz saytining qisqacha elektron ko’rinishi[83]

Argos.uz sayti davlat xizmatchilarining respublika miqyosidagi vakant ish joylari to’g’risida to’liq ma’lumotlarni berib boradi. Mavjud ish o’rinlari bo’yicha ishlashni xohloychilar o’zlari to’g’risidagi elektron ma’lumotlarini yuborish orqali raqobatga kirishadilar.

Xulosa qilib aytganda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda mamlakatimizda o’ziga hos ishlar amalga oshirilmoqda. Kelajakda mamlakatimiz raqamli iqtisodiyot sohasidagi raqamli platformalarning ta’siri natijasida yangi sohalarning paydo bo’lishiga olib keladi. Aynan aholi bandligida ushbu vositalardan foydalanish yanada ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son
2. *"UN World Youth Report 2012. The UN Focal Point for Youth, 2012"*. Archived from *the original* on 13 December 2014. *Retrieved 17 December 2014*.
3. Martin, Gary (July 2009). "A portrait of the youth labor market in 13 countries, 1980-2007". *Monthly Labor Review*: 3–21.
4. Gough, Katherine V.; Thilde Langevang; George Owusu (2013). "Youth employment in a globalising world". *International Development Planning Review*. **35** (2): 91. doi:10.3828/idpr.2013.7.
5. Youth and Skills: Putting Education to Work, UNESCO, 2021
6. https://www.digitaljobsalbania.com/
7. https://vacancy.argos.uz/

[83] https://vacancy.argos.uz/

ҲИСОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ЁҒ-МОЙ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ

Боронов Бобур Фарходович –
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
интитути докторанти, и.ф.ф.д (PhD),
тел: +998902709854.

Аннотация. Мақолада ёғ-мой саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишда ҳисоб сиёсатининг аҳамияти, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уни тузишдаги долзарб масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: ёғ-мой саноати, ёғ-мой маҳсулотлари, ҳисоб сиёсати, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий ҳисобот.

Бугунги кунда, Республикамиз иқтисодиётида улкан ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, мамлакатимиз Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони[84] қабул қилинди. Ушбу Фармон бўйича амалга ошириш зарур бўлган Давлат дастурида озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш каби устувор йўналиш, мақсад ва вазифалар белгилаб олинган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда белгиланган вазифалардан кўриниб турибдики, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш республика иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ёғ-мой маҳсулотлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосий ҳиссани ташкил этади.

Бугунги кунда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой саноати корхоналарининг фаолияти етарли даражада ривожланган бўлиб, аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарига етарли шар-шароитлар ва қулай имкониятлар очиб берилган. Шундай бўлсада, ушбу тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, маҳсулот таннархини аниқлаш, уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, корхоналарда ушбу тартиб-қоидалар ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бугунги кунда, ёғ-мой саноати корхоналарида ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, бевосита ва билвосита харажатларни маҳсулот таннархига тўғри олиб бориш, уларни ҳисоб ва молиявий ҳисобот шаклларида шаффоф акс эттириш бўйича услубий тартиблар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда, ёғ-мой саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳисоб сиёсати муҳим

[84] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2022 йил 28 январь. ПФ-60.

аҳамиятга эга. Шу боис, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилган ва амалда фойдаланиб келинаётган ҳисоб сиёсати ҳамда унда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш бўйича келтирилган масалаларини кўриб чиқишни тақозо этди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида "Ҳисоб сиёсати" атамасига қуйидагича таъриф берилган: "Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир"[85]. Халқаро стандартда берилган ушбу таърифдан кўриш мумкинки, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган ушбу ҳужжатдан асосий мақсад бу, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва уларни тақдим этишга кўмаклашиш бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан профессор К.Б.Уразов ва М.Э.Пўлатовлар[86] томонидан ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: "Ҳисоб сиёсати – корхона раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қабул қилинган тамойиллар ва тартиблар мажмуаси". Олимлар томонидан берилган ушбу таърифда ҳисоб сиёсатининг корхонанинг бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича вазифаси ҳисобга олинган бўлсада, бироқ ҳисоб сиёсатининг хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича вазифаси ҳисобга олинмаган.

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан кўриш мумкинки, бугунги кунда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳисоб сиёсатини уларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришнинг зарурияти мавжуд. Шу боис, ёғ-мой саноати корхоналари учун ёғ-мой маҳсулотлари ҳисобини юритиш бўйича, халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган "Ёғ-мой саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Ҳисоб сиёсати" ишлаб чиқишни лозим, деб топдик. Тадқиқот давомида, ушбу ҳисоб сиёсатини қуйидаги қисмларга ажратган ҳолда, ахборотларнинг ёритилишини тавсия этдик:

I-блок. Умумий тавсифи.

1-қисм. Ёғ-мой саноати корхонасининг қайси ишлаб чиқариш тармоғига киришини белгилаб олиш;

2-қисм. Корхонада ишлаб чиқариладиган ёғ-мой маҳсулотларининг турларини аниқлаш;

3-қисм. Ишлаб чиқариш технологиясининг қайси хом ашё турларини қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланганлигини кўрсатиш.

II-блок. Ишлаб чиқариш тузилмаси.

---

[85] 8-сон МҲХС (IFRS) "Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар".

[86] Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: "Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi" - 2021, 560 бет.

1-қисм. Ишлаб чиқариш бўлимлари ва уларда яратиладиган ёғ-мой маҳсулотларининг турлари;

2-қисм. Корхонанинг ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлимларининг таркибини аниқлаш;

3-қисм. Умумишлаб чиқариш бўлимларининг таркибини аниқлаш.

III-блок. Ишлаб чиқариш жараёнларини баҳолаш.

1-қисм. Товар-моддий заҳираларини баҳолаш усуллари;

2-қисм. Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш усуллари.

IV-блок. Молиявий ҳисоботида ёритиладиган ахборотлар.

1-қисм. Корхона томонидан юборилиши лозим бўлган молиявий ҳисобот шакллари;

2-қисм. Ёғ-мой саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, молиявий ҳисоботнинг таклиф этилган янги шакллари.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган “Ёғ-мой саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича Ҳисоб сиёсати” бир қанча хусусиятларга эга. Жумладан, “Ҳисоб сиёсати” мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалда фойдаланилаётган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Бизнинг фикримизча, ҳисоб сиёсатини биз томонимиздан таклиф этилган ва юқорида келтирилган тўртта бўлимга ажратилган ҳолда ишлаб чиқиш бошқарув ва молиявий ахборот фойдаланувчиларга ёғ-мой маҳсулотлари ҳисоби бўйича тўлиқроқ ахборот беришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 2022 йил 28 январь. ПФ-60.

2. 8-сон МҲХС (IFRS) “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”.

3. Уразов К.Б., Пўлатов М.Э. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi” -2021, 560 бет.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Тўраев Абдувоҳид Қўлдошевич
СамИСИ, “Рақамли иқтисодиёт”
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада бандликни таъминлашга таъсир қилувчи омилларнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан фикр мулоҳазалар келтирилган. Бундан ташқари бандликни таъминлашга таъсир қилувчи омилларнинг таҳлили амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бандлик, омиллар таъсири, меҳнат аҳли, меҳнат лаёқати.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб бормоқда. Зеро, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳаётини яхшилаш тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишни таъминлаш борасида изчил давлат сиёсати амалга ошириб келинмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва меҳнат бозорини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсири катта, чунки кичик тадбиркорлик янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини, бозорни турли-туман товар ва хизматлар билан тўлдириб келмоқда.

Бундан ташқари, кичик корхоналар бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни дарров илғаб, инвестицион жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиб, янги технологиялар базасида иш ўринлари ташкил этиб, ишчи кучининг сифат ва малака даражасига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятлар томонидан барча ҳудудларда, айниқса, олис ва бориш қийин ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманларда банк хизмати турларини кенгроқ тарғиб қилиш, шунингдек ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳа ташаббускорларига яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларга мувофиқ яратилган имтиёзлар, соҳа

субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари юзасидан жойларда манфаатдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Мамлакатда иш билан бандлик таркибини ўзгартириш зарурати пайдо бўлса, иқтисодиётнинг ҳам таркибини ўзгартириш зарур бўлади, ёки акси – иқтисодиётнинг тармоқ ёки ҳар қандай бошқа тузилишининг ўзгариши мос равишда ишчи кучининг ҳам таркибий жиҳатдан ўзгаришига олиб келади.

Аҳолининг ҳудудий таркиби эса, маълум маънода иқтисодиёт таркибини белгилаши мумкин. Айниқса, аҳоли зич жойлашган ҳудудлар меҳнат сиғими катта бўлган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун жуда қулай келади.

Юқорида билдирилган фикрлар иш билан банд аҳоли таркибини ўрганишнинг услубий жиҳатлари бўйича муҳим хулоса чиқаришга имконият беради. Яъни, аҳолининг иш билан бандлик таркибини ўрганиш методологик ва амалий жиҳатдан давлат аҳамиятига эга бўлган жуда муҳим масаладир, чунки иш билан бандлик таркиби давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятидан дарак беради ва бутун дунё бозор муносабатларида тутган ўрнини кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, ишчи кучи ҳолатини яхшилаш учун статистик услубиётнинг барча механизмларидан фойдаланиш лозимлигини кўрсатади.

Иш билан аҳоли таркибини яхшилашнинг ҳар қандай мақсад ва вазифасини ҳал қилиш олдин унга таъсир этувчи устувор омилларнинг таъсир даражасидан фойдалана билишни тақозо қилади.

Биринчидан, меҳнат ресурслари меҳнатга қобилиятли аҳоли ва иш билан банд аҳоли такрор ишлаб чиқаришнинг асосий манбаидир. Бу эса, меҳнат ресурслари ўсиш суръатларининг ҳудуд учун муҳим бўлган меъёрлардан камайиб кетмаслигини назорат қилиш ва тартибга солиш объектив лозимлигини билдиради.

Агар ҳудудда меҳнат ресурсларининг бетўхтов юқори суръатларда ўсиши давом этаётган бўлса, ҳисобот даврида бундай ўсишнинг қандай омиллар ҳисобига рўй бераётганини аниқлаш муҳим. Чунки, сабаблар маълум бўлгандагина, иш билан таъминлаш тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ҳудудда меҳнат ресурслари ўсишининг асосий сабаби демографик омиллар билан боғлиқ бўлса – у ҳолда иш жойлари ташкил қилиш, ҳудуднинг олдиндан белгиланган ривожланиш дастурлари асосида анъанавий тадбирлар орқали амалга оширилиши мумкин. Бироқ, меҳнат ресурслари ўсишининг асосий омили миграция ҳисобига бўлаётган бўлса, у ҳолда кўчиб келган аҳоли ва ҳудуд манфаатларини биргаликда мослаштириш тадбирлари кўзда тутилади.

Шу билан бирга, миграция туфайли ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг сифат таркиби мувозанатга келиб мослашиши мумкинлигини ҳам назарда тутиш лозим. Бу эса, ҳудуд бюджети учун сезиларли ижобий натижа келтириши мумкин. Таҳлилнинг аҳамияти ҳам шундаки, миграция ҳудуд учун фойда келтиряптими ёки бу омилдан фойдаланмасдан келиняптими?

Меҳнатга қобилиятли аҳолиси камайиб кетаётган ҳудудда эса, заруратга қараб, меҳнат ресурсларини кўпайтириш ёки бошқа ҳудудлар балансларини билан мувофиқлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг иш билан бандлик тўғрисидаги қонунида таъкидлаб ўтилган фуқароларнинг тўлиқ самарали ва эркин тарзда касб танлаш ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашиш тамойилини турмуш даражасини таъминлаган ҳолда, давлат миқёсида иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг иш жойига бўлган эҳтиёжини қондириш сифатида тушунмоқ лозим.

Бозор шароитида иш билан тўлиқ банд қилишнинг ижтимоий самараси иқтисодий самарадорлик натижаси ўлароқ, ижтимоий кафолатлар билан таъминлашдан иборат бўлиши керак. Шу муносабат билан оқилона, унумли ва самарали, мақбул иш билан бандлик тушунчаси одамлар меҳнатидан фойдаланиш, унинг маълумот ва жинсига мансуб ёшдаги тузилмани, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат салоҳиятини такрор ишлаб чиқариш ва уни мамлакат ҳудудлари бўйича жойлаштириш тартибларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини шакллантириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнлари билан уйғунлашиб кетади. Самарали иш билан банд қилиш миллий бойликни тўлаш имкониятларига ва унинг миқдорига ҳамда жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигига эга бўлган ҳолда моддий ва молиявий ресурсларнинг қолган турларини ҳаракатга келтиришни кўзда тутади. Мақбул иш билан банд қилиш иқтисодий ва ижтимоий натижаларни баҳолашга кўра такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг кўплаб вариантларидан энг қулайини танлаш билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда иш билан бандлик тизимининг таркибий элементларини, улар ўртасидаги алоқаларни, уларни тартибга солиш вазифалари ва механиқмларини назарий жиҳатдан тушуниб етиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳолбуки иш билан бандликни тартибга солишга доир олиб борилаётган амалий ишлар ҳозирча тартибга солинган аниқ методологик тасаввурга эга эмас. Тартибга солиш объектини белгилаш асосан республика иш билан бандлик хизмати ваколатларини чегаралаш билан боғлиқ бўлиб келгани туфайли тартибга солиш соҳаси асоссиз равишда чегаралаб қўйилди.

Аҳолини иш билан банд қилишни тартибга солиш масалаларини ҳал этишда меҳнат бозорининг ўзбекча модели ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Бу ишловчиларни ўзаро қўллаб-қувватлашнинг анъанавий усули, яъни, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва секторлари бозорига турлича тезликда ҳаракат қилиш, айрим регионларда, шаҳарлар ва қишлоқ жойларда бозор муносабатларига ўтиш бир маромда эмаслиги каби сифатлар билан боғлиқ коллективизмнинг энг юқори даражасидаги кўринишидир.

Меҳнат ресурсларининг бандлигига таъсир этувчи ташқи омиллар – сиёсий, иқтисодий, технологик ва ижтимоий омиллардан; ички омиллар - бандликни бошқариш бўйича давлат тузилмаларининг хусусиятлари, меҳнат

бозоридаги талаб ва таклифнинг хусусиятлари ҳамда меҳнат ресурсларининг малакасини ошириш, касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

Айтиш жоизки, доимий иш жойига эҳтиёжмандларнинг катта қисми Андижон, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ва ижтимоий дастурлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини ҳудудлар миқёсида ҳал этишга қаратилаётир. Мисол учун, меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда, ҳар йили иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир дастур қабул қилинаяпти. У иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилаётгани туфайли янги иш жойларининг салмоқли қисми қишлоқ жойларида яратилаётир.



1-расм. Ўзбекистонда банд аҳоли сонининг ўзгариш кўрсаткичлари, минг киши[87]

Бунда янги объектлар, асосан, меҳнат ресурслари кўп бўлган ҳудудларда фойдаланишга топширилаётгани, саноат корхоналари модернизация қилиниб, қўшимча қувватлар ишга солинаётгани, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини тараққий эттириш, инфратузилма, коммуникация ҳамда уй-жой объектлари қурилиши кўламини ошириш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш чоратадбирларининг рўёбга чиқарилиши ҳисобидан минг-минглаб иш жойлари пайдо бўлаяпти.

Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар кўлами 2017 – 2021 йилларда ҳам жадал давом эттирилиб, умумий қиймати 40 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 649 та инвестициявий лойиҳа қамраб олинган тармоқ дастурларини ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат

[87] Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ортади.

Бу аҳолини, айниқса, ёш мутахассислар бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш учун катта имкониятдир. Фақат таълим муассасалари, шу жумладан, касбҳунар коллежларини оқилона жойлаштириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлаш лозим. Аммо давлатимиз раҳбари куйинчаклик билан айтганидек, “Ҳозирча ушбу механизм ишламаяпти. Тармоқлар раҳбарлари кадрларга эҳтиёж тўғрисидаги маълумотни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этишади. Кейин мутахассисларни тайёрлаш квоталари бўйича чуқур ўйланмаган таклифлар ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида кадрлар сифати ва уларни ишга -жойлаштириш муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда”.

Чиндан ҳам, ҳамма олий таълим муассасалари, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарларини қайси соҳага қанча мутахассис кераклиги бўйича тўлиқ маълумотга эга, деб айтолмаймиз. Аслида соҳада учраётган бу каби салбий ҳолатларни ечиш унчалик мураккаб эмас. Масалан, Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, ҳар бир соҳанинг яқин беш йилга мўлжалланган истиқболли режалари ишлаб чиқилиб, унда қайси йўналиш бўйича қанча янги иш жойлари барпо қилиниши, қайси мутахассис ва касб эгаларига эҳтиёж сезилиши қамраб олинса, кифоя.

Шу билан бирга, тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда “Янги иш жойларини барпо этиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмий хисоботга киритиш тартиблари”ни ишлаб чиқиш вақти келди. Бу жараённи тасодифан эмас, балки меъёрийҳуқуқий ва молиявий талаблар асосида олиб боришни ташкил этиш зарур. Яъни фуқароларнинг ҳар бир меҳнат жойи паспорти рўйхатга олиниши, махсус шаклдаги акт билан қабул қилинишини амалиётга жорий этиш керак.

Меҳнат бозорида фаол ҳамда аниқ мақсадга қаратилган шу каби чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлаш, реал даромадларини ошириш, пировардида ҳаёт даражасини юксалтиришга мустаҳкам пойдевор яратади. Бинобарин, аҳолини иш билан таъминлаш мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки катта ижтимоий аҳамиятга эга долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти” Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. 384б.

2. Крежев В.Н. Сфера обслуживания при социолизме. М.: 1966. – с.131.

3. Мухаммедов М. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари”- С.: Зарафшон 2017.-299 б.

4. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Очилов И.С. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б..

III ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ”

SANOAT KLASTERLARI VA KICHIK SANOAT ZONALARI – IQTISODIYOTNI INDUSTRIYALASHTIRISHDA MUHIM OMIL

Shavqiyev Erkin, SamISI “Raqamli iqtisodiyot” kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Musurmonova Muxlisa Samandar qizi, MI-121 guruh magistranti

Annotatsiya: maqolada mamlakatda sanoat tarmog‘ini rivojlantirish imkoniyatlari, mavjud resurslardan samarali foydalanishda kichik sanoat zonalari hamda sanoat klasterlarini tashkil etishning ahamiyati yoritilgan.

Kalit so‘zlar: sanoat, hududlar, inson resurslari, xorijiy investitsiyalar, kichik sanoat zonalari, sanoat klasterlari.

O‘zbekiston sanoatining rivojlanishi haqiqiy istiqboldir. Chunki buning uchun mamlakatda barcha zarur resurslar mavjud.

Birinchidan, ta’lim sohasida olib borilayotgan islohotlar inson resurslarini yetakchi ilmiy-texnik kuchlardan biriga aylantirish imkonini beradi.

Ikkinchidan, Surxondaryo, Qashqadaryo, Navoiy viloyatlari hamda Qoraqalpog‘iston Respublikasi hududlaridagi tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ushbu hududlarda sanoat tarmog‘ini rivojlantirish uchun sharoit yaratadi.

Uchinchidan, mavjud ishlab chiqarish quvvatlaridan foydalanish darajasini oshirish orqali, nafaqat, jamiyatning ichki ehtiyojlarini qondirish uchun real imkoniyatga, balki eksport uchun raqobatbardosh mahsulotlarni yaratish uchun zaxiraga ham ega.

Bugungi kunda O‘zbekistonda neftgaz-kimyo, metallurgiya, mashinasozlik, elektrotexnika, farmatsevtika, qurilish materiallari, to‘qimachilik, charm-poyabzal, oziq-ovqat hamda “yashil iqtisodiyot” bilan bog‘liq sanoat tarmoqlari iqtisodiyotimiz “drayverlari”ga aylanishi uchun barcha yetarli sharoitlar mavjud. Buning uchun, faqatgina, bu tarmoqlarda xususiy sektorning tashabbuslari va yangi loyihalarini qo‘llab-quvvatlash hamda kooperatsiyani rivojlantirish bo‘yicha barcha choralarni ko‘rish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Ma’lumki, Samarqand viloyati respublikaning sanoati rivojlangan hududlaridan biri hisoblanadi. Unda jahon standartlariga javob beradigan mahsulotlar, jumladan, mashinalar ishlab chiqilmoqda. Ishlab chiqarish korxonalari 86 mamlakatlar bilan savdo aloqalarini o‘rnatishgan. Tashqi savdo aloqalarning salmoqli hissasi Rossiyaga (21.5%), Qozog‘iston (15.9%), Xitoy Xalq

Respublikasida (15.2%), Turkiya (7.7%), Yaponiya (3.2%), Hindiston (2.3%) to‘g‘ri keladi.

Viloyatda yiliga 5,6 ming tonna o‘simlik yog‘i, 4 ming tonna ip kalava, 2,9 million kvadrat metr gilam va gilam mahsulotlari, 15 ming tonna gips, 288 ming tonna asfalt, 6,8 ming dona maishiy texnikalar ishlab chiqariladi. Shuningdek, yangi turdagi 8,8 ming tonna gips karton uchun karton qog‘oz, 500 dona TMG rusumli transformatorlar va 32 ming dona biometall radiatorlar tayyorlanadi.

Viloyatda sanoatni rivojlantirish boshqa sohalar bilan uzviy olib borilayotganini alohida ta’kidlash lozim. So‘nggi yillarda sanoatning yuqori qo‘shilgan qiymatdagi ulushini oshirish, tayyor mahsulotlar ishlab chiqarishni kengaytirish bo‘yicha umumiy maydoni 210 gektar bo‘lgan 88 ta kichik sanoat zonalari tashkil etildi.

Umuman, 2021-2023 yillarda qiymati 2 583,8 milliard so‘mlik 30 ta sanoat klasterlari faoliyatini yo‘lga qo‘yish rejalashtirilgan. Bunda boshqa tarmoqlar bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan oziq-ovqat, yengil va qurilish materiallari sanoati asosiy o‘rin egallaydi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14-15 aprel kunlari Samarqand viloyatiga tashrifi davomida bergan topshiriqlari asosida Kattaqo‘rg‘on shahrida 2018-2019 yillarda sanoat, qishloq xujaligi, xizmat kursatish va servis sohasini rivojlantirishga oid 4 ta investitsiya loyixasi kiritilgan[88].

Kattaqo‘rg‘on shahar iqtisodiyotini ko‘tarish, aholini doimiy ish bilan ta’minlash va ishlab chiqarish sur’atini oshirish maqsadida mahalliy korxona va tashkilotlarda olib borilgan tushuntirish ishlar natijasida bir qator korxonalarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (ishlab chiqarish uskunalari shaklida) olib kirildi. Ularning ayrimlari 5.3.6-jadvalda keltirildi.

2018 yilning mart oyida “Kattaqo‘rg‘on Yog‘-moy” aksiyadorlik jamiyatiga Xitoy davlatidan ruyxatdan o‘tgan “Quinco(Fujian) Machinery Industrial Co.Ltd” (ma’suliyati cheklangan jamiyat) xorijiy hamkori tomonidan ishlab chiqarish sohasi buyicha 150,0 ming AQSH dollari miqdorida 5 litrlik PET idishlarda yog‘ mahsulotlarini qadoqlash asbob-uskunasi kiritildi. Bugungi kunda ushbu loyiha to‘liq ishga tushirdi.

Shuningdek, 2018 yilning aprel oyida jami kiymati 1 221,0 ming AQSH dollari miqdorida investitsiyalar kiritildi. Jumladan:

- “ClassicMotor” ma’suliyati cheklangan jamiyatiga Xitoyda davlatidan ruyxatidan o‘tgan “Shangqiu Sihai Energy Technology Co.Ltd” (ma’suliyati cheklangan jamiyat) tomonidan ishlab chiqarish sohasi buyicha jami qiymati 300,0 ming AQSH dollari miqdorida asbob-uskuna kiritildi;
- “Mega Mebel Trade” ma’suliyati cheklangan jamiyatiga Xitoy davlatida ro‘yxatdan o‘tgan “Shanxi Crulin Machenery Co.Ltd” (ma’suliyati cheklangan jamiyat) xorijiy investori tomonidan mebel ishlab chiqarish sohasi bo‘yicha jami

[88]https://samarkand.uz/.../samarqand-viloyati-kattaqorgon-sha

qiymati 159,0 ming AQSH dollari miqdorida asbob-uskuna kiritilgan bo‘lib, ushbu loyiha to‘liq ishga tushirildi;

•Machenery Co.Ltd” (ma’suliyati cheklangan jamiyat) xorijiy investori tomonidan mebel ishlab chiqarish sohasi buyicha jami qiymati 159,0 ming AQSH dollari miqdorida asbob-uskuna kiritilgan bo‘lib, ushbu loyiha to‘liq ishga tushirildi;

•“Kattaqo‘rg‘on charm” O‘zbekiston-Xitoy qo‘shma korxonasiga korxona ta’sischilari ya’ni O‘zbekiston tomonidan fuqaro Islomov Ikrom va Islomov Umrzoq hamda Xitoy tomonidan “Chantsinsinsyan” savdo kompaniyasi hamkorligida korxonaga jami qiymati 761,0 ming AQSH dollarlik terini qayta ishlashda foydalaniladigan asbob-uskunalar kiritildi;

• “Qo’rg’on Universal Biznes” ma’suliyati cheklangan jamiyatga 2018 yilning iyun oyida Germaniya davlatidan ruyxatdan o‘tgan “Homag Co.Ltd” (ma’suliyati cheklangan jamiyat) xorijiy investori tomonidan jami qiymati 36,0 ming yevro va Chexiya davlatidan ruyxatdan o‘tgan “Akword Co.LTD” ma’suliyati cheklangan jamiyat xorijiy investori tomonidan jami qiymati 2,75 ming AQSH dollari miqdorida mebel ishlab chiqarish sohasi buyicha asbob-uskuna kiritildi.

Samarqand viloyatining Payariq tumanida 2018 yilda 2 ta xorijiy investor tomonidan jami 480,0 ming AQSH dollari miqdorida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar jalb qilingan[89].

Amaldagi me’yoriy hujjatlarga muvofiq kichik sanoat zonalari ishtirokchilariga quyidagi huquqlar berilgan:

•o‘z mablag‘lari hisobiga qurilgan bino va inshootlarga (yoki ularning qismlariga) mulk huquqini o‘rnatilgan tartibda rasmiylashtirish;

•investitsiya va boshqa ijtimoiy majburiyatlarni to‘liq bajargan takdirda, biroq kichik sanoat zonasi ishtirokchisi maqomini olgan davridan boshlab kamida 5 yil muddat o‘tgandan keyin, o‘zlariga berilgan binolar va inshootlarni (yoki ularning qismlarini) xususiylashtirish;

•rekonstruksiya qilish yoki kapital ta’mirlashni o‘z mablag‘lari hisobidan amalga oshirgan taqdirda, biroq kichik sanoat zonasi ishtirokchisi maqomini olgan davridan boshlab kamida 3 yil muddat o‘tgandan keyin, binolar va inshootlarni (yoki ularning qismlarini) xususiylashtirish.

Amaldagi qonunchilikka muvofiq, tashkil etilayotgan kichik sanoat zonalari qatnashchilari ikki yil muddatga yagona soliq to‘lovidan ozod etiladi. Agar imtiyozlarning amal qilish muddati davomida korxonalar tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulot umumiy hajmining kamida 30 foizi eksport qilinsa, mazkur imtiyozlar yana ikki yilga uzaytiriladi. Shuningdek, ularga davlat binolari imtiyozli uzoq muddatli ijaraga yoki “nol” qiymatda beriladi.

[89]sampayarik.uz/uz/node/269

Xulosa qilib aytganda, O‘zbekistonda yaratilgan investitsion muhit va investitsilashdagi ustuvor yo‘nalishlar − iqtisodiyotni sifat jihatdan yuqori darajaga ko‘tarishga, mamlakatning ishlab chiqarish salohiyatini mustahkamlashga, aholiga munosib turmush sharoitlarini yaratishga va respublikaning rivojlangan davlatlar qatoridan o‘rin olishiga zamin yaratishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni

2. Портер М. Международная конкуренция. - М.: Международные отношения, 1993.

3. Салимбоев Б.Б. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – № 1, январ-феврал, 2018 йил.

4. Ҳақимов З.А. Саноат кластерлари самарадорлигини таъминловчи омиллар тизими. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – № 1, январ-феврал, 2022 йил

БАНК КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Бектемиров А.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
«Инвестиция ва инновациялар» кафедраси
мудири, проф. в.б. и.ф.д. (DSc)
Маликова Д.М.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
«Банк иши» кафедраси катта ўқитувчиси
Пирназаров У.Н.,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
магистранти

Аннотация: Мақолада банк кредит портфелини бошқаришдаги муаммолар, уларнинг таркиби, кредит портфелини диверсификациялаш тушунчаси, банк кредит портфелини шакллантириш ва уни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит портфели, кредит риски, диверсификация, муаммолар

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда банк тизимини либераллаштириш шароитида кредит операциялари муҳим ўрин тутади. Тижорат банклари кредит операциялари банк даромадларини шакллантирувчи фаолият бўлганлиги сабабли кредит портфелининг сифат

даражаси барқарорлигини таъминлаш бугунги кунда банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

“Кредитлашнинг ўсиш суръатлари мўътадиллигини таъминлаш ва кредит портфели сифатини яхшилаш”[90] Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

Кредит портфелини шакллантириш ва бошқариш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир ўтказувчи муаммоларнинг, фикримизча, уч гуруҳга ажратилган ҳолда таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ:

- биринчи гуруҳ муаммолари ўз таркибига тижорат банкларининг амалий фаолияти ҳамда стратегик ривожланиш йўналишларига бевосита таъсир ўтказувчи макроиқтисодий муҳитдаги муаммоларни олади;

- иккинчи гуруҳ муаммолари глобал кредит рискларини аниқлаш, кузатиш ва бошқаришнинг услубий асосларига тегишли;

- учинчи гуруҳ муаммолари бевосита кредит портфелини бошқариш ва унинг сифатини таъминлаш билан боғлиқ рискларни қамраб олади.

Фикримизча, муаммоларни шундай тарзда гуруҳлаш уларни бартараф қилиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда уларнинг натижаларини тизимлаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Иккинчи томондан кредит портфелида жамланаётган кредитлар табиати, манбалари ҳамда сифатсиз кредитлар билан ишлаш жараёнидаги таҳлилий маълумотлар банк сирини ташкил қилиши мазкур соҳадаги муаммоларни кўриб чиқиш имкониятини бермайди.

Биринчи гуруҳ муаммолари сафига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- глобал иқтисодий муҳитда кузатилаётган салбий тенденциялар. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кузатилаётган салбий ҳолатлар глобал барқарорликка салбий таъсир ўтказган ҳолда, кўплаб рискларнинг юзага келиши замирида туради.

- молия хизматлар бозорида рақобат курашининг кучайиб бориши. Мазкур муаммо мамлакатимиз банк хизматлари бозорига янги иштирокчилар, хусусан, хорижий банкларнинг кириб келиши, улар томонидан янги ва такомиллашган бошқарув усулларининг қўлланиши билан изоҳланади.

Иккинчи гуруҳ муаммолари жумласига тижорат банклари учун тизимли рискларни кузатиш, прогнозлар ва ҳимоя «буфери» ишлаб чиқишнинг услубий асослари шакллантирилмаганлигини киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳ муаммолари ўз ичига бевосита тижорат банкларининг минтақавий сиёсатидаги муаммоларни қамраб олади.

Банкнинг кредит портфелини самарали бошқаришда бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Кредит портфелининг диверсификацияси –

[90] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони

бу банкнинг баъзи мижозлардан кўрган зарарларини бошқа мижозлардан кўрган даромад ҳисобидан қоплаш мақсадида банкнинг кредит ресурсларини кам миқдорда кўп сонли мижозлар ўртасида тақсимлаши тушунилади.

Диверсификациялашни уч хил йўналиш бўйича олиб бориш мумкин. Булар портфел, географик ва кредитларни тўлаш муддатига қараб ўтказиладиган диверсификация турларидир. Банкларнинг кредит портфелини диверсификация қилиш банкнинг кредитларини ҳар хил соҳадаги бир неча мижозлар ўртасида тақсимлашни ўз ичига олади. Диверсификация қилинмаган банк портфели доимо юқори риск билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, тижорат банкларининг активларини шу жумладан, кредитларни диверсификациялаш банк фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, фикримизча, кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синишига ҳам олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банклари самарали фаолиятининг гаровидир.

Тижорат банкларида кредит портфелини тўғри шакллантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: республика иқтисодиёти ривожланиши тенденцияларини прогнозлаш; банкнинг кредит қўйилмалари ва даромадлари ҳажмларини, кредит портфелининг тузилиши ва сифатини режалаштириш ҳамда прогнозлаш чоғида адекват йўл тутиш учун уларнинг банк кредит портфели ҳолатига таъсирини аниқлаш; кредит портфелининг сифатини яхшилаш мақсадида уни бошқариш таомилларини такомиллаштириш; қарорлар қабул қилиниши тезкорлигини таъминлаш учун кредитлар ва кредит портфелини бошқаришнинг ахборот инфратузилмасини янада такомиллаштириш; кредитланаётган субъектларнинг тармоққа оид хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кредитлаш амалиётини такомиллаштириш; лизинг операцияларидан кенг фойдаланиш; кредит портфелини иқтисодиёт тармоқлари бўйича янада кенгроқ тақсимлаш ҳисобига банк кредит портфелини диверсификациялаш ва б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-5992-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ-580-сонли Қонуни.

3. Деньги, кредит, банки. Экспресс-курс : учеб. пособие / под ред. О. И. Лаврушина. – 3-е изд., перераб. и доп. – М. : КНОРУС, 2016.- 544 с.

4. Азларова А.А. Тижорат банкларида кредит портфелини самарали бошқариш масалалари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, №6, ноябрь-декабрь, 2018, 1-8 б.

5. Норов А.Р. Тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш орқали риск даражасини камайтириш йўллари. “Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш: институционал, иқтисодий ва ташкилий жиҳатлари” республика илмий-амалий конференция тезислар тўплами. Т.: 2019, 79-81 б.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Ахтамова М.Э., – СамИСИ, Менежмент кафедраси катта ўқитувчи тел.:+998911879334, mohigulahtamova8@gmail.com

Аннотация: в статье освещены концептуальные направления и предложения по перспективному развитию экологического туризма в республике, в том числе Самаркандской области в условиях цифровой экономики.

Ключевые слова: экологический туризм, концептуальные направления развития экотуризма, онлайн-платежи, веб-сайта, грантовые средства.

Сегодня экологический туризм является природно-ориентированным туризмом, включающий программы экологического образования и просвещения и осуществляемый в соответствии с принципами экологической устойчивости. Он представляет собой вид туризма, включающий путешествия в места с относительно нетронутой природой с целью получить представление о природных и культурно-этнографических особенностях данной местности, который не нарушает при этом целостности экосистем и создаёт такие экономические условия, при которых охрана природы и природных ресурсов становится выгодной для местного населения. Важным руководством в повышении эффективности работы в этом направлении послужили указы и постановления Президента нашей страны. В целях ускоренного развития инфраструктуры туризма, культуры, культурного наследия и спорта, эффективной эксплуатации объектов, создания благоприятных условий населению, а также в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года № УП–6199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года

№ ПП–5054 «Об организации деятельности Министерства туризма и спорта» были приняты мероприятия по реализации данной программы. В ней получили своё отражение и мероприятия по развитию экологического туризма, в частности с 1 мая 2022 года в целях поддержки молодёжных предпринимательских инициатив каждому инициатору предоставляются гранты в размере **50 млн. сумов**, в общей сложности **до 10 млрд. сумов**, за счёт средств, выделяемых Фонду поддержки туризма и спорта из государственного бюджета. При этом грантовые средства направляются на создание современного веб-сайта, принимающего онлайн-платежи, участие в туристских выставках и ярмарках в зарубежных странах, а так же грантовые средства предоставляются с условием организации туров **для не менее 200 иностранных туристов** из зарубежных стран в Республику Узбекистан **в течение трех лет**.

Известно, что экологический туризм, в отличие от других сфер, является доходным и малозатратным бизнесом. Природа Самарканда представляет собой большие возможности для развития экологического туризма, обладающая широчайшим разнообразием ландшафтов и великолепным пейзажами. В связи с этим Самаркандском районе Самаркандской области при поддержке отдела по развитию инфраструктуры и отдела по привлечению инвестиции департамента по развитию туризма ведутся работы по строительству нового туристического объекта для экологического туризма. На данном объекте, будет возможность отдыха на свежем воздухе для всей семьи, а также возможность купание в открытом бассейне, любованием величественными горным пейзажами, установка палаток идеально подходящих, для того чтобы расслабиться после долгого похода. Такие места вы можете найти в Самаркандском области Xazrati Dovud, Oqbayro Garden, Ming Archa, Ming Chinor и другие.

Концептуальными направлениями развития экотуризма в республике, в том числе в Самаркандской области, являются:

1. Поиск и открытие новых объектов и видов экотуризма;
2. Развитие объектов экотуризма, создающих условия для отдыха, развлечения и наслаждения природой туристов;
3. Увеличить привлечение отечественных и иностранных инвесторов в сферу с целью финансовой поддержки экотуризма в республике, в том числе в Самаркандской области;
4. Уделить особое внимание объектам экотуризма с высокой доходностью, основанной на качественном обслуживании;
5. Организация обслуживания на высоком уровне на основе формирования и развития объектов инфраструктуры экотуризма;
6. Эффективным будет использование современных видов рекламных услуг экотуризма в направлении реализации рекламных услуг, в частности Интернет-рекламы экотуризма, QR-рекламы экотуризма и Блокчейн-реклам экотуризма;

7. Привлечение специалистов в области экотуризма, узкоспециализированных высококвалифицированных экотуристов;

8. В направлении формирования современной материально-технической базы объектов экотуризма;

9. Дальнейшее усиление научно-исследовательских работ по развитию экотуристических услуг.

В настоящее время в большинстве стран мира экологический туризм является одной из отраслей, приносящих весомый доход в национальную экономику. По сведениям Всемирной туристской организации, доход от этой отрасли составляет несколько триллионов долларов в год. Поэтому целесообразно привлечение специалистов в области углубленного изучения области, развитие экологического туризма, поиск решения существующих проблем в связи с этим. В первую очередь важно увеличить количество научных работ молодых учёных, проводящих научные исследования в области экологического туризма, а также реализовать на практике их научные мнения, предложения и рекомендации по результатам своих исследований. Для привлечения большего числа экотуристов к объектам экотуризма данного направления формируют научно обоснованную историю объекта, отличающуюся от других объектов экотуризма. Для этого необходимо создать их научно обоснованную историю с привлечением специалистов, историков, этнографов. Необходимо также предоставление качественного сервиса, основанного на привлечении на места опытных гидов, гидов-переводчиков и предоставлении им необходимой информации, а также создание для них возможности быть довольными экотуризмом, а так же уделение особого внимания качественному сервису и разработка критериев «качественная экотуристическая услуга».

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»;

2.Указ Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года № УП–6199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления в сферах туризма, спорта и культурного наследия»;

3. Постановление Президента Республики Узбекистан от 6 апреля 2021 года № ПП–5054 «Об организации деятельности Министерства туризма и спорта»;

4.Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №828 от 30 сентября 2019 года «Об эффективном использовании туристского потенциала Самаркандской области и дополнительных мерах по его развитию»;

5. Тухлиев И.С. Туризм: теория и практика. - Т.: Наука и техника, 2018. - 400 с.;

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ

Ҳилола Нематовна Очилова – СамИСИ стажёр-тадқиқотчиси

Аннотация: мазкур мақолада олий таълимда таълим хизматларининг республикамиз ва вилоятимиз бўйича ҳозирги ҳолати ёритиб берилган ҳамда кўрсатилган таълим хизматлари таҳлил қилиниб хулосалар берилган.

Калит сўзлар: таълим, олий таълим, таълим хизматлари, таълим муассасалари сони, талабалар сони, профессор-ўқитувчилар, малакали кадрлар.

Давлатнинг ривожланиши биринчи навбатда таълим тизимига боғлиқ. Бизнинг мамлакатимизда ҳам Янги Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш учун таълим тизимига жуда катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган олий таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони, «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли Фармони, «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли қарори қабул қилинди. Бунга кўра 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилиши кўрсатиб ўтилган эди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаб 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб республика барча олий таълим муассасалари кредит-модуль тизимига ўтказилди. Ушбу кредит-модуль тизимида таълим хизматларини кўрсатишда бир қанча қулайликлар ва ҳар бир профессор-ўқитувчига ўз вазифасини бажаришда жуда катта масъулият билан ёндашиш кераклигини кўрсатиб берди.

Халқаро тажрибалардан кўра жаҳонда кўп давлатларда таълим хизматларини кўрсатиш, яъни кадрлар тайёрлаш кредит-модуль тизимига асосланган. Жаҳон статистика маълумотларига қараганда 50 га яқин ривожланган давлатлар кредит-модуль тизимига асосланган.

Ҳозирда таълим хизматларининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш учун кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари нималардан иборатлигига ҳам алоҳида аҳамият беришни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти: “Бизга миқдор эмас, сифат керак. Бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарур. Қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир”[91], деб таъкидлади.

Олий маълумотлиликка талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам мустақилликка эришгандан кейин ОТМлар ҳам, хорижий олий ўқув юртлари филиаллари сони ҳам, уларда дарс бераётган профессор-ўқитувчилар сони ҳам, талабалар сони ҳам кўпайиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	**2000/2001 ўқув йили**	**2005/2006 ўқув йили**	**2010/2011 ўқув йили**	**2015/2016 ўқув йили**	**2020/2021 ўқув йили**	**2021/2022 ўқув йили**
1.	Олий таълим муассасалари сони, бирлик	61	63	65	69	127	154
2.	Шу жумладан хорижий олий таълим муассасалари сони, бирлик	-	2	6	7	18	25
3.	ОТМларида таҳсил олаётган талабалар сони, минг киши	183,5	278,7	274,5	264,3	571,5	808,4
4.	ОТМларига қабул қилинган талабалар сони, минг киши	44,7	59,6	64,1	63,0	174,9	235,9
5.	ОТМларини битирган мутахассислар сони, минг киши	31,6	57,8	76,4	66,3	83,9	103,9
6.	ОТМларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони, (ўқув йили бошида), минг киши	18,4	23,1	23,0	24,9	32,1	37,4

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000/2001 ўқув йилидан 2021/2022 ўқув йилигача бўлган даврда Олий таълим муассасалари сони 2,5 бараварга ошган. 2000/2001 ўқув йилида хорижий олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган. 2021/2022 ўқув йили келиб эса 25 тага етган. ОТМларида таҳсил олаётган талабалар сони 2000/2001 ўқув йилида 183,5 мингни ташкил қилган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб эса 808 мингдан ошиб кетган. Бу дегани 2000/2001 ўқув йилига нисбатан 4,4

[91] Uza.uz

баварар кўп дегани. ОТМларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони 2000/2001 ўқув йилида 18,4 мингни ташкил қилган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб 37,4 минг нафарни ташкил қилаяпти. Таҳсил олаётган талабалар сони 4.4 бараварга ошганда нега ўқитувчилар сони атиги 2 бараварга ошган. Бу ҳам таълим сифатининг тушиб кетиш сабабларидан биридир. ОТМларига қабул қилинган талабалар сони 2000/2001 ўқув йилида 44,7 мингни ташкил қилган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб эса сал кам 236 мингга етган. Қабул қилинган талабалар сонининг бундай 5,3 бараварга ошиб бориши, авваламбор аҳолининг талаб даражасидан келиб чиқилган.

ОТМларини битирган мутахассислар сони 2000/2001 ўқув йилида 31,6 минг нафарни ташкил қилган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб 103,9 нафарга етган. Бу 2000/2001 ўқув йилига нисбатан 2021/2022 ўқув йили 3.3 баравар кўп демакдир. Бу битирувчи талабаларимиз албатта республикамизнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда деган умиддамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “2022/2023 ўқув йилида Ўзбекистон Республилкасининг ОТМларга ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Унга кўра қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари квоталари жами 121395 нафар этиб белгиланган. Бакалавриат тайёрлаш бўйича – 110707 нафар бўлиб, шундан кундузга таълим шаклига – 77477 нафар, сиртқи таълим шаклига – 26095 нафар, кечки таълим шаклига – 3725 нафар, масофавий таълим шаклига 3410 нафар этиб белгиланган. Бундан ташқари магистрлар тайёрлаш бўйича 10688 нафар қабул қилиш квоталари белгиланган[92]. Булардан шуни кўришимиз мумкинки, жорий ўқув йилида қабул параметрлари ўтган йилган нисбатан ошган. Қабул қилиш парамертлари кўпайганлигини инобатга олиб таълим хизматларини кўрсатувчи профессор-ўқитувчилар сонини ҳам шунга мувофиқ оширса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқорида таҳлил қилинган кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси бўйича бўладиган бўлса, қуйидаги кўрсаткичларда Самарқанд вилояти бўйича маълумотлар келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2017/2018 ўқув йили	2018/2019 ўқув йили	2019/2020 ўқув йили	2020/2021 ўқув йили	2021/2022 ўқув йили
1.	Олий таълим муассасалари сони, бирлик	6	8	11	12	14

[92] https://lex.uz/uz/docs/6069606

2.	ОТМларида таҳсил олаётган талабалар сони, киши	7492	9870	11819	17772	18356
3.	ОТМлари бакалавриатига топширилган аризалар сони	63269	74113	117402	141834	124,6 минг
4.	ОТМларининг магистратурасига топширилган аризалар сони, киши	483	1274	2182	7787	7458
5.	ОТМлари бакалавриатурасига қабул қилинган талабалар сони, киши	7492	9870	11819	17772	18356
6.	ОТМлари магистратурасига қабул қилинганлар сони, киши	209	521	791	1143	1539
7.	ОТМлари талабаларининг битирувчилар сони, киши	6417	6869	6842	7165	8528
8.	ОТМларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони, (ўқув йили бошида), киши	2977	3323	3241	3341	3849

Ушбу жадвал маълумотларидан Самарқанд вилояти бўйича ҳам олий таълимда таҳсил олишга қизиқиш катта. Юқоридаги жадвалимиздан шуни кўришимиз мумкинки, 2017/2018 - 2021/2022 ўқув йиллари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ОТМлар сони 6 тадан 14 тага (2,3 бараварга) кўпайган, ОТМларида таҳсил олаётган талабалар сони 7492 нафардан 18356 нафарга (2,5 бараварга), ОТМлари бакалавриатига топширилган аризалар сони 63269 нафардан 124,6 минг нафарга (2 бараварга), ОТМларининг магистратурасига топширилган аризалар сони 483 нафардан 7458 нафарга (15,4 бараварга) кўпайган. ОТМлари бакалавриатурасига қабул қилинган талабалар сони 7492 нафардан 18356 нафарга (2,5 бараварга), магистратурага қабул қилинганлар сони эса, 209 нафардан 1539 нафарга (7,4 бараварга) кўпайган бўлса ҳам, жами ҳужжат топширганлар сони 1 ўринга 2021/2022 ўқув йилида 2017/2018 ўқув йилига нисбатан 8,3 кишидан 6,6 кишига камайганлигини кўришимиз мумкин. ОТМларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони 2017/2018 ўқув йили 2977 нафар бўлиб 2021/2022 ўқув йилида 3849 нафарга (1,3 бараварга) кўпайган. 2017/2018 ўқув йилида 2,5 та талабага 1 та профессор-ўқитувчи тўғри келган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб 4,8 та талабага 1 та профессор-ўқитувчи тўғри келмоқда. Бир томондан бу ҳам таълим сифатини пасайишига олиб келиши мумкин.

Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилиниб, қуйидаги хулосаларга келинди.

Биринчидан, тадқиқотларимиз кўрсатдики, сифатли кадрларни етиштириш ўзидан ўзи амалга ошиб қолмайди. Шахсни давлат ва жамият нуқтаи назаридан, унга керак кадр сифатида такомиллаштириш учун узлуксиз

таълимни йўлга қўйишни тақозо қилар экан. Бунинг учун биринчи навбатда, малакали педагогларни шакллантиришни ва уларнинг меҳнатини таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратиш лозимлигидан келиб чиқиб, малакали кадрлар тайёрлаш учун олий таълимда албатта малакали педагоглар шаклланган бўлиши лозимлиги асосланди. Бу эса, ўз навбатида малакали педагогларни тайёрлашни, уларнинг фаолиятини яхши йўлга қўйишни талаб қилиши ҳам кўрсатиб ўтилди.

Иккинчидан, олий таълим тизимини бошқаришда етук, билимли, шижоатли кадрлар тайёрлашда юқори самарадорлик ва сифатга эришиш учун бошқарувчи энг юқори интеллектуал салоҳиятга, малакага, инсоний фазилатга эга бўлиши лозимлиги асосланди. Зеро, жамиятимизнинг энг ақлли қатлами бўлган профессор-ўқитувчилардан самарали фойдалана билиш, мотивлаштириш усулларидан самарали фойдаланиш кераклигини ва бунда адолат мезонига қаттиқ риоя қилишлигини кўрсатиб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2019 йил 9 октябрь.

3. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик, Т., “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 588 бет.

4. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т., “Iqtisod-moliya”, 2014 – 112-113-бетлар.

5. Пардаев ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2020. – 260 бет.

6. Гулямов С.С., Пардаев М.Қ. Янги Ўзбекистонда таълим ҳам тубдан янгиланишни талаб қилади. https://telegra.ph/YANGI-%D0%8EZBEKISTONDA-TALIM-%D2%B2AM-TUBDAN-YANGILANISHNI-TALAB-%D2%9AILADI-09-30

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Гайбуллаев Рахим Муродович, ТДИУ СФ
профессори, и.ф.д. (тел.: 99 0125078)
G-mail: rahimgaibullaev63@gmail.com

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш” мўлжалланди[1].

Мамлакатда қабул қилинаётган хуқуқий-меъёрий ҳужжатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада кенг шарт-шароитлар яратиш, уларни эркин фаолиятини таъминлаш ва амалга ошаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ўз аксини топган[2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя килишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жихатидан яхшилашга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида”ги Фармони кабул килинган ва бу энг аввало, хусусий мулкни хукукий химоя килишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кулай шарт- шароитлар яратишга ва хар томонлама куллаб-кувватлашга, ЯИМда ушбу соханинг улушини ошириб боришга, бандлик муаммосини хал килишга асос бўлмокда[3].

Бу меъёрий ҳужжатлар энг аввало, хусусий мулкни хукукий химоя килишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кулай шарт-шароитлар яратишга ва хар томонлама куллаб-кувватлашга, ЯИМда ушбу соханинг улушини ошириб боришга, бандлик муаммосини хал килишга асос булмокда.

Гарчи, бу хақда сўз юритилганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августдаги ишбилармонлар билан бўлган биринчи мулоқотида “мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилаётгани унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боисдан ҳам агар биз иқтисодиётимизни, ижтимоий соҳани янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур[4] деб таъкидланган бўлса, қилинган ишлар, яъни айнан бизнес муҳитнинг яхшиланганини кўрсатувчи мисолларни келтириб Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 22

августдаги ишбилармонлар билан бўлган иккинчи мулоқотида келтириб ўтганидек, “ўтган бир йил давомида тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар барпо этилди. Яъни, тадбиркорлар келажакка ишониб, кўчмас мулкка инвестицияларни кўпайтирмоқда. Шунингдек, тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлик субъектлари сони 5 мингтага ошиб, 26 мингтага етди. Яна 1 минг нафари товар айланмасини 1 миллиондан 10 миллион долларгача етказди. Тадбиркорларимиздан 220 нафарининг тушумлари эса 100 миллион долларга етди. Мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар сони 7,5 мингтага етди, умумий экспорт ҳажми 30 фоиз кўпайди"[5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 5-февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4160-сон Қарорида “Doing Business” лойиҳаси доирасида 2022 йилга бориб 20-ўринни эгаллашни мақсад қилган"[6].

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти субектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 70 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Зеро, иқтисодиётда тадбиркорлик жараёнларининг кучайиши бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг оқилона ҳал этилишига, тараққиётнинг “ички кучи”нинг пайдо бўлишига, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишга, ривожланишда демократик тамойилларнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Бироқ, тадбиркорлик фаолиятининг ўзи ўта мураккаб, серқирра жараён бўлиб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганмай туриб иқтисодий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг муҳим натижаларига эришиш мумкин эмас. Шунингдек, айни пайтда Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш давлат миқёсида стратегик вазифа сифатида белгиланган бўлиб, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти, жамият барқарорлиги у билан бевосита боғлиқдир. Бу вазифани ҳал этишда қулай муҳитни барпо этиш, ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва институционал шарт-шароитларни янада такомиллаштириш тақозо этилади ҳамда бу борада назарий-методологик жиҳатдан муҳим йўналишларни белгилашда тадбиркорлик фаолияти устидаги изланишлар ва тадқиқотлар катта рол ўйнайди.

Албатта, бозор иқтисодиётининг қонунлари ўзининг умумий хусусиятлари билан бир қаторда ҳар бир муайян мамлакат ва ҳар бир ҳудуд хусусиятларини эътиборга олган ҳолда намоён бўлади яъни, шу давлат тарихий, демографик, миллий геосиёсий ва бошқа хусусиятларини ўзида акс эттиради. Фикримизга кўра, кичик бизнесни ривожлантиришда ҳам барча давлатлар учун хос бўлган умумий хусусиятлардан ташқари, ўзига хос

ҳудудий, демографик, геосиёсий, миллий хусусиятларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Албатта, бунда иқтисодий ўтиш даврида юзага келадиган муаммолар Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлмоқда. Чунки, республикамиз иқтисодиётида тадбиркорликни янада ривожлантириш жараёнида турибди ва давлат кўмагига муҳтождир. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш, моддий-техник таъминот, молиялаштириш, инвестиция, солиқ тизими, корхоналарнинг ўз маблағлари етишмовчилиги, банк кредитларини олишдаги қийинчиликлар, рағбатлантириш, ахборот технологияларидан фойдаланиш, рақобатдошлик муҳитини қарор топиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишда кўпгина ҳал этилмаган муаммолар мавжуддир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. https://lex.uz/docs/5841063
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора- тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. –Т.: 2016 йил 29 декабрь, №ЎРҚ-418.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. –Т.: 2016 йил 5 октябрь, ПФ-4848-сон.
4. Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августдаги ишбилармонлар билан мулоқотдаги сўзлаган нутқи.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ишбилармонлар билан мулоқотдаги сўзлаган нутқи.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 5-февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг (ХМК) йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4160-сон Қарори.

IV ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ”

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНИНГ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИ

Эркин Шавқиев, СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт”
кафедраси доценти, и.ф.н.
Назаров Асқар Анвар ўғли.
МИ-121 гуруҳ магистранти

Аннотация: ушбу мақолада асосий эътибор мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари қаратилган бўлиб, эркин иқтисодий зоналар таҳлилий ўрганилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар, хорижий инвестициялар, эркин иқтисодий зона, чет эл валютаси.

Аннотация: в данной статье основное внимание уделяется пяти приоритетным направлениям развития нашей страны, а также аналитически исследуются свободные экономические зоны.

Ключевые слова: отрасли экономики, регионы, иностранные инвестиции, свободная экономическая зона, иностранная валюта.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИҲ)ларнинг ташкил этилиши кўпайиб, ривожланиши тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса дунё мамлакатлари орасида ЭИҲларни ташкил этиш кўлами ва турларининг йилдан-йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

ЭИҲларнинг ташкил этилиши ва ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатсада, улар ичида ташкил этилган ЭИҲлар фаолияти самарадорлигининг жаҳон иқтисодиёти ва алоҳида давлат иқтисодиёти ўсиш даражасидан ҳам бир неча баробарга юқори эканлигини алоҳида келтириб ўтиш лозим. Жумладан, “ЭИҲларда фойда меъёри ўртача 25-30 % ни, Осиёдаги ЭИҲларда 35-40 %дан юқорини ташкил этади. Мазкур ҳудудларда капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати 2-3 мартага қисқа ҳисобланади. Одатда, киритилган маблағлар 3-3,5 йилда қопланса, бундай қўйилма меъёрдаги ҳисобланади.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда ЭИҲлар орқали улар иқтисодиётига жами хорижий инвестицияларнинг 30 %дан 80 %гача қисми кириб келади[93].

[93] Зименков Р.И. Свободные экономические зоны: Учеб. пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – С. 17

Шу жиҳатдан Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда миллий иқтисодиётни, унинг тармоқлари ва ҳудудлари орқали ривожлантиришда ЭИҲларни ташкил этиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада охирги вақтларда амалга оширилаётган ислоҳотлар эндиликда ўз самарасини бераётганлиги билан ғоятда аҳамиятли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ушбу зоналар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга, янги рақобатдош ишлаб чиқаришлар ташкил этишга, уларнинг муҳандислик коммуникациялари ва зарур инфратузилма билан таъминланган алоҳида ҳудудларда тўпланишини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу мазкур соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилганидан далолатдир.

Мамлакатимизда ташкил этилган ЭИҲда ҳали ҳам айрим муаммолар мавжуд: электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва канализация тизими билан тўлиқ таъминланмаганлиги, шунингдек, айрим туманларда кичик саноат зоналарини ташкил этишда ишлаб чиқариш корхоналарининг бир-бирига ва аҳоли яшаш жойларига нисбатан белгиланган санитария талабларига жавоб бермаслиги каби ҳолатлар.

Иқтисодиётдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони муҳим ўрин тутади. Унда белгиланган вазифалар доирасида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Ғиждувон”, “Кўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион

долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4,6 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу кўрсаткичларни янада ошириш учун тартиб-таомилларни соддалаштириш, инвестор ва тадбиркорларни янада кенгроқ жалб этишни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз топшириғига асосан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияларининг очилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Хозирги кунда мамлакатимизда фармацевтика соҳасида ҳам анчагина кўзга кўринган ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг исботи сифатида ихтисослашган “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм”, “Паркент-фарм” сингари 7 та янги эркин иқтисодий зоналарни кўрсатишимиз мумкин.

Яна бир ечимини кутиб турган муаммо сифатида айтишимиз мумкинки, айрим туман марказлари ва қишлоқларда бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш бинолари мавжуд. Улардан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилди. Мамлакатимиздаги кичик саноат зоналари 96 тага етди.

Бугунги кунгача ушбу ҳудудларда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган. Янги корхоналар ишга тушиши туфайли 9,6 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, електр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебел ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Эркин иқтисодий ҳудудларни кўплаб ташкил этилиши мамлакатимиз аҳолисини иш билан таъминлаш орқали мамлакат иқтисодиётига юқори таъсир ўтказиш салоҳиятига эга. Бу ҳудудлардаги корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш ва уларни ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш – янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг камбағаллик даражасини қисқартиришда муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 26-октабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Фармони.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини

мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175-сонли Қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

4. Зименков Р.И. Свободные экономические зоны: Учеб. пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005. – С. 17

5.Салимбоев Б.Б. Ўзбекистонда кичик саноат зоналарини барпо этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – № 1, январ-феврал, 2018 йил.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор Қ.Ж.Мирзаев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчи М.Э.Аҳтамова mohigulahtamova8@gmail.com

Аннотация: мақолада республикада, шу жумладан Самарқанд вилоятида рақамли иқтисодиёт шароитида экотуризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари ва истиқболлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, экотуризм, экотуризмни ривожлантириш, стратегия

Туризм бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан биридир. Туризм глобал ялпи ички маҳсулотга (ЯИМ) 9% ҳисса қўшади, дунёдаги ҳар 11 иш ўринидан бирини ва глобал экспортнинг 6% ни таъминлайди. Дунёда туризм индустриясининг экотуризми инсоният олдида турган экологик инқирознинг олдини олиш билан, у барқарор ривожланиш ва унинг йўналишида сайёрамиз табиати ва унинг ресурсларини сақлаб қолиш йўлларини излаш асосида шаклланган ва ривожланган. Экотуризм туризм индустриясининг асосий ресурс - табиий муҳитни ёки унинг алоҳида компонентларини (табиат ёдгорликлари, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг айрим турлари, табиий ландшафтлар ва бошқалар) сақлашдан манфаатдор бўлган ягона йўналишдир. Табиатни муҳофаза қилишга ҳисса қўшадиган, атроф-муҳитга юмшоқ таъсир кўрсатадиган, маҳаллий аҳолининг фаол ижтимоий-иқтисодий иштирокини таъминлайдиган табиат ва маданий диққатга сазовор жойларни ўрганиш ва улардан баҳраманд бўлиш учун бузилмаган табиий ҳудудларга экологик жиҳатдан масъулиятли саёҳатларни кўзда тутади. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра,

экотуризм дунёдаги энг тез ривожланаётган туризм турларидан биридир. Глобал миқёсда экологик инқироз кучаймоқда, юқумли касалликлар кўпаймоқда, одамлар ўз соғлиғига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда, тоза шароитда дам олишни хоҳлайди. ЮНЕПнинг 2011 йилдаги Яшил иқтисодиёт сари ҳисоботида айтилишича, одатдагидек бизнес сценарияси остида 2050 йилга келиб туризмнинг прогноз қилинадиган ўсиши энергия истеъмолининг 154%, қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизатсия қилиш — 251% га, иссиқхона газлари чиқиндиларининг 131% ва сув истеъмолининг 152% га ошишига олиб келади.

Ўзбекистонда экотуризм турлари учун қатор имкониятлар мавжуд. Бу кенг кўламли тадбирларни ўз ичига олиши керак - узоқ муддатли илмий экспедитсиялардан қисқа муддатли очиқ ҳавода дам олишгача. Экотуризмнинг энг кенг тарқалган турлари пиёда ва отда сайр қилиш, эшкак эшиш ва моторли қайиқда саёҳатлардир. Бунга ов ва балиқчилик туризми, қушларни кузатиш (қушларни кузатиш) ва бошқалар ҳам киради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, экотуризмнинг ривожланишига асосий тўсиқ экотуризм тушунчасини унинг классик маъносида нотўғри тушуниш эканлиги аён бўлади.

Таъқидлаш жоизки экотуризм алоҳида туризм тури сайёҳлар жозибадорлигининг муҳим йўналиши сифатида нафақат Ўзбекистонда ва унинг ҳудудларида, балки дунёда ўз ўрнига эга. Ҳозирги кунда экотуризм дунёда энг жадал суръатлар билан ривожланаётган туризм турларидан бири ҳисобланади. Экспертларнинг баҳоларига кўра туризм бозори даромадларининг 10-20% и айнан экотуризмга тўғри келмоқда[94]. Бутунжаҳон туризм ташкилоти экотуризмни истиқболли туризм соҳаларидан бири сифатида тан олмоқда. Статистик маълумотларга кўра сўнгги йилларда жаҳонда экотурлар сони 2-3 баробарга ошган[95]. Аммо экотуризмда ҳам муаммолар мавжуд уларга кўплаб давлатларда молиялаштириш, давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг сустлиги каби муаммолар киради. Шунга қарамай, дунёнинг баъзи давлатларида масалан, Кеня, Танзания, Белиз, Эквадор, Лаос ва Непал каби давлатларда экотуризм муҳим даромад манбаи ҳисобланади.

Ҳар қандай ҳудудда экотуризмни ривожлантиришда биринчи навбатда унинг ривожлантириш стратегиясини тузиш мақсадга мувофиқ. Шу боис, биз Самарқанд вилоятида экотуризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқилди:

1. Экотуризм ташкил этиш мумкин бўлган ҳудудларда кичик мехмонхоналар қуриш;
2. Экотуристик ҳудудларда борувчи йўлларда транспорт қатновини яхшилаш;

[94] https://yuz.uz/ru/news/potentsial-ekoturizma-v-uzbekistane-ot-vospitatelnoy-funktsii-do-vsokix-texnologiy

[95] https://uzbekistan.travel/ru/v/ekoturizm/

3. Экотуристик ҳудудлар атрофида биологик фермер хўжаликларини ташкил этиш;
4. Экотуристик ҳудудлар инфратузилмасига рақамли технологияларни жорий этиш;
5. Маҳаллий ва хорижий туристларга мўлжалланган фаол маркетинг тарғиботини олиб бориш.

Самарқанд вилоятида экотуризмни ривожлантириш стратегияси бир қатор тизимли ишларни амалга оширишни тақозо этади. Самарқанд вилоятида кичик ҳажмдаги меҳмонхоналрни қуриш туристларнинг экотуризм масканида кўпроқ вақт ўтказишини таъминлайди. Меҳмонхоналарда, шу билан биргаликда, туристлар даволаниши ва ҳордиқ чиқариши учун қўшимча хизматлар (спа салон, массаж, тиббий муолажалар ва бошқалар) бўлиши мақсадга мувофиқ. Транспорт қатновининг яхшиланиши эса ўз навбатида экотуристик масканларга кўпроқ туристларни жалб қилиш имкониятини беради. Экотуристик ҳудудлар атрофида биологик фермер хўжаликларини ташкил этиш туристларга ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси ҳақида қизиқарли тажрибага эга бўлишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Юқоридагилар амалга оширилгандан кейин мазкур экотуристик маскан учун интерактив вебсайт яратиш, онлайн бронлаш хизматини жорий этиш, колл марказни ишга тушириш ва шу кабиларни жорий этиш экотуризмни самарали ривожлантиришда ва рақобатбардошлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Барча инфратузилма тайёр бўлгач, ушбу экотуризм масканини реклама қилиш, бунда хорижий туристлар учун ҳамда маҳаллий туристлар ва истеъмолчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларига қараб реклама кампанияларини ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6199-сон Фармони;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 30-сентабрдаги “Самарқанд вилоятининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 828-сон қарори;

4. Тухлиев И.С. Туризм: назария ва амалиёт. - Т.: Фан ва технология, 2018. - 400 б.;

5. Тухлиев Н., Жиянов У. Туризмнинг ривожланиш миллий моделлари: Дарслик. – Т., 2020. – 264 б.

6. К.Ж. Мирзаев, М.Э.Ахтамова “Менеджмент туризма”, учебное пособие -Самарканд, 2021. – 305с

Агрохимическое обслуживание в условиях инновационной экономики и его роль в повышении плодородия земли.

Маткаримов И.Б. старший преподаватель, УрГУ.

Аннатация: В данной статье представлена информация о барьерах на пути оказания агрохимических услуг, а также выводы и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: Агрохимическое обслуживание, эффективность, удобрение, агрохимическое картирование, сельское хозяйство, потребител.

Мировой рынок агрохимических услуг в 2021 году оценивался в 692,9 млн долларов США. По оценкам, среднегодовой темп роста составит 6,4% с 2022 по 2031 год. Ожидается, что к концу 2031 года мировой рынок агрохимических услуг достигнет 1,27 млрд долларов США.

Агрохимическое обслуживание сельскохозяйственных предприятий предполагает осуществление конкретных мероприятий, обеспечивающих прогрессивное развитие и повышение эффективности химизации сельского хозяйства.

К таким мероприятиям относятся:

- материально-техническое обеспечение химизации сельского хозяйства;
- определение потребности сельскохозяйственных предприятий в удобрениях и других средствах химизации; составление и представление обоснованных заявок на них;
- оформление заказов промышленности; приобретение средств химизации у поставщиков и доставка их потребителям;
- разработка и внедрение в производство научно обоснованных рекомендаций по рациональному использованию средств химизации;
- непосредственное выполнение производственных работ по применению минеральных и органических удобрений, химических мелиорантов и средств защиты растений;
- определение экономической эффективности химизации сельского хозяйства и др.

Важной составной частью системы агрохимического обслуживания, с которой взаимодействуют сельскохозяйственные предприятия, являются производственно-научные центры и проектно-изыскательские станции химизации агрохимической службы, организованные во всех областях. Это связующее звено между наукой и производством. Главная их задача состоит в том, чтобы организовать эффективное применение удобрений и других средств химизации в каждом хозяйстве.

Для решения этой задачи они выполняют следующие основные функции:

-проводят агрохимическое обследование почв сельскохозяйственных угодий, а также защищенных грунтов в овощеводстве, составляют агрохимические картограммы и паспорта полей, анализируют и контролируют изменение плодородия почв;

-разрабатывают проектно-сметную и другую технологическую документацию на мероприятия по эффективному применению средств химизации, комплексному агрохимическому окультуриванию полей, научные рекомендации, обеспечивают внедрение их в производство;

-проводят полевые и производственные опыты с удобрениями, химическими мелиорантами и другими средствами химизации, разрабатывают на основе полученных результатов нормативы для распределения и внесения средств химизации;

-организуют и проводят работы по комплексной диагностике питания растений, внедрению в производство прогрессивных технологий возделывания сельскохозяйственных культур;

-организуют внедрение эффективных способов использования средств химизации, технологий их внесения, новых форм и видов удобрений и химических мелиорантов;

-осуществляют авторский надзор за использованием средств химизации в строгом соответствии с проектно-сметной, другой нормативной и технологической документацией, а также контроль за качеством агрохимических работ, правильным хранением средств химизации и их учетом;

-выполняют арбитражный и контрольный анализ удобрений, химических мелиорантов, почв, торфа и других местных удобрений, кормовых добавок и прочих средств химизации;

-контролируют качество кормов, определяют их питательную ценность и химический состав;

-организуют работу местных комплексных, агрохимических лабораторий и экспресс-лабораторий по оперативному проведению диагностики питания растений и качества кормов в хозяйствах;

-разрабатывают и внедряют совместно с районными агрохим-объединениями, управлениями сельского хозяйства и хозяйствами комплексные программы химизации растениеводства и животноводства, мероприятия по повышению плодородия почв и интенсификации возделывания сельскохозяйственных культур;

-обобщают, пропагандируют и внедряют в производство достижения науки и передовой практики в области химизации сельского хозяйства;

-определяют экономическую эффективность применения удобрений и других средств химизации в производственных условиях.

Одна из важнейших функций производственно-научных центров и станций химизации агрохимической службы - осуществление государственного контроля за строжайшим соблюдением всеми хозяйствами законодательных и правовых требований по охране окружающей среды от загрязнения средствами химизации, радионуклидами и тяжелыми металлами. Для ее выполнения. Определяют остаточные количества пестицидов в почве и растениях, содержание нитратов в сельскохозяйственной продукции и питьевых источниках. Строго контролируют также проведение профилактических мероприятий и соблюдение мер безопасности по охране здоровья людей, сельскохозяйственных животных и объектов окружающей среды при проведении работ со средствами химизации.

Литература

1. Ударцева, О. В. Проблемы обеспечения экологической безопасности региона / О. В. Ударцева, А. Л. Новоселов // Вестник Академии. – 2006. – №4. –С. 107-109.

2. Мельников, Н. Н. Основные направления снижения экологической
нагрузки при применении пестицидов / Н. Н. Мельников // Успехи химии, 2011. –Т. 60. – №3. – С. 54-59.

3. https://www.fao.org

ТОМОНЛАРНИНГ РАҚОБАТДОШ МАНФААТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КРЕДИТЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ.

Ҳ.Б.Хўжаёров. Шароф Рашидов
номидаги Самарқанд давлат
университети «Рақамли иқтисодиёт»
кафедраси таянч-докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада кредит таваккалчилигининг моҳияти, банкнинг кредит рискига таъсир этувчи омиллар, қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги, қарз олувчининг кредит рейтинги, шунингдек, тижорат банкларининг кредит рискларини оптималлаштириш моделлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: кредит, кредит риски, кредит сиёсати, кредит рейтинги, қарз олувчи, оптималлаштириш моделлари, банк кредит ресурслари.

Банкнинг кредит сиёсати тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у маълум истиқболда кўриб чиқилган ва банкнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришишини таъминлайдиган асосий

хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим бўлган банк операциялари мажмуи сифатида тушунилади [1, 2].

Тижорат банкларининг кредит риски умумий рискнинг асосий қисмини ташкил этади. Кредит таваккалчилигини билиш, кредит ресурсларини бошқаришнинг оптимал стратегиясини аниқлаш ва пировардида банк капиталининг рентабеллигини ошириш имконини беради. Бошқа томондан, бу маблағлар йўналтирилган тармоқлар, қарз олувчилар ва бошқаларнинг аҳамияти ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда банкнинг умумий капиталини оптимал тақсимлаш имконини беради.

Банкнинг кредит таваккалчилигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини тавсифловчи кредит рейтинги ҳисобланади. Кредит рейтинглари динамикаси банкларнинг тижорат фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган сабаб бўлиши мумкин. Кўпгина математик моделларда кредит рискини ҳисоблаш ва бошқариш усуллари, қарз олувчиларнинг кредит рейтингларининг ўтиш эҳтимоли доимий ва бир хил деб ҳисобланади. Шу билан бирга, маълумки, турли омиллар таъсирида қарз олувчиларнинг кредит рейтинглари динамик жараёндир. Маълумки [3,4,5] даромаднинг вақт бўйича тарқалиши каби кўрсаткич узоқ муддатли молиявий операцияларда рискни баҳолаш ўлчови сифатида ишлатилиши мумкин. Ушбу дисперсияни камайтириш чораларидан бири сифатида портфелни диверсификация қилиш, қолган барча нарсалар тенг бўлган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ҳолда, жами дисперсия ҳар бир портфел компонентининг фарқлари йиғиндиси сифатида аниқланади. Шундай қилиб, портфелни диверсификация қилиш натижасида даромаднинг умумий тафовутини минималлаштириш ва шунинг учун хавфни камайтириш мумкин бўлади. Шу билан бирга, банклар хавфли ва спекулятив операциялардан эҳтиёт бўлишлари керак.

Ҳозирги вақтда банклар томонидан иқтисодий муносабатлар фаолиятининг табиатига кўра, улар юқори даражада ихтисослашган (жамғарма) субъекти доирасидан ташқарига чиқдилар ва иқтисодий муносабатларнинг етарлича кенг доирасига эга бўлган тўлиқ ҳуқуқли тижорат субъектига айландилар. Бугунги кунда банкларни молия бозорида фаолият юритувчи тўлақонли “банк компанияси” деб ҳисоблаш мумкин. Банкларнинг умумий иқтисодий бозорда иштирок этиш тенденцияси тобора кенгайиб бормоқда. Банкларнинг молиявий фаолиятини математик моделлаштиришда бу ҳолатни ҳисобга олиш керак.

Бугунги кунга келиб, энг кенг тарқалган математик дастурлаш масалаларига қисқартирилган банк фаолиятини оптималлаштириш моделларини (ҳам хусусий, ҳам тўлиқ) олди. Буларга, хусусан, буюртмалар портфелини (банк активлари портфели) шакллантириш моделлари, рисклар назарияси, активлар таркибини шакллантириш ва бошқалар киради. Бундай моделлар таҳлил қилинадиган объектнинг маълум бир вақтнинг ўзида ҳолатини тасвирлашга қодир. Банк операциялари динамикасини энг тўлиқ

таҳлил қилиш феноменологик мулоҳазалар ва дифференциал тенгламалар аппарати ёрдамида тузилган математик моделлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Банкнинг кредит ресурслари динамикасини маълум T вақт оралиғида аниқлаш масаласини кўриб чиқамиз. Кредит ресурслари сарфланиши, яъни қарз олувчиларга берилган кредитлар камаймоқда. Кейин банк ресурсларни кўпайтириш ёки кредитлашни қисқартириш стратегиясини ишлаб чиқиши керак. Табиийки, биринчи ечимга кредит портфелини бошқа банк ресурслари, хусусан, маълум бир хавф билан боғлиқ бўлган пассив маблағлар ҳисобига кўпайтириш орқали эришиш мумкин. Ресурс истеъмолини чеклашнинг яна бир усули кредитлар бўйича фоиз ставкаларини оширишдир. Ҳар қандай қарорда банкнинг асосий мақсади максимал даромад олишдир. Яна бир жиҳати, яъни қарз олувчилар бошқа мақсадни кўзлайдилар - қулай молиявий-иқтисодий шароитларда кредит олиш. Шундай қилиб, томонларнинг манфаатлари рақобатлашмоқда. Бундай шароитда биологик ва экологик тизимларни моделлаштириш, иш ҳақи ва бандликни ўзгартириш ва бошқаларда самарали қўлланиладиган икки рақобатдош субъектнинг ўзаро таъсирини моделлаштириш тамойилларидан фойдаланиш табиийдир [6,7,8]. Бу ерда биз банк ва қарз олувчи мижозлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни моделлаштириш учун ушбу тамойиллардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Ишлаш таҳлили. Банкда T вақт ўтиши билан кредитлаш учун ҳисобланган P миқдоридаги ресурслар бўлсин. Бу ресурслар кредитларга сарфланади, t_i, $i=\overline{1,n}$ вақт давомида ресурсларнинг жорий қолдиғини p_i, $\sum_{i=1}^{n} t_i = T$ билан белгилаймиз. Хусусан, t_i орқали банк кунини олишимиз мумкин, ўшанда n кунлар сонини ифодалайди. Шубҳасиз, $\max\limits_{1\le i\le n} p_i \le P$.

t_i вақт давомида қарз олувчилар сони q_i орқали ифодаланади. Айтайлик, ажратилган кредитнинг ўртача миқдори бор, q_i ўсиш билан p_i қиймати камаяди. t_i, p_i, q_i қийматлар дискретдир. Лекин, қулайлик учун, вақт узлуксиз ўзгаради деб фараз қиламиз - t, p_i, q_i ҳам t узлуксиз функцияларнинг миқдорлари ҳисобланади, яъни $p(t), q(t)$.

Қарз олувчилар учун мақбул шароитларда кредит ресурслари қанчалик кўп бўлса, уларнинг сони шунчалик тез ўсиб боради, яъни:

$$\frac{dq}{dt} = \alpha_1 (p - p_0), \quad \alpha_1 > 0, \quad p_0 = const > 0, \qquad (1)$$

бу ерда α_1- қарз олувчилар сонининг ўсиш суръатларини тавсифловчи параметр.

(1) да p_0 қиймат бор деб тахмин қилинади, $\frac{dq}{dt}=0$ учун, яъни қарз олувчилар сони доимийлигича қолмоқда. Бу мувозанат ҳолати бўлиб, унда кредит ресурслари ҳам, қарз олувчилар сони ҳам доимий бўлиб қолади.

Бошқа томондан, қарз олувчилар сонининг кўпайиши билан кредит ресурслари маълум даражада камаяди, яъни:

$$\frac{dp}{dt}=-\alpha_2(q-q_0), \quad \alpha_2=const>0, \quad q_0=const>0, \qquad (2)$$

α_2 коэффициент қарз олувчилар сонининг кўпайиши билан кредит ресурсларининг ўзгариш тезлигини тавсифлайди.

(1), (2) да бўлгани каби, қарз олувчилар ва кредит ресурслари сони доимий бўлганида $q=q_0$ мувозанат режими ўрнатилади.

Биз (1) ни t орқали фарқлаймиз ва (2) дан фойдаланиб, биз ундан p ни чиқариб ташлаймиз.

$$\frac{d^2(q-q_0)}{dt^2}=-\alpha_1\alpha_2(q-q_0), \qquad (3)$$

Маълумки, (3) баъзи бир бошланғич шартлар учун мувозанат ҳолати атрофида $\sqrt{\alpha_1\alpha_2}$ частота билан вақт бўйича ўзгариб турадиган $q=q_0$ ечимга эга.

(1), (2) дан биз (3) билан бир хил $p-p_0$ тенгламани оламиз, яъни:

$$\frac{d^2(p-p_0)}{dt^2}=-\alpha_1\alpha_2(p-p_0), \qquad (4)$$

у ҳам мувозанат ҳолати атрофида $p=p_0$ тебранишга эга.

(1) ни (2) га бўлсак, биз қуйидагиларни оламиз:

$$\frac{dq}{dp}=-\frac{\alpha_1(p-p_0)}{\alpha_2(q-q_0)},$$

унинг умумий интеграли қуйидагича шаклга эга:

$$\alpha_1(p-p_0)^2+\alpha_2(q-q_0)^2=const>0. \qquad (5)$$

(5) дан кўриниб турибдики, $p=p_0$ да ёки $q=q_0$, q ёки p мос келадиган мувозанат қийматлари q_0 ва p_0 дан фарқ қилади.

Тасаввур қилайлик, $t=0$ да қуйидаги ҳолатга эга бўламиз:

$$p(0)=\tilde{p}_0, \quad q(0)=\tilde{q}_0. \qquad (6)$$

(3), (4) тенгламаларни ечиш учун яна битта қўшимча шарт кўрсатилиши керак. Биз уларни (1), (2) тенгламаларнинг ўзидан аниқлаймиз, яъни:

$$\frac{dq(0)}{dt}=\alpha_1(\tilde{p}_0-p_0), \ \frac{dp(0)}{dt}=\alpha_1(\tilde{q}_0-q_0). \qquad (7)$$

У ҳолда (3), (4) ечимларни (6), (7) шартлари билан қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$q(t) = q_0 + (\tilde{q}_0 - q_0)\cos\omega t + \frac{\alpha_1}{\omega}(\tilde{p}_0 - p_0)\sin\omega t, \qquad (8)$$

$$p(t) = p_0 + (\tilde{p}_0 - p_0)\cos\omega t - \frac{\alpha_2}{\omega}(\tilde{q}_0 - q_0)\sin\omega t, \qquad (9)$$

(8), (9) кўринишдан маълум бўладики $p(t)$ ва $q(t)$ тебраниш хусусиятига эга. Бу икки рақобатдош тизимнинг ўзаро таъсирида умумий хусусиятдир.

Тадқиқот усуллари. Бир мисолни кўриб чиқамиз. $p_0 = 65\,млрд.сўм$, $q_0 = 600$ бўлсин. Банк $\tilde{p}_0 = 100\,млрд.сўм.$ бошланғич кредит ресурсига эга. Қарз олувчиларга кредит беришнинг дастлабки босқичида - $\tilde{q}_0 = 700$ эди. Биз коэффициентларнинг қуйидаги қийматларини қабул қиламиз $\alpha_1 = 0{,}2\,(кунлар \cdot млрд.сўм)^{-1}$, $\alpha_2 = 0{,}002\,млрд.сўм/кунлар.$

Таҳлил ва натижалар. Параметрларнинг берилган қийматлари учун (8), (9) га мувофиқ ҳисоб-китоблар натижалари 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Банк кредит ресурслари динамикаси p (- - - - -) млрд.сўм ва қарз олувчилар сони q (—)——

1-расмдан кўриниб турибдики, q қарз олувчилар сонининг кўпайиши билан банкнинг жорий p кредит ресурслари камаяди. Муайян кечикиш билан қарз олувчилар сонининг камайиши билан олдинги кредитларни қайтариш ҳисобига жорий кредит ресурслари кўпаяди. Кредит ресурсларининг мувозанат қийматлари ва қарз олувчилар сони билан, мос равишда, қарз олувчилар ва кредит ресурслари сони экстремал қийматларга етади, бу (1), (2) тенгламаларнинг дастлабки тахминлари ва хусусиятларига тўлиқ мос келади.

Кредит ресурсларининг бундай динамикасини бошқалар қатори банкларнинг кредит рискини баҳолаш омилларидан бири сифатида кўриш мумкин.

(1), (2) моделларда α_1 ва α_2 параметрлар доимий деб ҳисобланган. Бироқ, бу коэффициентлар q ва p га боғлиқ бўлиши мумкин. Агар бундай

қарамлик ҳисобга олинса, яъни $\alpha_1 = \alpha_1(p,q)$, $\alpha_2 = \alpha_2(p,q)$ ҳисобланса, (1), (2) моделлар чизиқли бўлмаган бўлади. Бундай вазиятда турли хил таъсирлар, хусусан, бир нечта мувозанат ҳолатининг мавжудлиги мумкин. Бундан ташқари, моделни янада умумлаштириш сифатида турли қарз олувчиларга берилган кредитларнинг ҳар хил суммаларини ҳисобга олиш мумкин. Қарз олувчилар сонига қараб кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг динамикасини аниқлаш моделини ишлаб чиқиш қизиқарли кўринади.

Хулоса ва тавсиялар. Бу ерда таклиф этилаётган модел, таниқли оптималлаштириш моделларидан фарқли ўлароқ, кредит ресурслари динамикасини ва қарз олувчилар сонини уларнинг рақобатдош манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш имконини беради.

Фойдаланилагн адабиётлар рўйхати

1. Егорова Н.Е., Смулов А.М. Математические методы финансового анализа банковской деятельности // *Аудит и Финансовый анализ.* 1998, № 2. С. 75-147.
2. Четыркин Е.М. *Финансовая математика.* М.: Дело. 2000.–400 с.
3. Capinski M., Zastawniak T. *Mathematics for Finance: An Introduction to Financial Engineering.* Springer. 2003. – 321 p.
4. Lando D. *Credit Risk Modeling. Theory and Applications.* Princeton University Press. 2004. – 329 p.
5. Bensoussan A., Zhang Q. (Guest editors). *Mathematical modeling and numerical methods in finance.* Elsevier. 2009.
6. Greene W. H. *Econometric analysis*. Prentice Hall. 2012.
7. Самарский А. А., Михайлов А. П. *Математическое моделирование: Идеи. Методы. Примеры.* — 2-е изд., — М.: ФИЗМАТЛИТ, 2005. - 320 с.

Ризниченко Г. Ю. *Математическое моделирование биологических процессов. Модели в биофизике и экологии*. — М.: Издательство Юрайт, 2016. — 183 с.

V ШЎЪБА“РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БОШҚА ТАРМОҚЛАР ВА СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ”

МЕҲМОНХОНА БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Шавқиев Эркин, СамИСИ “Рақамли иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.
Ширинбоева Дилора Дилмурод қизи, МИ-121 гуруҳ магистранти

Аннотация: ушбу мақолада меҳмонхона хўжалигининг вужудга келиши ва тарихий тараққиёти келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистонда туризм ва меҳмонхона хўжалигининг ривожланиш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар:туризм, меҳмонхона хўжалиги, карвон сарой, дам олиш, миллий модел.

Ўзбекистон иқтисодиётининг самарали ривожланиш даврига қадам босиши шароитида туризм ва меҳмонхона хизматлари – замонавий хизмат турлари сифатида талқин қилиниб, унга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Туризмнинг юқори даромад келтирувчи соҳа бўлганлиги учун Ўзбекистонда янги-янги меҳмонхоналар қурилмоқда, эскилари қайта жиҳозланиб, замонавий кўринишда таъмирланмоқда.

Меҳмонхона хўжалигининг вужудга келиши ва тарихий тараққиёти кишилик жамиятининг ривожланиши билан чамбарчас боғланиб кетган. Биринчи меҳмондўстлик корхонаси саёҳат қилувчи кишиларга хизмат кўрсатиш бўйича касб сифатида узоқ ўтмишда, яъни қадимги шарқ цивилизацияси даврида (эрамиздан олдинги 2 минг йил аввалроқ) пайдо бўлган. Ундан анча кейингироқ даврда римликлар давлат зарурати бўйича саёҳатчилар учун ажратилган махсус биноларни қуришган. Улар бош (асосий) йўл бўйларида жойлашган ушбу биноларни меҳмонлар яшайдиган ҳовлиларнинг ўтмишдоши деб ҳисоблаш мумкин.

Меҳмондўстлик корхоналарининг пайдо бўлишида Яқин Шарқ, Осиё ва Кавказорти мамлакатларида савдо алоқаларининг ривожланиши улкан роль ўйнаган. Юқоридаги ҳудудлар бўйлаб йирик савдо йўллари ўтганди (жумладан, Буюк ипак йўли ва бошқа). Улар орқали товарлар билан карвонлар ҳаракатланган. Савдо йўллари бўйлаб саёҳатчиларнинг тунашини ташкил қилиш учун махсус жойлаштириш манзиллари – карвон саройлар (йўловчиларнинг қўниши ва дам олиши учун бино) барпо этилган эди. У одатда одамлар учун бинони, туялар ва отлар учун қўраларни ўз ичига олган.

Буларнинг барчаси шамол, қор-ёмғир, бўрон, шунингдек қароқчилар ва талончилардан ҳимоя қилиш учун баланд деворлар билан ўраб олинган..

Ўрта асрлар (V-XIII)га келиб меҳмондўстлик корхоналари ривожланишига диний анъаналар ҳам анчагина сезиларли даражада таъсир ўтказган. Ўша даврда жуда кўпгина одамлар муқаддас қадамжоларга бориб, зиёратни амалга оширишган. Йўловчилар қўноқ, яъни тўхтайдиган турар жойларни, энг аввало, монастирлар ва ибодатхоналардан қидиришганлар. Христианларда черков зиёратчиларга бошпана беришни, улар учун тунашга жой беришни, овқатлантиришни монастирларга юклаган.

Саёҳатчиларга монастир томонидан бепул хизмат кўрсатилиши хусусий жойлаштириш корхоналарининг ривожланишига имкон бермаган. Шунга қарамай, яшаш ҳовлилари бўлган бинолар, карвонлар тўхтайдиган жойлар, уларнинг сони борган сари ортиб борган. Бироқ улар дастурхонсиз – фақат бошпана таклиф қилиш билан чекланган бинолар, яъни саройлар, таверна (майхона)лар бўлганлар.

Шахсий меҳмонхона ҳовлилари ва таверналар тараққиётига фақат Ўрта асрлардан кейингина туртки берилди. Хусусан, 1530 йилларда Англияда қирол Генрих VIII черков мулкини дунёвий мулкка ўтказди ва жаҳонгаштачилик қилувчилар энди монастирларда бепул яшашга умид қилаолмасдилар. Улар хусусий яшаш ҳовлиларда тўхташга мажбур бўлдилар. Қадимги Русда бундай хусусий ҳовлилар XII- XIII асрларда пайдо бўлишди. Ушанда улар “Яма”**,** деб аталар ва бир-биридан маълум бир ўтиш масофасида жойлашганди.

Меҳмонхоналарнинг навбатдаги сезиларли тараққиёт даври (XIII-XIV асларда) Европада мунтазам почта ва от-арава транспорти (Ғарбий Европада “дилижанси”, Россияда эса “ЯМА” станцияси) тармоғи ўрнатилиши билан боғлиқ. Мамлакатда почта трассаси бўйлаб давлат транспорти учун махсус почта станциялари пайдо бўлди. Улар шунингдек дам олиш жойи ҳам бўлиб хизмат қилишади; улар қор- ёмғирдан бошпана ва отларни алмаштиришни енгиллаштириш манзили ҳам ҳисобланар эди.

XV асрга келиб, кўпгина “қўноқ ҳовли”лар почта станциялари билан қўшилиб кетди. Моҳиятан уларни меҳмонхоналар шакли деб аташ мумкин. Руснинг катта шаҳарларида махсус меҳмон ҳовлилари ҳам пайдо бўлишди. Уларнинг қўноқ ҳовлилардан фарқи шунда эдики, бу ерда йўловчилар нафақат жойлашиш ва овқатланиш имкониятга эга бўладилар, балки улар тижорат ишларини ҳам амалга ошира бошладилар. Яъни меҳмонхона ҳовлисига мебелли хоналар, савдо расталари, лавка (дўкон) ва омборхоналар бирлаштирилди. Одатда буларнинг ҳаммаси баланд деворлар ва миноралар билан ўраб олиниб, алоҳида кириш дарвозалари билан таъминланган эди.

Ғарбий Европа мамлакатларида очилган, ташкил этилган биринчи қаҳвахоналар XVI асрга таалуқли бўлиб, у ўша даврнинг маданий ва адабий ҳаёти марказига айланганди. Уларнинг пайдо бўлиши кофе ва чой сингари қадимги хушбуй ичимликларнинг тарқалишига имкон берди.

Меҳмонхона индустрияси тарихида биринчи **“**Меҳмонхона**”** сўзи XVIII асрда пайдо бўлди. Францияда дастлабки меҳмонхоналар “кўп хонали бино**”** деб аталган. Ундаги хоналар бир ойга, бир ҳафтага, ҳатто бир кунга ижарага берилган. Тез орада бу атама Америкада ҳам кенг тарқалганди. У ерда кўпчилик таверналар тезда “меҳмонхона**”** деб атала бошлаган. Бу эгаларнинг фикрича, уларга европача (французча) кўрк бағишлаган АҚШ меҳмонхоналарни техник жиҳатдан жиҳозлаш соҳасида кўпчилик янгиликларнинг ватани деб ҳисобланади. Меҳмонхоналарга бўлган эҳтиёж бу мамлакатда эмигрантлар, яъни бошқа мамлакатлардан доимий яшаш учун келган аҳолининг бир қатлами тўхтовсиз оқиб келиши боис жуда катта бўлган. Уларни вақтинча жойлашишга зарурат сезгани туфайли меҳмонхона бизнесининг гуркираб ривожланишига, унга талабни кескин ошишига имкон яратган.

1794 йил АҚШ да биринчи маротаба меҳмонхона очилди. Бу Нью – Йорк шаҳридаги Бродвес 70 хонали “City Hotel” (“Сити – меҳмонхона”)си эди. 1829 йилга келиб, Бостон шаҳрида 170 хонали “Тремонт” меҳмонхонаси очилди. АҚШ да бу биринчи классли меҳмонхона эди. У даҳлизлар, регистрация бўлими (ресепшин) га эга эди. Номерларнинг эшиклари қулфланар (икки ва бир ўринли) ва ҳатто меҳмонлар учун бепул совун билан таъминланганди. Бу воқеа ушбу мамлакатда меҳмонхоналарнинг тезда кўпайишига асосий сабаб бўлиб хизмат қилди.

XIX аср ўрталарига келиб мамлакатда марказий иситиш тармоғига эга бўлган биринчи меҳмонхона ҳам иш бошлади. XIX аср охирига келиб эса меҳмонхоналарнинг икки типи кенг тарқалди. Бири катта ва ҳашаматли бўлиб, улардан айримлари чинакам архитектура санъатига эга эди. Меҳмонхона кенг вестюбеллар, бал учун заллар кишини ҳайратга соларди. Улар ўша пайтдаги барча қулайликларга – лифт, ҳожатхона, электр нури ва бошқаларга эга эди. Бошқалари эса, кичкина ва эскирган, арзон нархларда хизматлар таклиф қилишган.

Ўзбекистон катта туристик имкониятларга эга мамлакат ҳисобланади. Шу сабабдан, ҳозирги кунда юртимизда туризмнинг миллий моделини шакллантириш жараёни кетмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, республикада хар йили туристлар окимининг 15% га кўпайиши кутилмокда, бу Бутунжаҳон туристик ташкилотининг тахминларига нисбатан икки маротаба кўпдир.

Туристик хизматларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши сабабли, сўнгги йилларда, юртимиз тадбиркорларининг ташаббуслари билан бир қанча туристик корхоналар ташкил этилди ва хусусий меҳмонхоналар қурилди. “Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилишга қаратилган чоралар кўрилгани натижасида, 2015 йилда 398 тани ташкил қилган туризм

ташкилотлари сони 2018 йил якуни бўйича 950 тага, меҳмонхона хўжаликлари сони 661 тадан 900 тага етди”[96].

Концецияга кўра 2025 йилда 2018 йилга нисбатан Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 2,2 баробарга, туризм хизматлари экспорти – 2,1 баробарга, ички туристлар сони – 1,6 баробарга, меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони – 3,3 баробарга, шунингдек, туроператорлар сони – 1,5 баробарга кўпаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“**2022–2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси**”** тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармонида: “**Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш”,** белгилаб берилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иқтисодий ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, мамлакатимизда туризм ва меҳмонхона хизматларини кўрсатиш миқиёсини оширишга кенг имкониятларни вужудга келтирмоқда. Чунки, бу соҳа миллий иқтисодиётнинг тобора юксалиб боришида муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги **“**2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси**”** тўғрисидаги ПФ-60-сон Фармони.

3. Лойко О. Т. Туризм и гостиничное хозяйство. -Томск: ТПУ, 2005.

4. Ляпина И. Ю. Организация и технология гостиничного обслуживания. - М.: Альфа-М, 2001.

5. Маматқулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Маърузалар курси. СамИСИ. 2008.

6. Медлик С. Гостининый бизнес. М.: 2005.

7. Султонов Ш., Шавқиев Э., Усманов З. Туризм ва меҳмонхона хизматлари иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020.

[96] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Абдухалилова Лайло Тохтасиновна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Маркетинг” кафедраси профессори, и.ф.н.
laylo.66@mail.ru
Тел: +99893 519 77 00

Аннотация. Ушбу мақолада банкларда замонавий банк хизматларини ташкил этиш, унда рақамлаштиришнинг ўрни ва аҳамияти, банк хизматларини рақамлаштиришда юзага келадиган муаммо ва камчиликлар маркетинг тадқиқотлари ёрдамида кенг ўрганилди, банк хизматларини рақамлаштириш бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар берилди.

Калит сўзлар: банк, хизматлар, мижоз, эҳтиёж, рақамлаштириш, маркетинг тадқиқотлари, интернет технологиялар, молия, инновация.

Мамлакатимизда 2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тасдиқланди ҳамда стратегияни амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланди. Мақсадли кўрсаткичларда, жумладан, қуйидагилар назарда тутилди[1]:

– банк тизими активларининг жами ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари ҳиссасини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш;

– банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида хусусий сектор олдидаги мажбуриятлар ҳиссасини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;

– 2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталига зарур тажриба, билим ва нуфузга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;

Ҳозирги вақтда тижорат банклари хизматларининг маҳаллий ва ташқи бозорлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимининг таркибий қисмларидан бири бу банк маркетингидир. Банк маркетинги банк соҳасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради, хусусан[2]:

- банк бозоридаги вазиятдан келиб чиқиб, бизнес юритиш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш мезонлари тизимини шакллантиради;

- мижозлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда банк хизматларининг рақобатли устунликлари яратади;

- банк фаолияти самарадорлигини оширади ва рискини камайтиради.

Банк хизмати, бир томондан, банкнинг ушбу ижтимоий-иқтисодий шароитларда потенциал мижозларнинг (юридик ва жисмоний шахсларнинг)

муайян эҳтиёжларини қондириш, бошқа томондан, ўз мижозларига хизмат кўрсатиш ниятининг ифодасидир. Бу ерга банк омонатлари, пул ўтказмалари, кредитлар, шу жумладан автокредитлар, ипотека кредитлари, истеъмол кредитлари, интернет-банкинг, банк карталари каби асосий атамалар ва тушунчалар киради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти бошқа ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидан фарқ қилади, шу сабабдан фаолият юритаётган тижорат банклари учун барча янгиликлар ва ўзлаштиришлар ҳам самарали бўлмайди.

Банк маркетинг воситалари - бу мижозларнинг банк маҳсулотлари ёки хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган услублар ва ҳаракатлар мажмуидир[3]. Интернет-технологияларнинг ривожланиши даврида банк хизматлари бозорида етакчи мавқени сақлаб қолиш тобора қийинлашиб бормоқда. Банклар томонидан жорий этилган инновациялар потентциал мижозларни жалб қилишнинг муҳим воситаларидан бирига айланди. Ҳозирда бизнес стратегиясида инновациялар ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий технологияларидан фойдаланмайдиган банкни топиш қийин.

Бироқ, шунга қарамай, кўплаб мутахассислар молиявий инқирознинг сабабларидан бири банк секторида истеъмолчини қизиқтирмаган янгиликларни жорий этиш деб ҳисоблашади.

Шуни ёдда тутиш керакки, мижозлар ва банклар “инновация” тушунчасини турлича қабул қилишади. Шунинг учун, янги инновацион маҳсулот ёки хизматни ишлаб чиқишда банк потенциал мижознинг афзалликлари ва эҳтиёжларини диққат билан таҳлил қилиши керак бўлади.

Интернетда муайян аудитория сегментлари билан ишлаш хорижий чакана банкнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Энг самарали воситалардан бири бу мақсадли аудиториянинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ яратилган ва потенциал мижоз билан бир хил тилда “гаплашадиган”, шунингдек унинг ўзига хос эҳтиёжларини қондирадиган микросайтлардир. Мисол учун, Bank of America икки банк маҳсулоти – чек счетлари ва кредит карталар бўйича АҚШ талабалари орасида бозорда биринчи ўринни эгаллайди[4].

Мижозларни жалб қилишнинг хорижий амалиётидан навбатдаги мисол – NatWest инглиз банки томонидан ота-оналарга келажакдаги оилавий ҳаражатларни режалаштиришда ёрдам берадиган янги онлайн воситани ишга туширишдир. Статистика маълумотларига кўра, Буюк Британияда, туғилгандан бир бола парваришлаш учун 17 йил ота-оналар ўртача харажати 307083 фунт стерлинги ташкил қилади. Бундай юқори нарх кўплаб келажакдаги ота-оналарни ажаблантириши ва уларни керакли миқдорларни тўплашга ундаши мумкин, дейди банкирлар[5]. Шундай қилиб, банк янги мижозлар гуруҳини - ёш ота-оналарни жалб қилиши мумкин.

Банкларнинг нафақат Интернетда, балки ижтимоий тармоқларда ҳам мавжудлиги тобора қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. MP Group

томонидан ўтказилган тадқиқотда онлайн-банкинг хизматларининг хорижий истеъмолчиларининг атиги 2 фоизи ўзларининг молия-кредит ташкилотлари томонидан ижтимоий тармоқларда эълон қилинган маълумотларни доимий равишда кузатиб бориш ниятида эканлиги айтилган[6].

Масалан, кўплаб маҳаллий банклар доимий равишда мижозларга ижтимоий тармоқларда янги маҳсулотлар ва хизматлар ҳақида гапириб беришади, шунингдек аҳолининг молиявий таълими билан шуғулланишади.

Ижтимоий тармоқлардан олдин маркетинг дунёсида кўп сонли одамлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш ҳозирги кунга қараганда анча қимматга тушарди. Бу шуни англатадики, маълумот тарқатиш харажатларини сарфлашдан олдин, сотувчилар ҳар бир хабарни тавсифловчи рентабелликни доимий равишда ҳисоблашлари керак. Аммо блоглар дунёсида маълумотни нашр этиш деярли ҳеч қандай харажат талаб қилмайди – уни фақат нашр этиш керак ва банк менежерлари ҳар бир хабарнинг рентабеллиги ҳақида қайғурмайди.

Умуман олганда, банк маркетинги деганда тижорат банки томонидан мижозларнинг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда банк маҳсулотларининг энг фойдали бозорларини излаш ва улардан фойдаланиш тушунилиши мумкин. Бу мақсадларни аниқ белгилаш, уларга эришиш йўллари ва воситаларини шакллантириш, режаларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишни назарда тутади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар йили юридик ва жисмоний шахслар томонидан интернетдан, шунингдек абонентларнинг мобил қурилмаларидан фойдаланган ҳолда кредит ташкилотларида очилган масофадан кириш счетлари сони ўсиб бормоқда. Бу тижорат банкининг рақобат стратегиясини амалга ошириш учун мобил қурилмалар ва интернет иловаларидан фойдаланишда катта салоҳият мавжудлигини кўрсатади.

Интернет - маркетинг воситаларидан бири сифатида банкларни энг кўп жалб қилади. Бу, биринчи навбатда, банк операцияларининг анъанавий схемаси харажатларига нисбатан онлайн операцияларни амалга оширишда ҳаражатларнинг пасайиши билан боғлиқ. Лекин ҳатто бир қарашда самарали бўлиб кўринган бу маркетинг воситаси ҳам ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга (1-жадвал).

1-жадвалдаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, банк маркетингида интернетдан фойдаланишнинг афзалликлари билан бир қаторда камчиликлари ҳам яққол кўзга ташланади, лекин улар биринчи навбатда банк секторининг ҳозирги ҳолати билан боғлиқ ва охир-оқибат унинг ривожланиши жараёнида бартараф этилади. Шунингдек, маркетинг воситалари вақт ўтиши билан тўлдирилади ва ўзгартирилади. Ҳозирги вақтда банк раҳбарияти олдида турган асосий вазифа банк бозорининг ривожланиш суръатларини кузатиб бориш, такомиллаштириш ва банк маҳсулотлари ва хизматларини илгари суриш учун ўзларининг янги технологияларини яратишдир.

1-жадвал

Банк маркетингида интернетдан фойдаланишнинг афзаллик ва камчиликлари[7]

Афзалликлар	Камчиликлар
Харажатлар пасайиши оқибатида банк хизмати баҳоси пасаяди	Тўловлар ўтказишнинг хавфсизлик даражаси етарлича юқори эмаслиги
Янги сотув канали сифатида интернетга эга бўлиш	Ахборот хавфсизлиги даражаси етарлича юқори эмаслиги
Мижоз билан онлайн режимида қайта алоқа	Маълумотлар стандартлари номувофиқлиги сабабли коммуникацияларда йўқотишлар
Янги маҳсулот ва хизматлар турларини ишлаб чиқиш имконияти	Техник ва ахборот қўллаб-қувватлашига қўшимча харажатлар
Банк сервисларига туну-кун уланиш	Анъанавий хизматлар кўрсатиш билан таққослаганда бундай хизмат турига тайёр бўлган мижозлар камлиги
Тўлов жараёнларининг мижозлар билан ўзаро алоқа тизимларига интеграцияси	Интернетда бизнес-жараёнлар ҳуқуқий мукаммал эмаслиги сабабли битим қатнашчилари ўртасида юридик қарама-қаршиликлар

Электрон кириш, мобиллик ва қулайлик соҳаларида интеграциялашган савдо стратегиясини (omni channel) ишлаб чиқишдан ташқари, мижозлар билан ишлашнинг қуйидаги банк технологиялари фаол равишда такомиллаштирилмоқда ва хорижий банкларда фойдаланувчилар учун жорий этилмоқда:

1) шахсийлаштирилган ёндашувни яратиш учун мижоз ҳақида чуқурроқ билимлардан фойдаланиш, шунингдек уни янада эмоционал даражада жалб қилиш учун банк хизматларини илгари суриш каналларидан қатъи назар, маълумотлардан фойдаланиш ва мижоз билан ўзаро алоқада бўлиш имкониятини амалга ошириш. Бундай ҳолда, банк маслаҳатчи сифатида ишлайди, яъни потенциал мижозга керак бўлган маҳсулот ва хизматларни таклиф этади;

2) банк бўлинмаларини “рақамли” реконструкция қилиш. Фойдаланувчилар орасида электрон қурилмалардан фойдаланиш улушининг ошиши билан банклар ўз филиалларининг форматини ўзгартиришга эҳтиёж сезмоқдалар, улар кичик, кўпроқ ўз-ўзига хизмат кўрсатиш филиаллари асосида қурилган бўлиб, бу ерда мобил қурилмаларда планшетлар ва видеочатлардан фойдаланиш асосий рол ўйнайди;

3) мобил тўловларни ривожлантириш. Apple Pay каби янги хизматларнинг пайдо бўлиши билан мобил тўловлар энди одатий ҳолдир, аммо банк технологиялари соҳасида мобил каналлар ҳали ҳам бэк-офис тизимлари (банк ва мижоз ўртасидаги операцияларни ички ҳисобга олиш тизимлари) билан яхши интеграциялашмаган. Шу муносабат билан банклар учун бундай савдо каналидан фойда олиш ҳали ҳам қийин;

4) мижознинг биометрик аутентификация қилиш. Мобил фойдаланувчини идентификация қилиш банклар учун тобора муҳим мавзуга айланиб бормоқда, чунки уларнинг мижозлари онлайн банк хизматидан смартфон ва планшетлардан фойдаланишга ўтишади. Хусусан, Apple Pay яхши мисолни кўрсатди - бармоқ изини токенизация билан бирлаштириш;

5) содиқлик дастурларини ривожлантириш чиқиш. Finaccord маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг тахминан 14,5% и (650 млн киши) камида битта содиқлик дастурида қатнашади ва бу кўрсаткич ҳар йили 12 фоизга ошади. Банклар аллақачон бу кучли маркетинг воситаси фойдасини тўлиқ англаб етишган.

Стратегик ривожланиш учун содиқлик дастурлари доирасида олинган мижозлар маълумотлари бундан кам аҳамият касб этмайди, бу сизга аудиторияни сегментлаш ва мақсадли алоқа кампанияларини ўтказишга имкон беради. Ва ниҳоят, банк бошқа содиқлик дастури иштирокчиларининг мижозлар базаларига кириш ҳуқуқига эга бўлиши, шунингдек мукофотларни тўплашдан манфаатдор бўлган ўз мижозларини сақлаб қолиши мумкин.

Тижорат банклари ўз мақсадларига эришиш учун банк маҳсулотлари ва хизматларини истеъмолчиларга тарғиб қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишлари керак. Шу билан бирга, у мижозлар билан, биринчи навбатда, корхоналар ва аҳолининг асосий гуруҳлари билан фаол мулоқот қилиш дастурини амалга оширади, таҳлиллар шуни кўрсатдики, мижозлар базасининг асосини ташкил этади ва келажакда уни кенгайтириш манбалари ҳисобланади. Мижозлар билан алоқаларни банк қуйидаги тарзда амалга оширилиши керак:

— бевосита банк ходимлари томонидан хизмат кўрсатишда;

— банкнинг жамоатчилик билан алоқалари орқали;

— ўринли реклама воситаларидан фойдаланиш орқали.

Коммуникация сиёсати доирасида тижорат банклари иккита асосий мақсадга эришиши кўзда тутилади:

1) банк хизматларининг асосий мақсадли бозорлари ва сегментларида истеъмолчилар ўртасида ташкилотнинг ижобий имиджини яхшилаш ва мослаштириш;

2) индивидуал банк маҳсулотларини тегишли мақсадли сегментларда илгари суриш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун тижорат банклари корпоратив ва маҳсулотларни реклама қилиш, шунингдек, ходимларни ўқитиш ва уларни касбий ахборот билан таъминлаш тизимини жорий этиш билан боғлиқ бир қатор тадбирларни ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур. Шундан сўнг банклар учун қуйидаги имкониятлар очилади:

— мижозларнинг муайян банк маҳсулотлари ва хизматлари бўйича сўровлари;

— банкни ҳар бир мақсадли сегментда истеъмолчилар кутган ижобий хислатлар билан боғлаш;

— шаҳар ҳокимлиги ва жамоатчилик билан алоқалар учун қулай база;

— бошқа банклар ва молиявий воситалар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини очиш;

— ходимлар томонидан расмий вазифаларни сифатли бажариш мотивациясининг ўсиши;

— мижозларнинг банк фаолияти тўғрисидаги умумий маълумотлардан фойдаланиши;

— матбуотда виждонсиз рақобатчилар томонидан тарқатилиши мумкин бўлган салбий хабарларини зарарсизлантириш.

Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, банк хизматларини кўрсатиш тизими молия бозорида рақобатни кучайтириш ва банк хизматларини тақсимлаш технологиясига бўлган талабларни ошириш ва уларни рағбатлантириш манфаатлари учун қайта ташкил этилиши мумкин.

Шунингдек, тижорат банкларида маркетинг тадқиқотларининг асосий жиҳатлари қаторида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-мижознинг устунлиги;

-фаол қайта алоқа;

-IT-технологиялар, ноу-хау;

-муаммони ҳал қилишга ижодий ғоялар ва ёндашувларни рағбатлантириш.

Хулоса қилиш мумкинки, банклар янги турдаги молиявий воситаларни ишлаб чиқмоқдалар, бу янги мижозларни жалб қилиш ва мавжудлари билан ўзаро алоқада бўлиш учун жуда самарали. Кўплаб хорижий сотувчилар ижтимоий тармоқларга аксарият мижозлар билан алоқада бўлишнинг осон ва арзон усули сифатида кўриб чиқишади.

Шундай қилиб, дунёда банк маркетинг тадқиқотлари воситаларининг ривожланиши жадал суръатларда давом этмоқда, деган хулосага келиш мумкин. Интернет фойдаланувчилари сони ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, электрон алоқани такомиллаштириш ва интеграциялашган савдо тизимини яратиш (унинг вазифаси мобил алоқа воситалари орқали уйдан чиқмасдан мижозлар талабини қондириш) катта истиқболларга эга ва агар муваффақиятли амалга оширилса, банкка бозор секторини кенгайтириш ва товар хабардорлигини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.lex.uz – Ўзбекистон республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси

2. http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/25_Yuldashev.pdf

3. Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Н.Самадов, У.У.Шарифходжаев, М.М.Зияева “Тармоқлар ва соҳалар маркетинги” Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2019 – 85 б.

4. Якубов М.С., Юлдошев Р.Х. «Электрон тижорат асослари” т. 2010 й. 56 б.

5. Davirova, S., & Zarefova, A. (2016). The role of internet banking in the banking system of Germany. In International Scientific and Practical Conference World science (Vol. 1, No. 7, pp. 48-49). ROST.

6. Kholmuminov, S., Tursunov, B., Saidova, M., Abduhalilova, L., Sadriddinova, N. Improving the analysis of business processes in digital era. ACM International Conference Proceeding Series, 2021, pp. 775–789.

7. https://www.natwest.com/ рақамли банк маълумотлари

8. https://www.mr-group.ru/ Россиянинг бинолар сотувида рақамли тижорат хизматлари кўрсатувчи ташкилот

O’ZBEKISTON TIJORAT BANKLARIDA SMART BANK XIZMATLARINING RIVOJLANISHI

Abrorov Sirojiddin Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti “Moliya” kafedrasi katta o’qituvchisi, PhD, sirojiddin_2463@umail.uz
Eshova Iroda Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti 4-bosqich talabasi eshovairoda1@gmail.com

Annotatsiya: Milliy bank tizimimizning jahon bank tizimi bilan raqobatbardoshligi ko’p jihatdan zamonaviy texnologiyalarning rivojlanish darajasi bilan belgilanib, ular ichida Internet-banking tez sur’atda o’sib borayotgan va muhim yo’nalishlardan biri hisoblanadi. Mazkur tezis Internet-banking xizmati imkoniyatlaridan keng foydalanishning xorijiy tajribasi va milliy amaliyotdagi tutgan o’rni haqida yozilgan.

Kalit so’zlar: smart bank, internet-banking, mobil banking, masofaviy xizmat, SMS banking .

Аннотация: Конкурентоспособность нашей национальной банковской системы с мировой банковской системой во многом определяется уровнем развития современных технологий, среди которых интернет-банкинг является одним из наиболее динамично развивающихся и важных направлений. В данной диссертации рассказывается о зарубежном опыте широкого использования услуг интернет-банкинга и его роли в отечественной практике.

Ключевые слова: смарт-банк, интернет-банкинг, мобильный банкинг, дистанционное обслуживание, смс-банкинг.

Abstract: The competitiveness of our national banking system with the world banking system is largely determined by the level of development of modern technologies, among which Internet banking is one of the fastest growing and

important directions. This thesis is written about the foreign experience of wide use of Internet banking services and its role in national practice.

Keywords: smart bank, internet banking, mobile banking, remote service, SMS banking.

Masofaviy bank xizmatlarini ko‘rsatish turli bank operatsiyalarni masofadan amalga oshirish imkoniyatini beradigan xizmatlar kompleksidir. Buning uchun bank muassasasiga tashrif buyurmasdan turib kompyuter yoki mobil telefondan foydalanish kifoya. Masofaviy texnologiyalar mijozga bank xizmatlaridan foydalanishda maksimal qulaylik va bank bilan ishlash jarayonida vaqt hamda moliyaviy xarajatlarni minimallashtirish imkonini beradi.

Bank xizmatlaridan masofaviy foydalanishning bir qancha usullarini ajratib ko’rsatish mumkin.

Bank-mijoz xizmat ko’rsatish, bunda, kompyuter orqali amalga oshiriladigan tizimligi va unda mijozning kompyuteriga maxsus dastur o‘rnatilishi tushuniladi. Ushbu dastur kompyuterda barcha mijoz ma’lumotlarni saqlaydi. Bank va mijozning kompyuteri o‘rtasida modem orqali to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa amalga oshiriladi.

Internet-banking esa, bu mijozlarning depozit hisobvaraqlarini, jumladan bank kartalariga ochilgan hisobvaraqlarini, internet orqali boshqarish huquqini beruvchi tizimdir. Bu xizmat turi mijozning masofadan bank bilan bog‘langan holda real vaqt davomida to‘lovlarni o‘tkazish uchun mo‘ljallangan tizimdir. Foydalanuvchi tizimga veb-brauzer orqali qiradi. Internet-banking tizimi bankning veb-serverida joylashtiriladi. Foydalanuvchi bankning veb-saytida barcha o‘z ma’lumotlarini ko‘rib chiqish imkoniyatiga ega.

Internet-banking orqali mijoz o‘z ish joyidan internet orqali bank saytiga ulanib, o‘z hisobraqamiga tushayotgan pullarni ko‘rishi va pul o‘tkazmalarini tayyorlab bankka uzatishi mumkin bo‘ladi. Mobil banking tizimi internet-banking texnologiyasi asosida yaratiladi.

SMS-banking tushunchasi bank mijozlarga ularning depozit hisobvaraqlaridagi hamda bank kartalariga ochilgan hisobvaraqlaridagi operatsiyalar haqida SMS ko‘rinishdagi ma’lumotlarni olish tizimi ekanligini anglatadi. Hisobvarag‘idan ma’lumot olish uchun mijoz bankning maxsus telefon raqamiga belgilangan SMS-so‘rovni yuborish kerak.

Bugungi kunda aholimiz tijorat banklarining mobil ilova dasturlari orqali real vaqt rejimida kartadan kartaga pul o‘tkazish (P2P) operatsiyalarini bajarish, soliq, byudjet, kommunal va boshqa to‘lovlarni amalga oshirish, mikroqarz olish va kreditlarni so‘ndirish, onlayn omonatlarni rasmiylashtirish, depozit hamda ssuda (kredit) hisobvaraqlarini masofadan ochish, xalqaro bank karta hisobvarag‘idan to‘lovlarni amalga oshirish, onlayn konversiya operatsiyalarini amalga oshirish va boshqa masofaviy bank xizmatlaridan keng foydalanishmoqda.

O‘z navbatida, korxona va tashkilotlar uchun bank hisobvaraqlarini masofadan boshqarish tizimlari orqali real vaqt rejimida bank hisobvaraqlaridagi mablag‘larni tasarruf etish va to‘lovlarni amalga oshirish, valyuta mablag‘lari sotib

olish (konvertatsiya) uchun buyurtmanomani elektron shaklda xizmat ko‘rsatuvchi bankka yuborish, oylik ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlarni o‘tkazish uchun elektron qaydnomani bankka uzatish va boshqa xizmatlardan foydalanish bo‘yicha imkoniyatlar yaratildi.[97]

Banklar masofaviy xizmat ko'rsatish kanallarini nafaqat daromad manbai, balki mijozlarni jalb qilish va ushlab turish usuli sifatida ham ko'rishadi. Bugungi kunda banklar nafaqat tariflar, balki interfeyslar bilan ham tanlanadi. Mijoz tizimlari va ularning interfeyslarini ishlab chiqishda, birinchi navbatda, mijozlarning ehtiyojlarini hisobga olish kerak - bu aniq postulat bo'lib ko'rinadi, ammo hamma ishlab chiquvchilar bunga amal qilmaydi. O‘zbekistonda 2021-yil boshida internet-banking xizmatidan foydalanuvchilarning umumiy soni 16,836 milliondan ortiq abonentni tashkil etgan bo‘lsa, bir yil ichida ularning soni 1,19 barobardan ziyod miqdorga oshgan.



1-rasm. Masofadan bank xizmatlarini ko’rsatuvchi tizimlardan foydalanuvchilarning soni. (1-yanvar holatiga, nafar)[98]

O‘zbekistonda internet-bankingni rivojlantirish istiqbollari internet-banking foydalanuvchilarining yuqori o‘sish dinamikasi bilan belgilanadi. Vaholanki, bugungi kunda mamlakatimizda internet foydalanuvchilari 25 milliondan ortiq obunachilarni tashkil etgan bo‘lsa, internet-banking qamrovi atigi 1,23 foizni tashkil etadi, rivojlangan mamlakatlarda bu ko‘rsatkich o‘rtacha 40-50 foizni ko’rsatadi. Shu bilan birga, xorijiy mamlakatlarda foydalanuvchilar sonining o'sish sur'ati ancha yuqori hisoblanadi. Internet-bankingni rivojlantirishda tijorat banklari

[97] https://cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/

[98] https://cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/

faoliyatidagi asosiy kamchiligi- bu ularning chakana iste’molchilarga e’tiborning sustligidir. Xorijiy tajriba shuni ko‘rsatadiki, bank xizmatlari tizimida internet-bankingning rivojlanishi bilan hatto yangi atama – jismoniy shaxslar uchun “Chakana bank” atamasini bosqichma-bosqich o‘rnini bosuvchi “Shaxsiy bank” atamasi ham tez-tez qo‘llanila boshlandi.

Bugungi kunda dunyoda 423,5 milliondan ortiq kishi internet-bankingdan foydalanuvchilar hisoblanadi, bu esa barcha internet foydalanuvchilarining 28,7 foizini tashkil etadi. Internet-bankingning eng faol foydalanuvchilari amerikaliklar bo'lib, ularning soni Internet foydalanuvchilari auditoriyasining deyarli yarmini (45%) tashkil etadi, Yevropada bu ko'rsatkich 37,8% ga, Lotin Amerikasida – 25,1%, Tinch okeani mintaqasida - 22% ga yetdi, yillik o'sish sur'ati 5,2% dan ortiq.[3]

Jismoniy shaxslar uchun Internet-bankingning yangi imkoniyatlarini targ'ib qilishda banklarning asosiy xatolaridan biri deb, shuni aytish mumkinki, ular o’zlarining imkoniyatlarini doimiy ravishda rasmiy kanallarida to’liq e’lon qilib borilmaydi va natijada Internet- banking mijozlar nazarida o’zlari uchun yaratilgan qulaylik emas, balki ikkinchi darajali xizmat turi sifatida namoyon bo’ladi. Oqibatda banklarning masofadan turib xizmat ko’rsatishiga nisbatan aholi ishonchining past ekanligiga duch kelamiz.



2-rasm. Masofadan bank xizmatlarini ko’rsatuvchi tizimlardan foydalanuvchilarning soni (1-yanvar holatiga, ming nafar)[99]

Xulosa sifatida aytish joizki, bank tizimimizda smart bank xizmatlarining tutgan o'rni juda ahamiyatlidir. Sababi, an'anaviy bank tizimidan raqamli bank

[99] https://cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/

tizimiga o'tish har bir mamlakatning rivojlanish kalitlaridan biri hisoblanadi. Agar mamlakat faqatgina an'anaviy bank tizimini tanlasa, bu davlat jahon bank standartlariga javob bermaydi. Shu sababdan, raqamli banklarning rivojlanishi mamlakat istiqbolini ham kafolatlashini bilishimiz kerak. Yuqoridagilarni inobatga olgan holda O’zbekiston moliya tizmini rivojlantishda raqamli bank xizmatlarini yanada jadal rivojlantirish maqsadida sohani davlat tomonidan qo’llab-quvvatlovchi qo’shimcha chora-tadbirlarni ishlab chiqish va qisqa muddatli imtiyozlarni taqdim etish zaruriy ahamiyat kasb etadi deb hisoblaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.
2. www.cbu.uz
3. www.lex.uz

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РОЛИ.

Шадиева Гулнора Мардиевна -“Реал иқтисодиёт” кафедраси проф.в.б., и.ф.д.
Кулмурадова Раъно Иқтисодиёт факультети магистри

Аннотация: Ушбу илмий мақолада оилавий тадбиркорлик унинг мазмун моҳияти, оилавий тадбиркорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириб, оила фаровонлигини оширишнинг йўналишлари бўйича маълумотлар ёритилган. Бундан ташқари рақамли иқтисодиёт шароитда республикамизда оилавий тадбиркорлик ривожланиши бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, оилавий тадбиркорлик, оила фаровонлиги, камбағалликни қисқартириш

Рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим рол ўйнайди. Иқтисодиётнинг трансформациялашуви натижасида оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни ошиб боради.

Чунки оилавий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолини иш билан таъмилаш, бандлик муаммосини ҳал қилиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ҳар бир оила учун барқарор шароитлар ва барқарор даромад манбаини яратиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг моддий аҳволини тубдан яхшилаш, турмуш даражаси ва унда сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда тизимли амалий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш ва тегишли тадбирларни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш, аллақачон маҳаллаларда янги фаолият билан шуғулланадиган оилаларда кичик-кластерларни ташкил этиш; бозор инфратузилмаси объектлари, хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш пунктлари тармоғини яратиш кабилардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сонли Фармонининг **учинчи “миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” деб номланган устувор йўналишининг** 29-мақсадида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш этиб белгиланган . Шунингдек, белгиланган мақсадга эришиш учун 2026 йилга бориб тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш, ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш каби вазифаларни амалга ошириш лозим[100]. Бу эса танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ **оилавий тадбиркорлик** оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолият бўлиб, ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

[100] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сонли Фармони

Ҳозир Ўзбекистонда оила хўжалиги тадбиркорлиги вужудга келиб ривож топмоқда. Уларнинг риволанишини таъминлаш ва жадаллаштириш учун тегишли оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларининг ташкил бўлиши тайин. Бундай бирлашмалар орқали оила хўжалигини ривожлантириш ва фаровонлигини ошириш бўйича йирик ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилса бўлади. Келажакда мамлакатимизда оила хўжалиги тадбиркорлари уюшмаларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳам ҳал қилишни тақозо қилади. Бундай нодавлат ташкилотларининг фаолият кўрсатишини ривожлантириш концепциясини ҳам ишлаб чиқиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2022- йил 1- сентябр ҳолатига кўра оилавий корхоналар жами тадбиркорлик субъектларининг 11,4 фоиз улушини ташкил етди.

2021- йилнинг 1- ноябрь ҳолатига республикамизда жами 55 725 та оилавий корхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 52 140 таси фаолият юритмоқда.

Унда «оилавий корхона - унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун ихтиёрий асосда, иштирокчиларнинг улушли ёки умумий мол-мулк, шунингдек иштирокчилардан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъекти» экани кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра 2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида республикада 9 711 та оилавий корхоналар янги ташкил этилган. Қуйидаги диаграммада 2018 – 2021 йилларда янги ташкил этилган оилавий корхоналар тўғрисидаги маълумот келтирилган.(Диаграмма 1.)

Диаграмма 1



Юқоридаги диаграммада келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, охирги 4 йил ичида энг кўп 2020 йилда, энг паст натижа эса 2018

йилда оилавий корхоналар ташкил этилан. 2021 йилда ташкил этилган оилавий корхоналар сони 2020 йилга нисбатан 17 фоизга камайган.2020 йилда ташкил этилган корхоналар сони 2019-йилга нисбатан 34 фоизга ошган, 2019 йилда ташкил этилган корхоналар сони 2018йилга нисбатан 2,7 баробарга ошганини кўришимиз мумкин.

Рақамли иқтисодиёт муносабатларининг шаклланиши оила хўжалиги тадбиркоридан нафақат тадбиркорлик бўйича, балки иқтисодий ишларни юритиш бўйича ҳам ўта билимдонликни, зийракликни талаб қилади. Тадбиркорнинг иқтисодий билими кенг қамровли бўлиши оила хўжалиги даромадига яна кўпроқ даромад келтиради, энг муҳими, мулкини янада кўпайтиради. Ундан ҳам муҳими, мулкнинг ҳажми мулкни ишлатиш орқали ошади. Бу эса, оила хўжалигининг, бутун аҳолининг, давлатнинг ҳам бойиши, иқтисодий қудратининг мустаҳкамланиши учун асос бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади – одамларимизга, ҳар бир оилага муносиб турмуш шароитини яратиб беришдан иборатдир. Бу албатта, нақадар мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бундай мақсадга эришиш учун фақат амалий тадбирларни амалга оширишгина етарли эмас. Ушбу соҳани чуқур тадқиқ қилиб, ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқишни ҳам тақозо қилади.

Бироқ, иқтисодиётни эркинлаштириш, бозор муносабатларининг шаклланиши бу муаммога янгидан ёндошишни талаб қилмоқда. Шу туфайли, ҳозирги пайтда, оила хўжалигининг иқтисодий муаммосига катта эътибор берилмоқда. Ушбу соҳа иқтисодий назария фанига киритилди ва у эндиликда микроиқтисодиётнинг субъекти сифатида қаралмокда.

Хулоса ва таклифлар

Рақамли иқтисодиёт шароитда республикамизда оилавий тадбиркорлик ривожланиши бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаган тадбиркорларга уларни фаолиятини ишга тушириш ахборот марказлари маълумотлар бериб тўғри йўл кўрсатишлари, махсус фондлар орқали маолиявий жиҳатдан кўмак кўрсатишлари, зарур ҳолларда бинолар билан таъминлашга ёрдам бериш
2. оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқоролар охирги илмий инновацион технологиялардан фойдалана олиш имкониятларига эга бўлишлари
3. бугунги кунда оилавий тадбиркорликни рўйхатга олиш анча соддалаштирилган бу жараённи янада такомиллаштириш;
4. оилавий тадбиркорлик субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, хорижий мамлакатлар билан савдо, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
5. оилавий корхоналар учун кадрларни тайёрлаш, ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бунинг учун олий таълим,ўрта

махсус ўқув юртларида “Оила иқтисодиёти“,"Оилавий тадбиркорлик асослари” фанларини ўқув режаларига киритиш лозим бўлади. Бу ишларнинг амалга оширилиши натижасида одамларни ўзини ўзи иш билан таъминлаш имкониятлари очилади ва аҳоли бандлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.:Ўзбекистон, 2014. -46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни (26 апрел 2012 й).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сонли Фармони

QISHLOQ XO`JALIGINI STRATEGIK RIVOJLANTIRISHNING USTUVOR YO`NALISHLARI

Inyatov Almaz Reymbaevich
Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti,
«Iqtisodiyot» kafedrasi dotsenti, i.f.n.,
tel: 93 486 15 99, e-mail: almaz.inyatov.66@mail.ru
Boldireva Saglara Borisovna – dotsent, i.f.n.,
Rossiya, Gorodnikov nomidagi Qalmik davlat universiteti, «Menejment» kafedrasi mudiri,
Qosbergenova Rayxan
Qoraqalpoq davlat universiteti magistranti

Annotatsiya: Maqolada qishloq xo`jaligida iqtisodiy islohotlarning strategik ustuvor yo`nalishlaridan kelib chiqib, amalga oshirilayotgan islohotlar natijalari tahlil etilgan. Mamlakatimiz qishloq xo`jaligini strategik rivojlantirishga oid taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi.

***Kalit so`zlar:*** *qishloq xo`jaligi, islohot, strategiya, dastur, qaror, ishlab chiqarish, iqtisodiy o`sish, sanoat, yer, resurs, modernizatsiya, diversifikatsiya, mulk.*

Bugun mamlakatimizda har bir soha, har bir jabhada o`zgarish, aniqrog`i yuksalish ro`y bermoqda. O`z o`rnida qishloq xo`jaligida ham modernizatsiyalash va jadal rivojlantirish bo`yicha ko`plab ishlar amalga oshirilmoqda. Binobarin,

qishloq xo`jaligi O`zbekiston iqtisodiyotining muhim tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Ushbu tarmoq mamlakatimiz aholisining oziq-ovqat mahsulotlariga, qayta ishlash sanoati tarmoqlarini esa xom-ashyoga bo`lgan talabini qondirish istiqbolli manbalaridan biri sanaladi.

Mamlakatimizda iqtisodiyotni erkinlashtirish, fan va texnikaning rivojlanishi natijasida barcha sohalar kabi agrar sohada ham tub o`zgarishlar sodir bo`lmoqda. Bu sohani rivojlantirishga esa davlat va jamiyat oldidagi muhim ustuvor vazifa sifatida qaralmoqda. Bunga asosiy sabab, agrar soha mamlakat oziq-ovqat muammolarini hal etish bilan birga oziq-ovqat sanoati korxonalarini xom-ashyo bilan taminlaydigan asosiy tarmoq hisoblanadi.

So`nggi yillarda respublikamizda xalqaro amaliyotda sinalgan, iqtisodiyotni rivojlantirish va barqarorligini taminlashda muhim ahamiyat kasb etadigan klaster tizimini joriy etish, bozor munosabatlari va tajribalarini hayotga tatbiq etishga katta etibor berilmoqda. Ko`pgina rivojlangan mamlakatlar tajribasida iqtisodiyotning barqaror taraqqiyotini taminlashda, innovatsion faollikni oshirishda, raqobatbardosh tovarlar ishlab chiqarishda klasterlarning o`rni va ahamiyati juda yuqori ekanligi ko`rsatilgan.

Prezidentimiz tomonidan ilgari surilayotgan g`oyalardan biri ham agrar sohani rivojlantirish va ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning raqobatbardoshligini taminlashdagi innovatsion g`oyalardan biri–aholining farovonligi, turmush darajasi va sifatiga ijobiy tasir ko`rsatadigan muhim xo`jalik yuritish subekti bo`lgan klasterlar tizimini mamalakatda keng joriy etib, qishloq xo`jaligini yuqori natijalarga olib chiqishdan iborat.

Keyingi yillarda qishloq xo`jaligini isloh qilish va bozor mexanizmlarini joriy etish bo`yicha qator ishlar amalga oshirildi. Davlat xarid narxlari qariyb 3 barobarga ko`paytirilgani natijasida manfaatdorlik oshdi. Yangi texnologiya va innovatsiyalarni joriy qilish, mehnat unumdorligi va ish haqini oshirish maqsadida 2019-yilda 76 ta paxta-to`qimachilik klasterlari tashkil etildi. 2020-yilning o`zida 25 ming gektar paxta maydonlarida suv tejovchi yangi sug`orish tizimi joriy qilindi. Foydalanishdan chiqqan 1 million 100 ming gektar erni qayta ishga kiritish bo`yicha say-harakatlar boshlandi.

Mamlakatimizda faqat bugunni emas, balki ertangi kunni ham o`ylab, uzoqni ko`zlab islohotlarni yangi bosqichga ko`tarish maqsadida qishloq xo`jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo`ljallangan strategiyasi ishlab chiqilgan. Bu iqtisodiyotning asosiy o`sish nuqtasi, “drayveri” bo`ldi hamda minglab ish joylari yaratildi.

Qishloq xo`jaligida suvdan to`g`ri foydalanish ham juda muhim masala. Tahlillarga ko`ra, O`zbekistonda ekin maydonlariga yo`naltirilgan suvning faqat 60 foizi ekinlarga etib boradi, 40 foizi sug`orish tizimlarida va sug`orish jarayonida yo`qotiladi. Jahon suv resurslari instituti tahminlariga ko`ra, 2040 yilga borib O`zbekiston suv o`ta tanqis bo`lgan 33 mamlakat qatoridan joy olishi mumkin. Shu bois mamlakatda bu masalaga alohida etibor qaratilmoqda. Mamlakat Prezidenti suvdan foydalanish samaradorligini oshirish va uning hisobini yuritish, har yili 200

ming gektar maydonda suv tejovchi texnologiyalarni joriy qilib borish zarurligini takidladi. Ushbu yo`nalishlar ishlab chiqilayotgan strategiyada o`z aksini topishi kerak.

O`zbekiston Respublikasida qishloq xo`jaligini davlat tomonidan qo`llab-quvvatlash va davlat xaridlari tizimini takomillashtirish masalalariga alohida itibor qaratilib, byudjet mablag`larining asosiy qismini erlarning unumdorligini oshirish, suv tejovchi texnologiyalarni joriy qilish, ilm-fanni rivojlantirishga sarflash nazarda tutilmoqda. Sohaning eksport salohiyatini oshirish va qo`shilgan qiymatga ega mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini ko`paytirish masalalariga alohida ahamiyat qaratilmoqda hamda bu borada jahon tajribasi o`rganilib mamlakatda joriy etilgan.

Masalan, Turkiyada 1 gektar erdan 2 ming dollarlik, Misrda 8 ming dollarlik, Isroilda 12 ming dollarlik mahsulot etishtiriladi. Doim bir xil standartdagi tovar etkazib berish yo`lga qo`yilmagani sababli mahsulotlar tashqi bozorda raqobatlasha olmayapti, shuning uchun ham bu ko`rsatkich O`zbekistonda judayam past darajada. Bu ko`rsatkichlarni yaxshilash uchun mahsulotlarni Evropa Ittifoqi, Sharqiy Osiyo va arab mamlakatlari standartlari asosida sertifikatlash tizimini joriy etish bo`yicha ishlar amalga oshirilmoqda. Bu borada tomorqa xo`jaliklari ham katta rezerv bo`lib xizmat qiladi va “bir mahalla – bir mahsulot” tamoyili asosida joylarda logistika xizmati va kooperatsiya tizimini keng joriy qilish ishlarini amalga oshirish yo`lga ko`yilgan.

Mamlakat qishloq xo`jaligida xizmat ko`rsatish tizimda raqobat yo`qligi sababli xizmatlar narxi yuqori, mahsulot ishlab chiqaruvchining tanlash imkoniyati yo`q. Shuning uchun mineral o`g`itlarni etkazib berish, o`simliklarni himoya qilish, texnika va boshqa xizmatlar sohasida davlat-xususiy sheriklik asosida xizmat turlarini ko`paytirish, xususiy korxonalar faoliyatini yo`lga qo`yish zarur.

Yuqoridagi vazifalar bajarilishini samarali tashkil etish uchun eng avvalo malakali kadrlar kerak. Xalqaro tajriba asosida sohaga ixtisoslashgan oliy o`quv yurtlarida o`qitishning yangi metodikasini tatbiq etish, professor-o`qituvchilar ishtirokida sayyor o`quv darslari hamda seminarlar tashkil etish muhim. Ilmiy-tadqiqot institutlarida ertapishar mahsulot turlari va hududlar iqlimiga mos chorva zotlarini yaratish, ilmiy ishlanmalarni tijoratlashtirish bo`yicha ham ishlar olib borilmoqda.

Umuman olganda, yangi strategiya qishloq xo`jaligiga bozor mexanizmlarini joriy qilib, ilmiy asoslangan ishlab chiqarishni yo`lga qo`yish orqali oziq-ovqat xavfsizligini taminlash, eksportni ko`paytirish, aholi jon boshiga to`g`ri keladigan mahsulotlar hajmini bir necha barobarga oshirishga xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytadigan bo`lsak, mamlakatimiz qishloq xo`jaligi sohasida amalga oshirilishi kerak bo`lgan reformalarni amalga oshirish qishloq xo`jaligi mahsulotlarini etishtiruvchi va ishlab chiqaruvchilarning moliyaviy ahvolini mustahkamlash, erdan samarali foydalanishni rag`batlantirish va qishloq xo`jaligi mahsulotlarini diversifikatsiya qilish, sohada meva-sabzavot va em-xashak ekinlarini ko`paytirishga xizmat qilish bilan birga qishloq xo`jaligi mahsulotlari

ishlab chiqarishining umumiy hajmini oshirishga hamda eksport salohiyatini yuksaltirishga asos bo`ladi.

Foydalanilgan adabiyot ro`yxati:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil, 28-yanvardagi "O`zbekiston Respublikasi qishloq xo`jaligini rivojlantirishning 20202030 yillarga mo`ljallangan strategiyasida belgilangan vazifalarni 2020-yilda amalga oshirish chora-tadbirlari to`g`risida" PQ-4575-son Qarori.

2. Bekmurodov N.X. Qishloq xo`jaligini strategik rivojlantirishning ustuvor yo`nalishlari va uni amalga oshirish yo`llari //Ekonomika i finansı 2021, 4(140);

3. Topildiev S. O`zbekistonda qishloq xo`jaligini modernizatsiya qilishning ustuvor yo`nalishlari // Ekonomika i finansı, 2019, 5(125)

MAMLAKATIMIZDA IQTISODIYOTNI RAQAMLASHTIRISH SHAROITIDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Shadiyeva Gulnora Mardiyevna - Real iqtisodiyot kafedrasi prof.v.b., i.f.d.
Asrorov Uchqun Akram O'g'li - Sam ISI iqtisodiyot fakulteti magistri

Annotatsiya: Maqola bugungi kundagi Respublikamiz oldida turgan dolzarb masalalarni yechimini topishga qaratilgan "Mamlakatimizda iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida tadbirkorlikni" rivojlantirish bo'yicha nazariy va amaliy yondashuvlar, innovatsion jarayonlarda uni qo'llash yo'nalishlarini, hamda xorij tajribasiga asoslangan holda davlatimizning iqtisodiy rivojlanishini yangi yo'nalishlarini amalga oshirish bo`yicha taklif va tavsiyalar berishga bag'ishlangan.

Kalit so'zlar: raqamli tadbirkorlik, Innovatsiya, virtual muhit, raqamli texnologiyalar, raqamli xizmat ko'rsatish, innovatsion tadbirkorlik, tadbirkorlik subektlari.

Bugungi kunda mamlakatimizda iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida tadbirkorlikni rivojlantirish hamda aholi turmush tarzini rivojlantirish kun tartibida turgan muhim masalaga aylanib bormoqda.Yangi O'zbekistonni zamon talablariga mos darajada qurish uchun kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o'rni beqiyosdir. Mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganidek, ''Joylardagi ijtimoiy muammolarni hal etishga oid tadbirkorlik tashabbuslarini, ayniqsa yoshlar va ayollar tadbirkorligini qo'llab-quvvatlash ustuvor ahamiyat berish zarur. Shu maqsadda aholi va tadbirkorlarga,mikromoliya hizmatlari va moliyaviy resurslarga,davlat haridlariga keng yo'l ochib beriladi. Bunday choralar orqali odamlarimizda tadbirkor bo'lishga ishtiyoq va ishonch ortadi, ular ko'proq daromad olishga intiladigan bo'ladi''[101]

[101] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 2020 yil, https://president.uz/oz/lists/view/4057

Bundan ko’rinib turibdiki, tadbirkorlikni rivojlantirishning juda ko’plab yo’nalishlaridan biri iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish va samaradorligini oshirish bilan bog’liq muammolardir. Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi. Shu bilan birga, meni juda qattiq tashvishga soladigan va bezovta qiladigan eng og‘ir illat – korrupsiya balosini yo‘qotishda ham samarali vositadir degan Prezidentimizning mazkur so‘zlari raqamlashtirish nafaqat iqtisodiyot tarmoqlarida tejamkorlik va samaradorlikni ta’minlashi, balki korrupsiyaga qarshi kurashish uchun samarali vosita sifatida qayd etilishi bilan ahamiyatlidir.Huddi shuningdek raqamli istisodiyot davrida tadbirkorlikni rivojlantirishda muammolarning korrupsiyasiz hal qilinishi hamda tadbirkorlarimizga yangidan yangi qo’shimcha imkoniyatlar taqdim etilishini ko’rishimiz mumkin. Shuni qayd etish lozimki, pandemiya davrida tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlash bo’yicha O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 20 ga yaqin Farmon va Qarori qabul qilindi. Ushbu Farmon va Qarorlar bilan tadbirkorlikni va xizmat ko’rsatish sohalarini qo’llab-quvvatlash maqsadida xuquqiy iqtisodiy va moliyaviy imkoniyatlar yaratildi.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “O’zbekiston Respublikasi yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi to’g’risi”dagi PF-4947-sonli Farmoni, 2018-yil 7-iyundagi “Har bir oila-tadbirkor” dasturini amalga oshirish to’g’risida”gi Qarori, O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2018-yil 9-iyundagi “Har bir oila-tadbirkor” dasturi doirasida kreditlar ajratish tartibi to’g’risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi Qarori va boshqa normativ-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda mazkur tadqiqot muayyan darajada xizmat qiladi. Bu esa tanlangan mavzuning dolzarbligidan dalolat beradi.

Jumladan, tadbirkorlik faoliyatini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish, turli ruxsatnomalar olish va boshqa ko‘plab xizmatlar tartib-qoidalari soddalashtirildi. Bu borada qulaylik yaratish uchun Davlat xizmatlari agentligi va uning joylardagi markazlari tashkil etildi. Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakil (Biznes-ombudsman) lavozimi joriy qilindi. Barcha hududlarda tadbirkorlar murojaatlarini qabul qilib, hal etishga ko‘maklashadigan Bosh vazir qabulxonalari tashkil etildi. Vazirlar Mahkamasi huzurida Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasi faoliyati yo‘lga qo‘yilib, unga 200 milliard so‘m va 50 million dollar mablag‘ ajratildi.[102] 2022- yilning yanvar-iyun oylarida aholi jon boshiga hisoblangan YaIM hajmi joriy narxlarda 10 994,9 ming so‘mni (yoki 995,3 AQSH dollari ekvivalentida) tashkil etdi va 2021- yilning yanvar-iyun oylari bilan taqqoslaganda 3,3 % ga o‘sdi.

2.Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish bo‘yicha yangi tizim joriy etish to’g’risidagi president qarori 2022.10.03

So’ngi yillarda respublikamizda olib borilayotgan islohotlar natijasida faoliyat ko‘rsatayotgan kichik tadbirkorlik subyektlari (fermer va dehqon xo‘jaliklarisiz) soni ortib bormoqda (1-diagramma)

1-diagramma



Yuqorida diagrammada keltirilgan ma’lumotlardan ma’lumotlardan ko’rinib turibdiki 2018 yilda faoliyat ko‘rsatayotgan kichik tadbirkorlik subyektlari (fermer va dehqon xo‘jaliklarisiz) 257127 tani, 2019 yilda 323014 tani, 2020 yilda 391300 tani, 2021 yilda 472273 tani, 2022 yildga kelib bu ko’rsatkich 509720 tani tashkil etib, 2018- yilning mos davri bilan solishtirilganda 2,0 barobarga oshgan.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishning tashkiliy iqtisodiy mexanizmlarini bosqichma-bosqich, tizimli va uzluksiz ravishda takomillashtirib borish orqali quyidagilarga erishish mumkin. O’zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini tarmoqlarini, jumladan xususiy tadbirkorlikni raqamlashtirilgan usulda boshqarish va rivojlantirish O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan qo’yilgan eng dolzarb vazifalardan biridir.

Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish mamlakatimiz fuqarolarining turmush farovonligini oshirish, kambag’allikni kamaytirish, iqtisodiy taraqqiyotga erishishning muhim shartidir. Bugungi kunda dunyodagi rivojlangan mamlakatlarda aholi daromatlarining o’sishi birinchi navbatda tadbirkorlikda innovatsion jarayonlarning to’g’ri tashkil etilishi hamda raqamli tadbirkorlikni doimiy ravishda takomillashtirib borilayotgani bilan bog’liqdir. Raqamli iqtisodiyotni shakllantirish sharoitida respublikamiz oldida turgan muhim

vazifalardan biri jahon bozorida raqobatbardosh bo’lgan mahsulotlar ishlab chiqarish va xizmatlar ko’rsatishni keng yo’lga qo’yishdir.

Bugungi kunda asosiy vazifalardan biri tadbirkorlar o’rtasida sog’lom raqobatni ta’minlash orqali narxlarni pasaytirish va jahon bozorida raqobatbardosh eksportbop sifatli mahsulotlarni ishlab chiqarishni kengaytirishdir. Xalqaro tajribani o’rgangan holda monopoliya sohalariga xususiy sektor uchun yanada keng yo’l ochish “raqamli tadbirkorlikni” rivojlantirish va shu orqali raqobat muhitini shakllantirish lozim.

Adabiyotlar ro’yxati.

1. Mirziyoyev.Sh.M Erkin va farovon, demokratik O’zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. —Toshkent.2016.,15-bet
2. G'oyipnazarov C.B. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikda mehnatni muhofaza qilishning ilmiy acoclarini takomillashtirish. Dic. ... i.f. bo'yicha falcafa doktori (PhD). – T.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ТАШКИЛ КИЛИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Шадиева Гулнора Мардиевна -“Реал иқтисодиёт” кафедраси ,проф.в.б., и.ф.д.
Сафарова Дилшода иқтисодиёт факультети магистри

Анотация: Мақолада Самарқанд вилоятида туризм, соҳанинг мазмун моҳияти, ривожланиши истиқболлари, ҳуқуқий асослари, туризм хизматлар соҳаси сифатида иқтисодиётимиздаги ўрни ва Самарқанд вилоятида туризм соҳасидаги муаммолар ва унинг ечими борасидаги таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: Туризм, хизматлар соҳаси, турист, мехмонхона, инфратузилма, рақобатбардошлик, рақамли иқтисодиёт, экспорт, валюта, маркетинг, муаммо ва бошкалар.

Рақамли иқтисодиёт шароитида туризмни янада ривожлантириш, тўғридан тўғри чет эл валютасини иқтисодиётимизга кириб келишини таъминлаш, туристик хизматларни яхшилаш ва ички бозорда рақобатни кучайтириш, ўзаро ҳамкорликда ишлаш ва жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари тажрибасини ўрганган ҳолда ўзимизга хос моделлар яратиш, соҳани янада ривожлантириш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Республика иқтисодиётида туризмни стратегик даражага кўтариш, ички туризм хизматларини диверсификация қилиш ва ҳажмини кескин кўпайтириш, фуқароларни мамлакатимизнинг туризм салоҳияти билан таништириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, тақдим этилаётган туризм

хизматлари сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш, туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, замонавий хизматлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромад манбаини кенгайтириш мақсадида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Юқорида келтириган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш, туристик хизматларнинг янги усулларини топиш, самарадорлигини ошириш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда.

Мазкур муаммоларни ўрганиш, уларни илмий таҳлил қилиш, бу борада тўпланган билим ва тажрибалар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилишга доир таклифлар киритиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 2 баравар ошириб, 520 минг нафарга етказиш, туризм ва маданий мерос объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, Самарқандни «Туризм дарвозаси»га айлантириш, туризм хизматлари ҳажмини камида 10 бараварга ошириш. Туризм соҳасида 40 минг киши бандлигини таъминлаш. 2022 йилда «Абадий шаҳар» тарихий мажмуасини ўз ичига олган Самарқанд туризм марказини ва зарурий инфратузилмани ташкил этиш вазифаси белиланган[103].

2022 йил бошидан буён Самарқандга 553 минг нафардан ортиқ хорижлик сайёҳ ташриф буюрди. Ўтган йилнинг мос даврида бу кўрсаткич 112 минг нафар бўлган. Республикамиз ҳудудлари бўйича эса 2 миллион 300 минг нафардан зиёд маҳаллий сайёҳ келган. Хорижлик туристларнинг бир кунлик харажати 152 АҚШ долларини, маҳаллий туристларники 550 минг сўмни ташкил этмоқда. Уларнинг яна бир кун қолиш кунларини узайтириш орқали туризм хизматлари экспорти йилига қўшимча 14 миллион АҚШ долларига кўпаяди[104]. (1 - диаграмма)

[103] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон

[104] https://xs.uz/uzkr/post/turizm-natizha-va-imkoniyatlar

1 – диаграмма

Маҳаллий ва хорижий туристларнинг ташрифи (минг киши)



Сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида туристларнинг ўртача қолиш кунлари ҳам ошганини кўришимиз мумкин. (1 - жадвал)

Туристларнинг ўртача қолиш куни тўғрисида маълумот

1- жадвал

Т / р	Йиллар кесимида	Туристларнинг ўртача қолиш кунлари			Кўрсатлиган хизматлар экспорти ҳажми *(млн доллар)*:		
		2019 й.	2021й	2022 й.	2019 й.	2021 й.	2022 й.
ЖАМИ:		2.2	2	2,6	12,8	5,0	12,5

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда туристларнинг Самарқандда ўртача қолиши 2,6 кунни ташкил этади. Бу дегани ўтган 2021йилга нисбаттан 0,6 кунга зиёд ва кўрсатилган хизматлар экспорти хажми 12,5 млн долларни ташкил этган, бу ўтган 2021 йилга нисбатан ў 7,5 млн доллар зиёд бўлиб соҳанинг ривожланиш салоҳияти канчалик миллий иктисодиётимиз учун аҳамиятли эканини кўриш мумкин.

Биргина хизматлар соҳасида 5,9 трлн сўмлик 365 та лойиҳаларни амалга ошириш орқали 21 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани натижасида 2022 йил 8 ойи давомида 18,5 мингта янги иш ўринлари ташкил этилганлигини кўриш мумкин.

Келтирилган маълумотлар ва ракамлар шуни курсатадики хизматлар соҳасини айниқса, туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш вилоят иқтисодиётининг нафақат ривожлантиради балки унинг рақобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади.

Чунки хизматлар иқтисодиётига ўтиш жараёни замонавий миллий иқтисодиётнинг бош омили бўлиб катта даромад манбаи ҳамдир.

Олиб борилаётган илмий изланишлар натижасида соҳада қуйидаги муаммолар ҳам борлиги аниқланди :

- Вилоятдаги тарихий обидалар ва музейлар имкониятларининг бор йўғи 50% дан фойдаланилади.
- Бугунги кунда Самарқанд вилоятида жами 98 та салоҳиятга эга маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, ҳозирги вақтда шулардан 51 таси тур маршрутларга киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, долзарб муаммо ва стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган, молиялаштириш, бошқариш-ташкилий чоралари, ва уларни бажариш муддатларини, амалга ошириш параметрлари ва истиқболларини белгилаш.

Иккинчидан, туристик фаолият тўғрисидаги меърий - ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш.

Учинчидан, бунда, ташаббускор тадбиркорлар ва хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш. Махсус солиқ имтиёзларини жорий этиш, керакли техника ва технологияларни олиб киришга имтиёз бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда туризм индустриясини бошқаришда бошқарув ҳамда тижорат функцияларини ажратиш лозим. Агарда ушбу тавсия амалга оширилса, туризм инфратузилмаси ривожланади, янги лойиҳаларга инвестицияларни жалб этиш кўлами ортади, туризм соҳалари бўйича инфратузилмани ривожлантириш, туристик хизмат ва бозорларини ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги ПҚ-232-сонли қарори
3. Боголюбов В.С. Экономика туризма: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.: «Академия», 2005. – 192 с.;
4. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: учебное пособие. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 176 с.;

5. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. – 137 б.;
6. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014. - 332 б.;
7. Тураев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. – Т.: Фан, 2009. – 153 с.;
8. Ўзбекистон давлат статистика қўмитасининг маълумотлари
9. Самарқанд вилоят туризм бошкармаси маълумотлари
10. https://www.fencing.uz/ru/page/5363/1
11. https://uzreport.news/politics

BANK TIZIMIDA YUZ BERAYOTGAN TRANSFORMATSIYA JARAYONLARI: “ASAKA” BANK MISOLIDA

Abrorov Sirojiddin
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
“Moliya” kafedrasi katta o’qituvchisi, PhD,
sirojiddin_2463@umail.uz

Xasanboyeva Muxlisabonu
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
4-bosqich talabasi

Annotatsiya. Ushbu tezisda bank tizimida ro’y berayotgan tub o’zgarishlar va ularning iqtisodiyotga, fuqarolarga foydalari haqida so’z yuritilgan. Shu bilan birga yangi va zamonaviy bank texnologiyalarini ommabopligi va aholi uchun yaratilgan qulayliklar “Asaka” bank misolida yoritilgan.

Kalit so’zlar: transformatsiya jarayoni, raqamli bank, raqamli xizmatlar, istiqbolli strategiyalar, integratsiya jarayonlari.

Aslida “o’zgarish” ma’nosini anglatuvchi transformatsiya atamasi bizning iqtisodiyotimizni deyarli egallab bormoqda. Biz transformatsiya jarayonlarini asosan 2017-yildan so’ng O’zbekiston bank sektori yaqqol ko’rishimiz mumkin. Tijorat banklarida transformatsiya qilishdan kutilayotgan asosiy natijalardan biri bank ishida yetarli darajada tajriba, bilim va obro‘ga ega bo‘lgan strategik investorlarni jalb qilgan holda qator tijorat banklarida davlat ulushini kamaytirish, faoliyatga xalqaro tajribani olib kirishdir. Shuningdek, kredit faoliyatini ularga xos bo‘lmagan funksiyalarni bajarishdan, shuningdek, ortiqcha yuklamalardan ozod qilish orqali ma’muriy yukni izchillik bilan bartaraf etish, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish, tijorat banklarining biznes

jarayonlarini avtomatlashtirish va masofaviy bank xizmati turlarini kengaytirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratish ko‘zlanmoqda.

O’zbekiston Respublikasining Taraqqiyot strategiyasida davlat ulushiga ega tijorat banklarida transformatsiya jarayonlarini yakunlab, 2026-yil yakuniga qadar bank aktivlarida xususiy sektor ulushi 60 foizgacha chiqarilishini ta’minlanishi kerakligi[105] belgilanganligi ham jadal rivojlanish ostonasida ekanligini ko’rsatadi. Shuningdek “Asakabank”ni xorijiy ekspertlarni jalb qilgan holda transformatsiya qilish va xususiylashtirish dasturini ishlab chiqish va tasdiqlash qarorda alohida qayd etilgan.

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 12-maydagi “2020—2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-sonli farmoniga asosan bugungi kunda 6 ta tijorat banki – “Ipotekabank”, “Sanoatqurilishbank”, “Turonbank”, “Asakabank”, “Aloqabank” va “Agrobank” moliyaviy diagnostika asosida istiqbolli strategiyalarni ishlab chiqish va xususiylashtirish masalalari doirasida xalqaro moliya institutlari bilan hamkorlikni amalga oshirib kelmoqda. Bunday aloqalar bank tizimidagi tub o’zgarishlarga yo’l ochadi.

So‘nggi yillarda O‘zbekiston bank tizimida sifat va bank xizmatlarini oshirish borasida katta ishlar amalga oshirildi. Biroq, dunyodagi o'zgarishlar, globallashuv jarayoni, raqobatbardoshlilikni haddan tashqari rivojlanishi, transformatsiya jarayonini yanada faollashtirish zarurati tijorat banklarining faoliyati, bank xizmatlarini yangi bosqichga ko‘tarish zaruriyatini paydo qilib kelmoqda. Shu munosabat bilan O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoev Oliy Majlisga Murojaatnomasida “Bundan buyon 2020-yilda har bir bank keng ko'lamli transformatsiya dasturini amalga oshiradi. Shu munosabat bilan biz banklarimiz kapitali, resurs bazasi va daromadlarini oshirishga alohida e’tibor qaratishimiz kerak” ekanligini ta’kidlab o’tgan.

Raqamli texnologiyalardan foydalanish banklar, hukumat va mijozlar o'rtasidagi munosabatlarni yaxshilaydi. Shu tufayli ham hozirda IT texnologiyalari va banklar integratsiya jarayonlari jadallik bilan rivojlanmoqda. Har bir bankning o’z elektron, doimiy ravishda yangilanib turuvchi sayti va mobil ilovasi borligi fikrimz isboti hisoblanadi.

Transformatsiya jarayonida jadallik bilan o’sayotgan “Asaka” bankni misol tariqasida keltiradigan bo’lsak, so’nggi yillarda bu bankda tub o’zgaishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Xususan, “Yevropa taraqqiyot va tiklanish banki”, “Deutsche bank”, Xalqaro investitiya bank va boshqa yana bir qator nufuzli tashkilotlar bilan tuzilgan o’zaro shartnomalar “Asaka” bank faoliyatidagi transformatsiya jarayonini tezlashtirib kelmoqda.

“Asaka” bankning birgina xususiylashtirish rejasiga to’xtaladigan bo’lsak, 2023-yilgacha bankda ijobiy rivojlanishlar kuzatiladi.

[105]https://lex.uz/ru/docs/-5841063

Yuqoridagi chizmadan ko’rishimiz mumkinki, joriy holatda bankning asosiy ulushi davlat hissasiga to’g’ri kelmoqda. Lekin kelgusida kutilayotgan o’zgaish esa aksiyadorlar qatoriga Yevropa taraqqiyot va tiklanish banki (YTTB) ham kiradi. Bunday xalqaro tashkilotni uushdor sifatida qo’shilishi esa albatta rivojlanishni tezlashtiradi. “Asaka” bankiga 50 million AQSh dollari bilan investitsiya kiritayotgan bu moliyaviy tashkilot, O‘zbekistonda YaIMning qariyb 50 foizini yaratadigan va ishchi kuchining qariyb 80 foizini ish bilan ta’minlagan kichik va o‘rta korxonalarni qo’llab-quvvatlashni o’z oldiga maqsad qilib qo’ygan va bu albatta “Asaka” bank bilan amalga oshirilishi iqtisodiy o’sishga sabab bo’ladi. YTTB mablag'lari, shuningdek, "Asaka" bankni yanada tijoratlashtirishga, uning samaradorligini va raqobatbardoshligini oshirishga hissa qo'shadi va uni yakunda xususiylashtirishga yo'l ochadi. Bugungi kunga qadar YTTB O’zbekiston iqtisodiyotiga 81 ta loyiha orqali 1,8 milliard yevro sarmoya kiritdi[106].

Qo’shimcha qilib aytish joizki, mijozlarga ko’rsatilayotgan xizmatlar sifatini oshirish maqsadida, “Asakabank” dasturiy kompleksning mobil ilovasi ham yaratildi. Mazkur tizim orqali kommunal, budjet, internet, mobil aloqa, kredit ajratish va so’ndirish singari ko’plab amaliyotlarni bajarish mumkin. Mobil telefonlar mavjud bo’lmagan jismoniy shaxslar uchun internet tarmog’i orqali amaliyotlar o’tkazish dasturi – “My Asaka web” ishga tushirildi.

Umuman olganda, moliyaviy tizimning raqamli rivojlanishi yaqin o'n yilliklarda tezlashadi. Shuningdek, bank sohasida raqamli transformatsiya raqobat muhitida ajralmas ustunlik olib keladi.

Mamlakatimizda hozirgi sharoitda banklar uchun innovatsion rivojlanish har qachongidan ham muhimroqdir: strategiyalar, shuningdek, resurs bazasini kengaytirish va kapitallashuv darajasini oshirish, IT texnologiyalariga asoslangan yangi bank mahsulotlarini taklif qilish quyidagilarni o’z ichiga oladi:

- jahon amaliyotida global aloqalar moliyaning jadal rivojlanishiga olib keldi texnologiyalar, yangi P2P-kreditlashning paydo bo'lishi, onlayn skoring, algoritmik savdo va shunga o'xshash xizmatlarni joriy etish;
- O’zbekistonda mobil telefon orqali mijozlar uchun real vaqt rejimida bank operatsiyalarini amalga oshirish imkoniyati mavjud tijorat banklari tomonidan dasturiy ta'minot ishlab chiqaruvchilar bilan birgalikda joriy qilingan ilovalar sifatini yaxshilash;
- aholiga sifatli bank xizmatlarini onlayn yetkazib berishning innovatsion yangi turlarini joriy etish;
- raqamli bankning moliyaviy xizmatlarini amalga oshirishda vaqt va xarajatlarni tejash orqali mobil va onlayn platformalar, shaxsiy ma'lumotlar xavfsizligini ta'minlash, tezligini oshirish va xizmatlar sifatini yaxshilash.

[106] https://asakabank.uz/

Demak, yuqoridagi qulaylik va imkoniyatlar orqali transformatsiyaning qanchalik zarurligi nafaqat iqtiodiyotga, balki aholiga ham qulaylik yaratishini inobatga olgan holda O’zbekiston banklarida amalga oshirilayotgan raqamli transformatsiya jarayonlarini ijobiy o’zgarishlar kaliti deb qarasak bo’ladi. Fikrimizcha, banklarning transformatsiya va raqamlashish jarayonlari samaradorligini monitoring qilib borish maqsadida “Banklarning raqamlashganlik indeksi”ni ishlab chiqish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-son Farmoni.
2. www.cbu.uz
3. www.asakabank.uz
3. www.lex.uz

ОБЕСПЕЧЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ГОСТИНИЧНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ.

Мирзаходжаев Алишер Ботирович,
стр.преподаватель, СамИЭС
тел.+998915257713., эл.почта.
alibatirovich75@gmail.com

Аннотация: В статье рассмотрены актуальные направления стратегических решений по повышению конкурентоспособности гостиничного предприятия и сформулированы особенности их реализации, предложен алгоритм наращивания конкурентных преимуществ гостиничного предприятия, функционирующего в современных условиях.

Ключевые слова: Цифровизация экономики, информационные технологии, конкурентоспособность, гостиничное предприятие, трансформация.

Цифровизация в современных условиях является необходимым атрибутом индустрии гостеприимства, а также и критерием сервисных видов деятельности. С помощью цифровых технологий, с одной стороны, туристы получают информацию, которая делает их отдых более комфортным и ожидаемым с точки зрения качества обслуживания. С другой стороны, информационные технологии, цифровизация становятся значимой частью самих услуг. К примеру, виртуальная и дополненная реальность являются в настоящее время активно развивающимися сегментами индустрии гостеприимства.

Сегодня у гостиничных предприятий есть разнообразный набор инструментов, с помощью которых возможно решение этой задачи.

Грамотная организация системы виртуального пространства, эффективное использование цифровых технологий и возможностей автоматизации бизнес-процессов и процессов обслуживания дает гостинице возможности для повышения своей конкурентоспособности, удержания и расширения собственных рыночных позиций.

Конкурентоспособность гостиничного предприятия представляет собой способность к устойчивому положению в условиях неопределённости конкурентной среды, подкреплённая наличием конкурентного потенциала.

Конкурентоспособность невозможно достичь без формирования определённых конкурентных преимуществ, т.е. таких характеристик гостиничного предприятия в целом и предлагаемого им гостиничного продукта, которые выгодно отличают от конкурентов.

В условиях цифровой трансформации особым конкурентным преимуществом может стать нацеленность гостиничного предприятия на опережение в вопросах расширения внедрения в свою деятельность современных технологий.

Значимую роль в рассматриваемом нами вопросе играет стремительное распространение в индустрии гостеприимства таких новых технических решений как:

–информационно-аналитичесике решения на основе больших данных;
–расширенное использование бесконтактных систем;
–формирование маркетплейсов;
–платформы по поиску попутчиков, дополнительные услуги и т.п.;
–расширенное использования”умных” помощников (SMART-туризм);
–VR-решения.

Для обеспечения привлекательности и повышения конкурентоспособности индустрии гостеприимства в современных условиях на передний план выдвигаются следующие задачи:

- создание качественного и разнообразного турпродукта на всей территории страны;

- повышение доступности туристского продукта;

- совершенствование управления и снятие законодательных ограничений в сфере туризма.

На сегодняшний день для оценки конкурентоспособности гостиничного предприятия с целью выяснения не только его сложившегося положения на рынке, но и для составления прогноза дальнейшего существования, применяется разнообразный инструментарий.

Конкурентоспособность, как отдельной гостиничной услуги, так и гостиничного предприятия в целом – понятие относительно, поэтому при её оценке необходимо учитывать временные и пространственные параметры.



Рисунок. Алгоритм оценки конкурентоспособности.

Следование предложенному алгоритму позволит гостиничному предприятию, на наш взгляд, прийти к следующим результатам:

- совершенствование и максимальное раскрытие собственного конкурентного потенциала;
- повышение устойчивости конкурентного положения гостиничного предприятия на рынке услуг гостеприимства в условиях неопределённости среды;
- выбор оптимальной стратегии дальнейшего развития;
- увеличение положительного эффекта деятельности.

В условиях цифровой трансформации особым конкурентным преимуществом может стать нацеленность гостиничного предприятия на опережение в вопросах расширения внедрения в свою деятельность современных технологий.

Для использования современных технологий стало настоящим конкурентным преимуществом гостиницы необходимо обеспечить следующие условия:

-регулярное проведение маркетинговых исследований конкурентов;

-постоянная обратная связь с потребителями гостиничных услуг;

-систематическое повышение квалификации персонала (особенно – в сфере получения и развития компетенций, связанных с цифровыми технологиями);

-своевременное и полное информирование потенциальных потребителей о технических и технологических нововведениях на территории гостиницы.

Необходимо провести оценку деятельности собственного гостиничного предприятия с целью выявления уровня его конкурентоспособности. Такая оценка должна проводиться в два этапа: оценка гостиничного предприятия; оценка конкурентов гостиничного предприятия и, в результате сравнения – соответствующий вывод.

Целесообразно при проведении каждой подобной оценки учитывать не только показатели гостиничного предприятия, но и то, какие из факторов, определяющие его конкурентоспособность, оказывают воздействие на каждый из них.

Для того, чтобы проанализировать особенности условий для обеспечения конкурентоспособности гостиничного предприятия необходимо понять, какие из выявленных факторов оказывают наиболее сильное воздействие на определённые характеристики нашего гостиничного продукта – т.е. необходимо составить соответствующий рейтинг. Его составление возможно с помощью экспертной оценки, определяющей «силу воздействия» - конкретный весовой коэффициент.

Основными направлениями стратегических решений по повышению конкурентоспособности гостиничного предприятия являются следующие.

- Участие в различных государственно-частных проектах социальной направленности.
- Расширение цифровизации деятельности гостиничного предприятия
- Активное применение новых технологий в маркетинговой деятельности гостиничного предприятия
- Использование при оценке конкурентоспособности потребительских оценок качества.
- Обеспечение конкурентоспособности за счёт повышения инновационной активности.
- Развитие кадров гостиничного предприятия как его конкурентного преимущества
- Совершенствование бизнес-процессов гостиничного предприятия

Использованная литература

1. Абабков Ю.Н., Филиппова И.Г. Обеспечение конкурентоспособности предприятия туризма: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2014.
2. Гуляев, В.Г. Новые информационные технологии в туризме [Текст] / В.Г. Гуляев. – М.: ПРИОР, 2020. – 144 с.
3. Каримова, Л.К., Астафьев, В.В. Информационные технологии в туризме: Учебно-методическое пособие [Текст] / Л.К.Каримова. – Казань: Казан.фед. ун-т, 2019. – 24 с.
4. Сиренко О. О. Применение цифровых технологий в гостиничном бизнесе и туризме: тенденции развития / О. О. Сиренко // Экономика и предпринимательство. – 2020. – № 9(122). – С. 698-701.
5. Экономика туризма: учебник / М. А. Морозов, Н. С. Морозова, Г. А. Карпова, Л. В. Хорева. – 2-е издание, переработанное и дополненное. – Москва : Федеральное агентство по туризму, 2017. – 364 с

УСЛОВИЯ РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА ПРИАРАЛЬЯ.

Досекеев Жугинис Идирисович
Каракалпакский государственный университет
тел: 913734694, эл.почта:
juginisdosekeev75@gmail.com
Давлетов Жасур Муратбаевич
Каракалпакский государственный университет
тел: 933619977, эл.почта:
jassoordavletov@gmail.com

Аннотация. В настоящее время туризм в Узбекистане имеет большие перспективы для развития, но существует множество ограничивающих факторов, которые тормозят этот процесс в регионах. Так как основные туристические центры страны хорошо развиты и туристы посещают их постоянно, то в регионах существует множество проблем, которые мешают для становления этих территорий, как туристских.

Ключевые слова: туризм, экотуризм, туризм в Каракалпакстане, проблемы туризма.

Туризм в современном мире рассматривается как социально-экономическое явление, оказывающее прямое и опосредованное влияние на развитие всей связанной с ним инфраструктуры. Современный туризм базируется на высоком уровне развития транспорта, социальной сферы и сферы услуг, что, в конечном счете, превращает его в высокодоходную отрасль экономики [1].

По данным Всемирной туристической организации (ВТО), сегодня туризм является одной из высокодоходных и наиболее динамичных отраслей мировой экономики. По доходности он уступает лишь добыче и переработке нефти. На долю туризма приходится около 6 % мирового валового национального продукта, 7 % мировых инвестиций, каждое 16-е рабочее место, 11 % мировых потребительских расходов и 5 % всех налоговых поступлений. В связи с этим во многих странах сфера туризма активно развивается при государственной поддержке[1].

В рамках стратегии развития «Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» принято около 300 законов, направленных на реформирование всех сфер жизни государства и общества; некоторые из них также прямо или косвенно связаны с Каракалпакстаном, также как и с туристическим сектором[2].

Внедрение махаллинской модели призвано обеспечить необходимые ресурсы и возможности для решения вопросов развития на каждой территории путем поощрения предпринимательства и занятости при одновременном принятии мер по сокращению бедности. Это включает в себя

создание инфраструктуры, такой как спортивные, культурные и экологические объекты, а также бизнес-объекты и учебные центры на основе государственно-частного партнерства. В этих рамках тщательное изучение проблем и возможностей каждого региона создаёт основу для программ, направленных на улучшение комплексного социально-экономического развития на период 2022–2026 годов, именуемых также «Дорожной Картой»[2].

Важным аспектом стратегии развития является улучшение дорожной инфраструктуры для улучшения транспортного сообщения, а также безопасности дорожного движения, оба из которых имеют отношение к сектору туризма[2].

Наиболее примечательный аспект плана развития дорог, в качестве одного из многих других аспектов пятилетней программы развития, принятой Кабинетом Министров, фокусируется на следующем:

Строительство дорог протяженностью 240 км в рамках Коридора 2 Программы Центральноазиатского регионального экономического сотрудничества, финансируемое за счеткредита в размере 274 млн. долларов США от Азиатского банка развития. В рамках проекта будет модернизирован участок автомобильной дороги Гузар-Бухара-Нукус-Бейнеу (A380) в Республике Каракалпакстан, что расширит возможности одного из ключевых торговых путей в регионе. Этот проект улучшит транспортное сообщение в Западном Узбекистане и с соседним Казахстаном[2].

Ещё одна цель – добиться увеличения экспорта туристических, транспортных, информационных и других услуг в 1,7 раза, что соответствует объему экспорта в размере 4,3 млрд. долларов США. Что касается развития туризма и увеличения числа местных туристов, то в рамках программы TravelUzbekistan планируется довести это число до 12 миллионов, а количество иностранных туристов – до 9 миллионов. Частью этих усилий является создание безбарьерной туристической инфраструктуры в основных туристических зонах, а также удвоение числа занятых в туристическом секторе до 520 000 человек к 2026 году[2].

Предпосылкой для этого роста является дальнейшее развитие инфраструктуры туризма и объектов культурного наследия путём принятия государственной программы по эффективному использованию более 8000 объектов культурного наследия.

В частности, в отношении Республики Каракалпакстан и Приаралья новый аэропорт в Муйнаке задуман как двигатель развития, в то время как туристический сектор в Хорезмской области параллельно должен стать основным двигателем для создания новых рабочих мест. Приаралью также уготовано дальнейшее усиление социальной поддержки населения, проживающего в этом районе.

Для транспортной системы предусматривается унификация всех видов транспорта, что позволяет создать условия для облегчения возможности

ежедневных поездок по регулярным транспортным маршрутам между крупными городами страны.

В последние годы Узбекистан изменил основы политики развития туризма, приняв такие меры, как либерализация визового режима, создание стимулов для создания туристических предприятий и реструктуризация того, что ранее называлось Государственным Комитетом по Развитию Туризма, а теперь является Министерством туризма и культурного наследия. Некоторые из этих мер дали почти немедленный эффект, и в Узбекистане наблюдался стабильный рост потока туристов, что также шло на пользу Каракалпакстану, пока пандемия коронавируса не привела к временному прекращению туризма. По мере того, как пандемия постепенно угасает, кристаллизуется возврат к предыдущей модели роста, и связанные с этим возможности требуют постоянного повышения уровня профессионализма. Поскольку туризм по своей природе представляет собой деятельность с участием множества заинтересованных сторон, в которой участвует как ряд учреждений государственного сектора, так и многие компании частного сектора, стратегия туризма всё больше становится необходимостью, создавая всеобъемлющую систему ориентиров для каждого члена туристической индустрии Каракалпакстана.

По мере того, как местная администрация повышает уровень планирования и подготовки, как правило, появляются новые возможности – возможности финансирования, стратегического партнерства, совместной деятельности и ранее невообразимой синергии. Инвестиционный климат становится более привлекательным, маркетинг становится более целенаправленным, по мере реализации мер начинает прибывать больше туристов. Важным преимуществом такого процесса является то, что местные жители, а именно сами каракалпаки, учатся дорожить и ценить разнообразные достопримечательности своего региона, как никогда прежде. Всемирная туристская организация ВТО при ООН заявляла, что туристическое направление не может быть по-настоящему готовым к приему иностранных туристов, если собственное местное население не ценит достопримечательности и культуру своей родины. Обеспечивая широкое участие и осведомленность со стратегией туризма, Каракалпакстан, таким образом, готовится к привлечению местных, внутренних и иностранных туристов.

Стратегия туризма Каракалпакстана представляет собой весьма дифференцированное выражение общей миссии и видения всех заинтересованных сторон, связанных с индустрией туризма, отражая стремление вывести туризм на более высокий уровень. Миссия и видениеотражают суть того, что собой представляет такое туристическое направление, как Каракалпакстан. В то время как миссия описывает основные бизнес-направления Каракалпакстана, её цели и пути достижения этих целей,

ви́дение является более прогнозируемым и описывает желаемую перспективу на будущее.

Другими словами, миссия фокусируется на дне сегодняшнем, а ви́дение— на дне завтрашнем.

Чётко определенные миссия и ви́дение могут обеспечить чувство ясности, единства и цели, что поможет укрепить связь между всеми игроками туристического бизнеса в Каракалпакстане и, следовательно, может привести к принятию более эффективных решений при более широкой поддержке, гарантируя, что Каракалпакстан возьмёт на себя выполнение кардинальных задач, связанных с развитием его туризма, эффективным образом.

После большого вклада игроков туристического бизнеса в Каракалпакстане, Миссию и видение можно сформулировать следующим образом:

Каракалпакстан предлагает путешественникам несравнимые впечатления, позволяя гостям открыть для себя подлинную душу уникального и предпочтительного туристического направления внутри Узбекистана.

Основная задача стратегии способствовать развитию туризма в Каракалпакстане, основанного на пяти ключевых принципах:

- Предоставить путешественникам уникальные и незабываемые впечатления, которые у них останутся на всю жизнь.
- Способствовать устойчивому развитию туризма посредством тщательного планирования, совместного управления и участия основных заинтересованных сторон в каждой области.
- Обеспечить, чтобы туризм всегда приносил пользу местным сообществам в Каракалпакстане в плане экономического, экологического и социально-культурного влияния.
- Постоянно содействовать исследованиям, инновациям, наращиванию потенциала и управлению знаниями для лучшего управления и маркетинга туризма.
- Наращивать влияние посредством стратегических союзов с партнерами внутри и за пределами Каракалпакстана, включая национальные власти, соседний Хорезм и международных торговых партнеров.

Заинтересованные стороны сектора туризма Каракалпакстана, приверженные развитию туризма в Каракалпакстане, разделяют следующие основные ценности: туризм не является самоцелью, а представляет собой деятельность, которая создает реальную ценность, как для туриста, так и для посещаемых сообществ и поставщиков услуг. Качество, честность и высокие стандарты обслуживания вдохновляют любую туристическую деятельность.

Каракалпакстан, с его сочетанием Аральского моря, плато Устюрт, пустыни и дельты реки Амударья, предлагает уникальный ландшафт как для национальных, так и для иностранных туристов, с большим потенциалом для

экотуризма. Вчастности, за последние 40 лет отступление береговой линии привело к кардинальному изменению региона Аральского моря. Таким образом, этот район может стать привлекательным местом не только для природного и приключенческого туризма, но и для образовательного туризма, предоставляя туристам более глубокое понимание причин и последствий этой техногенной катастрофы и мер, предпринимаемых для преодоления многих проблем, связанных с этой катастрофой.

Тем не менее, согласно исследованию, пройдет немало времени, прежде чем продукты экотуризма смогут быть реализованы в Каракалпакстане, так как практически нет никаких инициатив для:

- Получения прямых финансовых выгод в целях сохранения.
- Налаживания эффективного участия населения в туризме на уровне села.
- Обучения гидов, туроператоров и консультантов по экотуризму.
- Предоставления экологически чистого жилья и транспорта.

Согласно исследованию, к основным причинам нежелания Узбекистанских Туроператоров активно продвигать экотуризм в Приаралье относятся следующие:

- Отсутствие опыта (в дизайне и разработке продуктов и услуг экотуризма).
- Отсутствие компетенций (в продвижении продуктов и услуг экотуризма).
- Отсутствие международных сетей для продвижения и сбыта продуктов и услуг экотуризма.
- Основной спрос на экотуризм, поступающий от отечественных туристов, которые были далеко не богаты, привёл к более коротким экотуристическим турам и их ограниченной рентабельности.

Таким образом, хотя Каракалпакстан считается привлекательным местом для природного туризма, тесно связанного с культурным туризмом, он ещё не может считаться направлением для экотуризма.

Использованные литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы».

2. Казыбайкызы А. Муханова А.Е. Смагулова Ж.Б. Особенности и перспективы развития туризма в мире. Журнал: Успехи современного естествознания. – 2015. – № 1 (часть 2) – С. 265-269.

3. https://planetofhotels.com/guide/ru/blog/blizhe

4. https://www.ecotours.ru/blog/novosti

5. https://nordural.ru/article/eco_tourism/

ПРОБЛЕМЫ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Маликова Д.М.,
Самаркадский институт экономики и сервиса, старший преподаватель кафедры «Банковское дело»

Аннотация: В статье представлены внешние и внутренние угрозы, оказывающие воздействие на банковскую деятельность, в частности, виды рисков в деятельности коммерческих банков и влияющие на их уровень экономической безопасности, а также предложения по повышению финансовой устойчивости банков.

Ключевые слова: коммерческие банки, экономическая безопасность, угроза, риск, риск ликвидности, финансовая устойчивость

В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определено принятие мер по созданию макропруденциальных буферов для обеспечения устойчивости банков к возможным финансовым потерям, т.е. обеспечение финансовой стабильности банковской системы.

“Устойчивое финансовое состояние банка – состояние банка, характеризующее сбалансированность финансовых потоков, достаточность средств для поддержания платежеспособности, ликвидности и рентабельной деятельности, а также выполнение банком всех пруденциальных нормативов”[107].

Экономическая безопасность является одним из значимых компонентов стабильности и финансовой устойчивости банков. Под экономической безопасностью коммерческого банка понимается экономическая защищенность банка от различных внешних и внутренних угроз, влияния деструктивных факторов, что позволяет банку сохранить и эффективно использовать весь потенциал.

Банковская деятельность всегда связана с рисками, возможной утечкой конфиденциальной информации, а также внутренними и внешними угрозами.

К категории проблем защиты банковской деятельности от различных внешних и внутренних угроз относятся необходимость защиты финансовых ресурсов, защиты информации, имущества и персонала коммерческого банка, создания механизмов финансовой защиты банковской системы и так далее.

Вопросы обеспечения экономической безопасности целесообразно рассматривать в рамках концепции управления рисками, направленной на выявление, измерение и снижение потенциальных потерь в деятельности коммерческого банка.

Среди важных объектов управления в банке является кредитный риск, к основным показателям которого следует отнести:

[107] Закон Республики Узбекистан от 5 ноября 2019 года №ЗРУ-580 “О банках и банковской деятельности”

1) объем размещения в среднем хронологическом и абсолютном выражении;

2) доля просроченной задолженности корпоративных клиентов и физических лиц в общем кредитном портфеле;

3) средняя ставка размещения.

В деятельности каждого коммерческого банка всегда существует возможность неисполнения своих обязательств перед контрагентами в полном объеме и в срок из-за расхождений в суммах поступлений и выплат денежных средств по срокам и валюте. Это относится к риску ликвидности.

Помимо приведенных видов рисков в деятельности коммерческого банка и влияющих на уровень экономической безопасности банка, важно также отметить: операционный риск, юридический риск, риск отмывания денег, валютный риск, процентный риск, риск управляемости, репутационный риск, риск информационной безопасности, риск ДБО; комплаенс-риск.

Исходя из вышеизложенного, в заключение можно сделать вывод, что экономическая безопасность банковской системы обусловливается влиянием многочисленных угроз, при некорректном управлении которыми возникают банковские риски безопасности банковской системы, как следствие, государства в целом.

Основной стратегической целью в области управления рисками и капиталом является обеспечение устойчивости банка по отношению к рискам, которым подвержена его деятельность на рынках присутствия, предупреждение и минимизация возможных финансовых потерь при поддержании оптимальной величины и структуры капитала с учетом направлений и масштабов бизнеса в соответствии со стратегией развития банка.

Одним из наиболее важных условий сохранения финансовой устойчивости коммерческого банка является его ликвидность, т.е. поддержание и сохранение оптимального уровня ликвидности – важнейший шаг на пути достижения устойчивости коммерческого банка.

Это сложная задача, выполнение которой практически всегда может быть достигнуто лишь в той или иной степени, поскольку существует обратная связь между уровнем ликвидности банка и другой его важнейшей характеристикой – доходностью. От того, как банку удается разрешить это противоречие, балансировать между доходностью и ликвидностью, в конечном итоге зависит общее состояние его устойчивости.

Список использованной литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”.

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 12 мая 2020 года №УП-5992 “О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы”.

3. Мельник Дмитрий Юрьевич. Проблемы идентификации рисков и угроз экономической безопасности кредитной организации // ВЭПС. 2019, №2, 23-26 с.

4. Семенов Константин Олегович. Концептуальная модель обеспечения экономической безопасности коммерческих банков // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2021. №5, 208-212 с.

5. Фленова Елена Викторовна. Типологизация рисков экономической безопасности банковской системы и методические подходы к их оценке // Социально-экономические явления и процессы. 2020. №2 (109), 90-97 с.

ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Зуфар Ашуров
Хусусийлаштириш ва давлат активларини
бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш
маркази директор ўринбосари, и.ф.ф.д. (PhD)
E-mail: zufara@mail.ru
Тел.: 93-5155541
Акмалжон Валижонов
Хусусийлаштириш ва давлат активларини
бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш
маркази бўлим мудири, и.ф.н.
Тел.: 71-2592254

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнини рақамлаштириш масалалари кўриб чиқилган. Хусусан, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнини рақамлаштириш мақсадида уни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш тартиби бўйича таклифлар ёритилган.

Калит сўзлар: хусусийлаштириш, рақамлаштириш, давлат уй-жой фонди, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП), электрон рақамли имзо.

Бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ҳамда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сонли Фармонига [1] мувофиқ, давлат уй-жой фондидан фойдаланишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш назарда тутилган маъмурий регламентни ишлаб чиқиш

белгиланган. Бу эса, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнларини рақамлаштиришни, бу учун давлат хизматларидан ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни тақозо этади.

Авваламбор, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш деганда, давлат уй-жой фондига қарашли алоҳида уйларни, уларнинг бир қисмини, квартираларни сотиш, шу жумладан имтиёзли асосда сотиш ва ҳақ олмасдан фуқароларга ихтиёрий равишда мулк қилиб бериш тушунилади. Бунда мавжуд бўлган ва янги қурилган давлат уй-жой фондидаги айрим квартиралар ва уйлар хусусийлаштириш объектлари бўлиши мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, бугунги кунда давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 114-сон қарори [2] билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида Низом”га асосан амалга оширилади. Бироқ, ушбу амалдаги тартибда уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнлари рақамли технологияларни қўллаш орқали амалга оширилиши инобатга олинмаган. Шу боис, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнларини рақамлаштиришни амалга ошириш мақсадида давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби белгиланган маъмурий регламент ишлаб чиқилиши ва ҳукумат қарори билан тасдиқланиши лозим. Бизнингча, таклиф қилинаётган маъмурий регламент қуйидаги қоидаларни ўз ичига олиши лозим.

Давлат уй-жой фондидаги алоҳида уйни ёки квартирани хусусийлаштиришга қарор қилган фуқаро давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат қилади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтади ҳамда муайян шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

Уй-жойни хусусийлаштириш тўғрисидаги аризага қуйидагиларнинг сканер қилинган нусхалари илова қилиниши лозим: фуқаронинг имтиёзли хусусийлаштириш ҳуқуқи ҳуқуқини тасдиқловчи маълумотнома; уй дафтарининг нусхаси (квартиралар бўйича карточканинг нусхаси) биргаликда яшаётган барча балоғатга етган оила аъзоларининг розилиги; уй ёки квартира қийматини қолдиқ баланс қиймати бўйича бахолаш тўғрисидаги баҳоловчи ташкилотининг ҳисоботи.

Электрон сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди. Ариза берувчи томонидан сўровнома электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқлаши керак. Давлат хизматлари кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йиғим ундирилиши мақсадга мувофиқ. Давлат хизматларини кўрсатиш учун йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланган бўлиши керак.

Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этган

тақдирда унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, фуқаро томонидан тасдиқлангандан сўнг 5 дақиқа мобайнида, ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда автоматик тарзда хусусийлаштирилаётган уй-жой жойлашган туман (шаҳар) ҳокимлигига ҳамда уй-жой фондини балансда сақловчи давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилотга электрон шаклда юборилиши лозим.

Уй-жойни хусусийлаштириш тўғрисидаги ариза бир ой муддат ичида туман (шаҳар) ҳокимликларида – шу мақсадларда белгиланган мутахассис томонидан, ёки уй-жой фондини балансда сақловчи давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда – тегишли бўлинма томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳамда уй-жой фондини балансда сақловчи давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилот аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича уй-жойни хусусийлаштириш тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади ва уни ЯИДХП орқали ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига юборилади. Давлат хизматлари маркази қарорни (буйруқни) олгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва бу ҳақида ариза берувчини ахборот-коммуникация технологиялари орқали хабардор қилади.

Ариза ижобий бўлган тақдирда, Ягона биллинг тизими қарор (буйруқ) маълумотлари асосида хусусийлаштирилаётган уй-жойни сотиб олиш учун ҳисобварақни шакллантиради ва қарорга (буйруқга) илова қилади ҳамда тўланган маблағлар ҳисобини юритади. Ариза берувчи уй-жойни сотиб олиш учун ҳисобварақни олган кундан бошлаб ўн иш куни ичида қарор (буйруқ)да назарда тутилган шартларда уй-жойни хусусийлаштириш учун тўловни тўлиқ ёки қисман амалга оширади.

Ариза берувчи хусусийлаштирилаётган уй-жойнинг сотиб олиш қиймати тўловини тўлиқ амалга оширганидан сўнг, туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки давлат органи, корхона, муассаса ва ташкилот, тўлов амалга оширган кундан бошлаб беш иш куни ичида белгиланган намунадаги QR-код (матрик штрихли код) қўйилган уй-жойга мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери белгиланган тартибда шакллантириши ва ваколатли органга имзолаш учун юбориши лозим. Бунда ваколатли орган сифатида Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудий бошқармалари бўлиши тавсия қилинади.

Ваколатли орган бир иш куни ичида уй-жойга мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордерига электрон рақамли имзо қўяди ва уни ЯИДХП орқали ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига юборади. Давлат хизматлари маркази ордерни олгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ва бу ҳақида ариза берувчини ахборот-коммуникация технологиялари орқали хабардор қилади. Ордер ЯИДХП орқали ариза берувчига юборилганда автоматик равишда хабарнома берилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича QR-код (матрик штрих-код) қўйилган ордер аслига тенглаштирилиши керак.

Шундай қилиб, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш юқорида таклиф этилаётган қоидалар асосида амалга оширилиши ушбу хусусийлаштириш жараёнларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланишга, ва шу тариқа, давлат уй-жой фондидан фойдаланишда очиқлик ва шаффофликни таъминлашга имкон беради.

Фойдаланилан адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартдаги 114-сон “Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш тўғрисида”ги қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

Innovative Technologies of the Cultural Heritage Sector: State of the Art and Definition

Носирова Умида Мизробовна
(+998)99 112 79 79
Базовый докторант Международного университета туризма и культурного наследия «Шёлковый путь».

Annotation: Knowledge of museum business theory and practice, both domestically and internationally, has a direct bearing on the level of service provided by museums. This is especially true in Uzbekistan. And this knowledge can only be achieved through the higher education system, on the basis of humanities and economics courses that are studied under the "Socio-cultural service and tourism" specialization. A person who specializes in customer service needs to be able to establish friendly and open lines of communication with clients. This falls squarely under his direct purview.

Key words: Museums, cultural heritage, IT, IS, technologies, positivist, interpretive, critical, data.

A number of researchers have offered their interpretations of what constitutes an information system or information technology. These definitions also encompass a variety of epistemologies, and contemporary definitions of information systems can be categorized as either positivist, interpretive, or critical…

Table 1 introduces several common definitions of IT/IS.

References	Labels	Definitions	Paradigm
Zuboff (1988)	IT	"The convergence of several streams of technical developments . . . that dramatically increase the ability to record, store, analyze, and transmit information in ways that permit flexibility, accuracy, immediacy, geographic independence, volume, and complexity. Information technology has a unique capability to restructure operations that depend upon information for the purposes of transaction, record keeping, analysis, control, or communication." (p. 415)	Positivist
Huber (1990)	Advanced IT	"Devices (a) that transmit, manipulate, analyze and exploit information; (b) in which a digital computer processes information integral to the users' communication or task; (c) that have either made their appearance since 1970 or exist in a form that aids in communication or decision tasks to a significantly greater degree than did pre-1971 forms." (p. 48)	Positivist
		"Devices (a) that transmit, manipulate, analyze and exploit information; (b) in which a digital computer processes information integral to the users' communication or task; (c) that have either made their appearance since 1970 or exist in a form that aids in communication or decision tasks to a significantly greater degree than did pre-1971 forms." (p. 48)	Interpretivist
Hirschheim et al. (1995)	IS	"As Information Systems are widely perceived as providing representations of organizational reality for the purpose of organizational control and problem solving, alternative paradigms highlight the information systems' role in the process of social reality construction	Interpretivist

		through sense-making, or their contribution to the improvement to arguments in the organizational discourse with possible implications for emancipation." (p.5)	
Jasperson et al. (2002)	IT	"From one perspective, IT may be seen as a driver of change in power structures and processes. Alternatively, the creation and introduction of IT can be seen as a process that involves interested parties intentionally using their power to affect the nature of the systems that are put in place. […] IT can be used to create symbols and meaning that reinforce current power structures or to mold altered structures." (p.427)	Critical Social Theory
Reix and Rowe (2002)	IS	"An information system is an ensemble of social actors who memorize and transform representations via information technologies and operatory modes." (p.11)	Interpretivist

According to these definitions of IT and IS, the type of technologies that researchers refer to most frequently are those that are utilized in settings that are associated with workplaces. The positivist definitions of information technology and information security conceive of IT and IS as tools that are intended to assist managers in working more effectively.

For instance, characteristics like storing data, exchanging messages, or accumulating information take center stage in these positivist definitions. On the other hand, the interpretive and critical definitions place more of an emphasis on other components, such as interpretation and power. The problem is that all of these definitions are far too general, and furthermore, they have a view of IT and IS that is utilitarian and functional. As a consequence of this, these definitions are not suitable to be used in order to describe the technologies that are utilized in the cultural heritage, which typically take the form of hedonic systems.

The author Van der Heijden (2004) differentiates between utilitarian systems and hedonic systems by demonstrating that the two categories of technological advancement serve distinct ends. As a result, they need to be evaluated in a manner that takes into account the particular qualities that they each possess. Hedonic technologies are generally aimed at providing entertainment, in contrast to utilitarian technologies, which serve productivity purposes. Van der Heijden (2004)

says that "the value of a hedonic system is a function of the degree to which the user experiences fun when using the system." This is a more precise explanation. (p. 696). Hedonic systems can be characterized by the presence of "animated images, a focus on colors, sounds, and esthetically appealing visual layouts," as one example. (p. 696) It would appear that museum technologies are more aligned with the category of hedonic information systems than they are with the category of utilitarian information systems. Following is a presentation of common technologies that are typically used in environments pertaining to cultural heritage. This is done with the intention of demonstrating how museum technologies fit into this category. We relied on several reports published by the European Commission that deal with digital cultural heritage in order to identify these technologies[108]. These European reports provide a comprehensive inventory of technologies, including those that professionals and specialists working in the cultural heritage sector are able to implement into their work on a regular basis. As a consequence of this, we will only demonstrate the technologies that are currently available for use by guests. In addition, the majority of the technologies that we present are those that have the greatest potential or that are already widely utilized in museums. Additional research papers were read and analyzed, and our understanding of the retained technologies was expanded as a result. It is possible to differentiate between two distinct categories of technology: devices and applications. The majority of the devices that can be used in museums are fixed devices such as televisions, computers, video walls, and large screens. Touch-screen kiosks are another type of common fixed device. Audioguides, Tablet PCs, other handheld devices, and mobile phones are some examples of the mobile technologies that are becoming increasingly available in museums. Video, audio, various forms of virtual reality technology (such as 3D, augmented reality, and hybrid environments), haptic applications, and network applications are among the applications (like Internet, GPS and UMTS). The reason we differentiate between devices and programs/applications is due to the fact that the former are typically contained within the latter. For instance, virtual reality can be incorporated into kiosks as well as personal computers, and Internet connectivity can be built into either personal computers or handheld devices. The significance of our binary classification lies in the fact that other researchers have made a similar distinction between applications and devices, typically by referring to networks, software, and hardware (Laudon and Laudon 2006).

Conclusion

To summarize, it would appear that the technological tools used in the preservation of cultural heritage have different purposes than the utilitarian tools used in work environments. Certain researchers have formulated specific definitions of information technology for the cultural heritage field For example, Monod and Klein (2005) define "the application of IS to communicating cultural

[108] Digicult Report 2002; Digicult Report 2005; DigicultReport 2004).

heritage" as "e-heritage systems," and they use the term "e-heritage systems" to do so (p. 2871). "A tool to enable access, preservation, use, and understanding of the heritage," is how the European Commission characterizes technology. (p. 14) We rely on these definitions and characteristics of information technology to provide a more comprehensive definition of cultural heritage technologies from the perspective of the person who is visiting the site. The following is our definition of the term: The information technology and information systems that are devoted to cultural heritage sites represent a group of technologies (devices and applications) whose primary purpose is to improve the emotional and mental experience of visitors. These technologies help museums fulfill their mission of communicating with the public while also educating them and entertaining them. To be more specific, information technology and museum information systems that intervene in the relationship between visitors and museums should assist visitors in interpreting cultural artifacts and enjoying them.

Because of this, the following modifications are possible in the museums:

- to acquaint citizens of our country and visitors to our country with the artifacts of our history that are kept in museums of our country, as well as in museums located outside of our country museums. Through the one-of-a-kind displays that are found in our museums, we are cultivating in the minds of the people a spirit of respect for universal values, as well as our extensive and rich national and cultural heritage;
- Development of international relations, cooperation in the field of museology that is mutually beneficial, and introduction of the rich history and current achievements of our country to the global community through a wide range of exhibitions both in Uzbekistan and abroad;
- Accomplish global promotion of the one-of-a-kind exhibits that are housed in museums. These, in turn, will make it possible for us to develop our nation and contribute to its economic growth; we will also be able to take pride in our extensive history; we will be able to maintain our identity; and we will be able to accomplish significant tasks, such as leaving a wonderful legacy for the generations to come.

References

1. Abdullakhodjaev G. T. Protection Of Moral And Material Rights Of Copyright Subjects //The American Journal of Social Science and Education Innovations. –2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 73-80.
2. Алимов Н. Ю. COPYRIGHT PROTECTION THROUGH BLOCKCHAIN //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2019. – №. 5-6. – С. 26-28.
3. Alimov N. Y. Architectural project-As an object of copyright //ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH. – 2021. – Т. 10. – №. 4. – С. 914-918.

4. AN Yunusovich. Occasional Use Of Anothers Work //The American Journal of Social Science and Education Innovations 3 (05), 47-52

5. Маруфбаев Б.Ш. ЭТНОКУЛЬТУРНОЕ МЫШЛЕНИЕ-КРИТЕРИЙ НАЦИОНАЛЬНО-ДУХОВНОГО РАЗВИТИЯ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2018. – №. 2-4. – С. 60-64.

6. Sherbekovich M. B. Contemporary Art Is A Factor For Developing Democratic Thinking, Forming A Strong Citizen Position //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – Т. 2. – №. 11. – С. 557-561.

7. Машарипова Г. ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ //Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти АХБОРОТНОМАСИ илмийамалий журнали. – 2021. – Т. 5. – №. 01.

8. Utanova, U. A. (2020). FOLK CULTURE IS A SOCIO-HISTORICAL PHENOMENON. International Engineering Journal For Research & Development, 5(9), 5-5.

9. Утанова, У. А. (2014). Общечеловеческое и национальное в народной культуре. In Сборники конференций НИЦ Социосфера (No. 38, pp. 91-95). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.

10. Utanova, U. A. (2019). ScientificallyPhilosophical Analysis Of Cultural And Spiritual Heritage. International Journal on Integrated Education, 2(1), 53-55.

11. Сабирова, Р. Г., & Утанова, У. (2016). Народная культура»: понятие, сущность, социально-философский анализ. ББК 72я43 С, 56, 183.

12. Utanova U. A. et al. ScientificallyPhilosophical Analysis Of Cultural And Spiritual Heritage //International Journal on Integrated Education. – 2019. – Т. 2. – №. 1. – С. 53-55.

13. Fayazova F. Methodology Of Vocational Training And Pedagogical Practice As The Main Factors In The Preparation Of A Future Teacher Of Vocational Training //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 03. – С. 27-31.

14. Утанова У.А. INTERNETNING INSON AXLOQIY VA ESTETIK DUNYOSIGA TA’SIRI //

15. Addis, M. "New Technologies and Cultural Consumption - Edutainment is Born !," European Journal of Marketing (39:7/8) 2005, pp 729-736.

М У Н Д А Р И Ж А

I ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ”

М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев — **Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг назарий масалалари**..... 4

Р.Х.Эргашев — **Ҳудудларда саноатни ривожлантиришда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш……** 8

Қ.Ж.Мирзаев — **Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётини рақамлаштириш масалалари……..** 16

Қ.Ж.Мирзаев — **Рақамлаштириш асосида “электрон ҳукумат”ни ривожлантириш масалалари…….** 19

Э.Шавқиев — **Ўзбекистонда алоқа хизматларининг ривожланиш истиқболлари……** 21

Н.Р.Эргашева — **Бухгалтерия ҳисобида аутсорсинг хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш йўллари……** 25

Ғ.С.Мустафоев — **Қишлоқ жойларида рақамли хизматларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти……** 28

Ҳ.Н.Очилова — **Таълим соҳасида хизмат кўрсатиш самарадорлигини таъминлашнинг назарий асослари……..** 31

Б.Б.Мардонов — **Инновацион иқтисодиётда хизмат кўрсатиш сохасининг вазифалари……..** 36

А.Х.Улашев — **Макроиқтисодий ривожланишда рақамли иқтисодиётнинг ўрни……..** 41

II ШЎЪБА. “РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ”

S.B.Boboqulov, M.Usmanov — **Raqamli iqtisodiyoti sharoitida qishloq joylarda yoshlar ishsizligini oldini olish masala……...** 44

S.B.Boboqulov — **Xizmat ko’rsatish sohasini raqamlashtirish yo’llari……..** 48

З.К.Рахимов — **Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини рақамли иқтисодиёт шароитига мос ҳолда ривожлантириш.....** 52

Н.Т.Махкамов — **Сифат менежменти тизимини ривожлантириш: Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш тенденциялари.....** 54

З.К.Рахимов — **Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг хорижий давлатлар тажрибаси.....** 58

Б.Жанзаков — **Туризм соҳасини рақамлаштириш самарадорлигини ошириш имкониятлари.....** 60

Ф.Ф.Нарзуллаев, Н.Ф.Мехмонова — **Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиётга ўтиш истиқболлари.....** 64

Р.М.Гайбуллаев — **Банклар кредит портфели сифатини бошқаришдаги мулоҳазалар.....** 67

С.Тўрабеков — **Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм хизматларини ривожлантириш муаммолари .....** 71

С.Джулматова, Ш.Журакулов — **Факторы формирования цифровой экономики….** 76

Х.Б.Ражапов **Ўзбекистонда коронавирус пандемияси шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари.....** 79
G'S.Mustafoyev **Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yoshlar bandligini ta'minlashda xorij tajribasini qo'llashning mamlakat imkoniyatlari.....** 89
Б.Ф.Боронов **Ҳисоб сиёсати ва унинг ёғ-мой саноати корхоналаридаги аҳамияти.....** 92
А.Қ.Тўраев **Бандликни таъминлашга таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.....** 95

III ШЎЪБА. "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ"

E.Shavqiyev
M.S.Musurmonova **Sanoat klasterlari va kichik sanoat zonalari – iqtisodiyotni industriyalashtirishda muhim omil.....** 99

А.Бектемиров
М.Д.Маликова
У.Н.Пирназаров **Банк кредит портфелини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....** 103
М.Э.Аҳтамова **Концептуальные направления развития экотуризма в самаркандской области в условиях цифровой экономики.....** 106
Ҳ.Н.Очилова **Олий таълимда таълим хизматларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлили.....** 109
Р.М.Гайбуллаев **Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашдаги саъй-ҳаракатлар.....** 114

IV ШЎЪБА. "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ"

Э.Шавқиев
А.А.Назаров **Эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этилишининг давлат иқтисодиётига таъсири.....** 116
Қ.Ж.Мирзаев
М.Э.Аҳтамова **Рақамли иқтисодиёт шароитида Самарқанд вилоятида экотуризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш масалалари.....** 120
И.Б.Маткаримов **Агрохимическое обслуживание в условиях инновационной экономики и его роль в повышении плодородия земли**..... 123
Ҳ.Б.Хўжаёров **Томонларнинг рақобатдош манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари томонидан кредитлашнинг математик модели.....** 125

V ШЎЪБА. "РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БОШҚА ТАРМОҚЛАР ВА СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ"

Э.Шавқиев
Д.Д.Ширинбоева **Меҳмонхона бизнесини ривожлантиришнинг тарихий аҳамияти.....** 131
Л.Т.Абдухалилова **Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларида мижозларни жалб қилишнинг самарали йўллари.....** 134

S.Abrorov I.Eshova	**O'zbekiston tijorat banklarida smart bank xizmatlarining rivojlanishi……**	141
Г.М.Шодиева Р.Кулмурадова	**Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини таъминлашда оилавий тадбиркорлик роли.....**	145
A.R.Inyatov	**Qishloq xo`jaligini strategik rivojlantirishning ustuvor yo`nalishlari……**	149
G.M.Shodiyeva U.A.Asrorov	**Mamlakatimizda iqtisodiyotni raqamlashtirish sharoitida tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari.....**	152
Г.М.Шодиева Д.Сафарова	**Самарқанд вилоятида туризм соҳасида тадбиркорликни ташкил килиш ва уни ривожлантириш имкониятлари.....**	155
S.Abrorov M.Xasanboyeva	**Bank tizimida yuz berayotgan transformatsiya jarayonlari: "Asaka" bank misolida……...**	159
А.Б.Мирзаходжаев	**Обеспечение конкурентоспособности гостиничных предприятий в условиях цифровизации…….**	162
Ж.И.Досекеев Ж.М.Давлетов	**Условия развитие туризма Приаралья……...**	166
Д.М.Маликова	**Проблемы в обеспечении экономической безопасности коммерческих банков и пути их решения.....**	171
З.Ашуров А.Валижонов	**Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш жараёнларини рақамлаштириш масалалари.....**	173
У.М.Носирова	**Innovative Technologies of the Cultural Heritage Sector: State of the Art and Definition……**	176

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР»

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(I қисм)
(2022 йил 10-11 ноябрь)

“STAP-SEL” MChJ. nashriyot - matbaa ijodiy bo`limi,
Samarqand - 2022.

ISBN: 978-9943-8583-5-0

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)
Chop etishga ruxsat etildi: 10.11.2022 y.
© **“STAP-SEL” MChJ.** nashriyot - matbaa ijodiy bo`limi,
Samarqand.

10.11.2022 yilda chop etildi.
Qog‘oz bichimi A5, 60x84 1/16, Ofset qog‘ozi.
“Times New Roman” garniturasi.
Nashr bosma tabog‘i 11,62
Buyurtma № 0145A. Adadi 30 nusxa

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
LICENSE № 025316.
REESTR № X-119112.
Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko’chasi 60-uy.

ISBN: 978-9943-8583-5-0

